




СЕРГЕЙ РОЗАНОВ



МАЙСАЖОННИНГ



САРГУЗАШТЛАРИ



ПОВЕСТЬ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ
Тошкент—1974

— Уғлингиз албатта топилади!

— Топилишини биламан. Ахир ўзи топилар экан деб икки қўлимни қовуштириб туришим керакми? Бирор чора ахтаришим керак-ку! Милицияда йўқ бўлса. Радиода жой йўқ бўлса, сизда мумкин бўлмаса...

— Қўлингиздаги нима?

Ҳозир Майсажоннинг онаси ўғлини қидириб юрибди. Майсажон қандай қилиб йўқолиб қолди, Майсажоннинг бошига қандай қийинчиликлар тушди, Майсажон бу қийинчиликларга бардош бера олдими, йўқми, буни повестни ўқиб чиққанингиздан кейин билиб оласиз.

Ёзувчи повестда Майсажоннинг бошидан кечирган саргузаштларини кичкинтой китобхонлар дидига мослаб, ранг-баранг бўёқлар асосида қизиқарли ҳикоя қилади.

Повестни ўқиб чиққанингиздан кейин Майсажонни шубҳасиз севиб қоласиз.

Русчадан
ҲАКИМ ПИРМУҲАМЕДОВ
таржимаси

© Издательство Детгиз, 1958.

© Перевод на узбекский язык с сокращениями,
издательство «Еш гвардия» 1974 г.



Майсажон тўғрисида

Майсажон — бу кичкина боланинг лақаби, у ҳамма нарсага қизиқувчан.

У баҳорнинг эндигина униб чиқаётган майсасидек гулларга, офтобга, осмондаги булутларга, бутун оламга қарайди.

Агар самолёт Майсажон устидан учиб ўтса, у самолётга қараб хаёлга ботади: «Нима учун самолёт қушлар каби қанот қоқиб учмайди? Ахир у қушга жуда ҳам ўхшаб кетади-ку, қанотларини қоқмасдан қандай уча олар экан-а!»

Москва кечқурунлари электр нурлари билан бирдан ёришиб кетганда у: «Бутун Москвани бир зумда ёритиш учун шунча электр қуввати қаердан олиндикин?»— деб ўйлайди.

Майсажон бир кун радиоприёмникнинг қора мурватини бураши билан: «Диққат! Киевдан гапирамиз»— деган овозни эшитди. Кейин музика янгради. Хонада ҳеч ким йўқ, фақат кичкина яшик турибди, лекин кимдир қўшиқ куйламоқда. Нима учун шундай эканлигини билиб олишни кўпдан бери ўйлаб юрганди. У югуриб кўчага чиқди-да, қулоқ сола бошлади. Кўча жимжит эди. Киевдаги музика қандай қилиб Москвага келиб қолдикин.

Дунёда ҳайрон қоладиган кўп ажойиб нарсалар бор-а! Албатта буларнинг ҳаммасини билиб олиш керак.

Одам икки-уч ёки ҳатто тўрт ёшида ҳам саводсиз бўлиши мумкин, лекин у секин-аста албатта ўқишни ва ҳисоблашни билиб олади. Шунинг учун ҳам Майсажон ҳамма ҳарфларни ёдлаб, улардан сўзлар тузишни ўрганиб олди.

Ҳисоблашда эса юзгача, ҳатто юздан ортиқ сонларни ҳам санашни билади.

Бир кун келиб Майсажон албатта катта бўлади, шунда уни Трофим Михайлович деб чақиришади.

Ўша пайтгача у албатта ҳамма нарсани билиб олади.

Ҳозирча уни Майсажон деб аташади.

Нима бўпти, жудаям яхши.

Эски боғларда юз берган воқеа ҳақида

Майсажон Москвада, Петровский боғида ота-онаси билан бирга яшайди. У ҳамма вақт ўша жойда яшаган. Ҳали ёш бўлишига қарамасдан кўпгина ажойиб нарсаларни кўришга улгурди.

Майсажон дадаси ва ойиси билан бирга боғ ҳовлиларига борганини ҳали-ҳали эслайди. Боғлар ҳам худди нуроний кампирлардек кексайиб қолган эди. Лекин уларнинг олдида дарахтлар, ялангликларда гуллар ўсиб, ҳар хил капалаклар учиб юрарди.

Нариги томонга ўтиш бирдан мумкин бўлмай қолди. Тахта девор пайдо бўлиб, ҳамма ёқни машиналар босиб кетди. Ёзда эса тўсиқ ортидан уйларнинг қизил деворлари қад кўтарди.

Худди эртақдагига ўхшайди. Лекин уйларнинг деворлари ўз-ўзидан кўтарилгани йўқ.

Майсажон уйларнинг деворлари устида одамлар қандай ишлаётганини кўрди. Улар кул ранг брезент қўлқопларида қизил фиштларни ушлар ва бир-бирининг устига тез тахлардилар.

Бир қатор фиштни териб, устидан худди кул ранг қуюқ қаймоққа ўхшаш цемент қоришма суришар, қоришма устидан яна фишт теришарди. Яна янги қатор пайдо бўларди. Цемент қоришма қотгандан кейин фиштларни ҳар қандай куч билан ҳам қўзғатиш қийин. Цемент ҳар қандай елимдан ҳам қаттиқ ушлайди. Одамлар фиштларни бир текис терадилар. Деворлар шу йўсинда кўтарилиб боради.

Майсажон қурилишда қанча одамлар ишлаётганининг ҳисобини ололмади: одамлар қурилаётган уйларнинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам ишлардилар. Муҳими, одамлар билан бирга уларнинг ёрдамчилари — машиналар ишларди. Ҳар бир машинани ҳам одамлар бошқарарди.


Машина кўп эди.

Кўтарма кранлар кўкка бўй чўзиб турарди. Кўтарма кранларнинг забардаст темир панжалари қурилиш учун зарур бўлган барча нарсаларни ҳар қандай қаватга элтиб берарди.

Юк машиналар тарақлаб, пулемётга ўхшаб тра-та-та-та-та деб овоз чиқариб бориб келаётган бошқа машиналар олдида ювош кўринарди.

Одамлар тез, аниқ ҳамда ўйин-кулги билан ишлардилар. Ҳамма ўз жойини биларди. Ҳар бир киши ўз ишини билар ва уни имкон борича яхшироқ бажаришга ҳаракат қиларди.

Эски боғларнинг ўрнида тўртта саккиз қаватли уйларнинг деворлари қад кўтарди.



Майсажоннинг истаги қандай қилиб рўёбга чиққанлиги ҳақида

Ишчилар деворларни ҳаво ранг бўёққа бўядилар. Балконларга жимжимадор панжаралар ўрнатдилар, томнинг нақ тагига безама кенг оқ пирамонлар ясадилар.

Майсажон биноларнинг ичида нима ишлар қилинаётганини жуда ҳам билгиси келарди-ю, лекин ойиси у билан қурилишга боришга қўрқарди, унинг ўзини ҳам юбормасди. Дадаси эса доим банд эди. Шундай бўлса ҳам бир куни у:

— Бўпти, борамиз,— деди.

Дадаси «бўпти» дедими, демак, бўлади.

Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Дадаси янги қурилган уйга ордер олди.

Майсажонлар яшаётган эски уй олдига бир куни юк машинаси келиб тўхтади.

Ойиси ҳовлиқиб қолди. Дадаси китобларни тахлай бошлади. Ташувчилар полни босиб ифлос қилиб юбордилар. Шкафлар гижирлади. Идишлар жаранглади. Қаердандир чипта ва йўғон арқонлар пайдо бўлди. Чанг ҳиди анқиди. Буюмларни машинага олиб чиқа бошлашди. Майсажонлар яшаган хона тезда ҳувил-



лаб қолди. Уларнинг ҳамма мол-мулклари юк машинасида эди.

Майсажоннинг дадаси машинага чиқиб, стол устига ўтириб олди.

Майсажоннинг ҳам дадаси билан машинада кетгиси келди, лекин ижозат сўрашнинг фойдаси йўқ эди: ёнида ойиси турар ва унинг қўлидан маҳкам ушлаб олган эди.

Юк машинаси силкиниб қўзғалди, дадаси ўтирган жойида сал чайқалди-да, Майсажонга қараб, менинг қандай довюраллигимни кўрдингми, дегандай қўл силкитди.

— Йўлда тагин бирор нарсани тушириб қўйманг! Узингиз ҳам йиқилиб тушманг,— деб қичқириб қолди ойиси.

— Хўп, ҳаракат қиламан!— бақириб жавоб қайтарди дадаси.— Майсажон, ойингни йўқотиб қўйма!

Майсажон дадасининг ҳазиллашаётганини тушунди ва қувониб қичқирди:

— Хўп бўлади! Ҳаракат қиламан!

Бугун учалалари ҳам жуда хурсанд эдилар. Бўлмасам-чи! Ахир улар Янги уйларга кўчаётган эдилар-да.

Янги уй қаватлари бўйлаб саёҳат

Шундай қилиб улар Янги уйларда яшай бошладилар.

Уйнинг адреси: Петровский боғи, Янги уйлар, «Б» корпуси, 68-квартира. Шу адрес бўйича уларни ҳар ким ҳам қидириб топиши мумкин.

Янги уйлар ҳамма томондан кўриниб турарди. Учала корпус — «А», «Б», «Г» корпуслари худди алифбе китобидаги ҳарфлар каби ёнма-ён турарди.

68-квартира уйнинг олтинчи қаватида. Зинадан юқорига чоғиб чиқиш, зиналар ва қаватларни ҳисоблаш жуда гаштли. Ҳар ўн олти зинадан кейин бурилиш бор... Ҳар ўн икки зинадан кейин майдонча ва уйнинг навбатдаги қавати келади.

Ҳаммадан ҳам лифтда кўтарилиш гаштли эди. Лифт хоҳлаган қаватга ва чарчамасдан чиқиш учун қурилган-да. Кабинада кўтарилиш керак. Кабина — бу кичкина хона. Хонага кирасан, хонада тахтача бор. Шу уйда нечта қават бўлса тахтачада шунча тугмача бор. Энг юқоридаги тўққизинчи тугмачада — «Тўхта» деган ёзув бор.

Майсажон лифтда дадаси билан борарди. Хонада улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Дадаси шунинг учун ҳам ўғлига ҳамма тугмаларни бирма-бир босиб кўришга рухсат берди.

Қоида бўйича, лифтда пастга тушиш бегона кишиларга рухсат берилмайди. Аммо бу лифт Майсажоннинг дадаси ишлаётган заводда тайёрланган. Барибир Майсажоннинг дадаси лифтнинг ишлашини текшириб кўриши керак эди. Шунинг учун ҳам ўғли билан сайр қиларди.

Лифтнинг қандай ишлаётганини фақат дадасининг ўзи кузатарди. Майсажон эса тугмачаларни босарди.

Улар саккизинчи қаватга кўтарилардилар ва биринчи қаватга тушардилар. Ўз квартиралари рўпарасида тўхтардилар. Лекин хонадан — лифтдан чиқмасдилар, энг пастгача тушардилар.

Ниҳоят дадаси шундай деди:



— Уйга қайтадиган вақт бўлгандир? Ойнинг хавотир олиб ўтирмасин яна.

— Бўпти, кетамиз, — розилик берди Майсажон.

У олтинчи тугмачани босган эди, хона юқорига кўтарилиб, 68-квартира рўпарасида тўхтади...

Квартира эшиги очилиб, эшикда ойиси пайдо бўлди.

— Шунча вақт қаерда қолиб кетдинглар? Мен сизларсиз зерикиб қолдим. Сизлар-чи, зерикмадингларми? — деди у.

— Биз ҳали зерикишга улгурмадик, — чин кўнгилдан айтди Майсажон. Ойиси эса гапида давом этди.

— Менга сизларни боғчадан чиққанларингизга ярим соат бўлди, дейишди.

Тўғри. Болалар боғчаси улар яшайдиган уйнинг ёнида, «Г» корпусида, биринчи қаватда эди. Агар улар лифтда сайр қилиб юрмаганларида аллақачон уйда бўлишарди. Ундан олдинроқ чуқур ариқларда ишлаётган водопроводчиларнинг ишини қизиқиб томоша қилдилар. Чуқур ариқларда ёнаётган олов шундай кучли эдики, қараб бўлмасди, дарров кўзни оларди. Бунинг устига, учқунлари ҳамма томонга сачарди.

Улар лифтда хоҳлаганча сайр этиб, ажойиб оловни томоша қилиб юрганларида ойиси уларга топишмоқ ўйлаб қўйган экан. Шунинг учун ҳам уларнинг тезроқ келишини истарди. Улар эса ҳалигача келишмасди. Шунинг учун ҳам ойиси уларни соғиниб қолган эди.

Ойиси айтган топишмоқлар

Ниҳоят улар келиши билан ойиси уларга биринчи топишмоқни айтди. Мана бундай:

Юм-юмалоқ нуқтача,
Ўртасида тугмача.

Тугмачани босасан ,
Дәрхөл четга қочасан.
Сўнг эшик очилади,
Ойинг чиқиб келади.

— Мен биламан!— деб қичқирди дадаси ва дарров қўл кўтарди.

Аmmo ойиси турмуш йўлдошига, жим туриг, деган ишорани қилиб, ўғлига қаради:

— Қани, ўғлим, ўйлаб кўр бундоқ...

— Бу электр қўнғироқ!— деди Майсажон ва югуриб эшик олдига борди-да, оёқ учида туриб, ойиси тугма деб атаган кнопкани тўрт марта босди.

Қўнғироқ товуши янгради.

Майсажон қўнғироқ тугмасидан қўлини олди, лекин хонада яна нимадир жирингларди. Қўнғироқ овози энди кираверишдаги эшикдан эмас, балки уй ичидаги хонадан эшитиларди.

— Наҳотки телефон?— сўради дадам.

— Ҳа, ҳа!— севиниб жавоб берди ойиси.— Топдинглар, мен эса сизларга топишмоқ тўқиб қўйдим! Бизларга телефон ўрнатиб кетишди. Мен Лёва Измайловга телефон қилдим. У бизни якшанба куни чанғида учишга таклиф қиляпти. Яна қўнғироқ қилаётганга ўхшайди. Эшитяпсизларми?

Ҳақиқатдан ҳам уйда телефон кетма-кет жирингларди.

Майсажон телефоннинг олдига югуриб бориб, трубкани кўтарди. Чиндан ҳам Измайлов қўнғироқ қилаётган экан. Майсажон бақириб юборди:

— Салом! Лёва Измайлов амаки! Мен тоғдан чанғида тушишни ўрганиб олдим. Ҳассада ҳам, ҳассасиз ҳам туша оламан! Ҳатто дадамдан ҳам қолишмайдиган бўлиб қолдим, ойим тўғрисида-ку гапирмасам ҳам бўлади. Лёва амаки, эшитяпсизми? Биз боғчада поезд ясадик! Аммо юрмайди. Уни ип бойлаб тортиш керак. Бошқа ҳаммаси — вагончалари ва бошқалари ҳам ростакам... Лёва амаки! Эшитяпсизми?

Лёва Измайлов амаки эшитарди. Лекин унинг қулоғи Майсажоннинг қичқириб гапираётганлигидан шундай шанғиллаб кетдики, у телефонни дадасига беришни буюрди.

Телефонда қичқиришнинг мутлақо кераги йўқ. У қичқириш



учун эмас, одатдагидек суҳбатлашиш учун ўрнатилган.

Дадаси Измайлов амаки билан гаплашиб бўлиб, трубкани қўйди-да, кейин сўради:

— Хўш, якшанба куни Измайловларникига борамизми?

Измайловлар уларнинг дўсти эди. Улар қишда ҳам, ёзда ҳам шаҳар ташқарисидаги боғ ҳовлиларида яшардилар. Улар турган «Пролетарский» проспекти кенг — яйраб яшайдиган жой бўлиб, ўрмонлар ва тоғлар бор. Ёзда қайиқда, қишда эса чанғида учиш мумкин.

Айтишларича, ўрмонда узун қулоқли қуёнлар бор экан. Бечоралар узун қулоқларини доим динг қилиб юришар экан. Чунки эҳтиёт бўлишмаса бўрилар сезиб қолишаркан. Қаерда қуёнлар бўлса, ўша жойда бўрилар бўлади-да. Аммо бўриларнинг ўзи қўрқоқ бўлади. Ахир улар одамлардан қўрқишади-ку!

Майсажон Измайловлар боғига ҳатто ҳозир ҳам боришга тайёр эди.

Ойиси хафа бўлиб деди:

— Афсус мен Сизлар билан бора олмайман. Якшанба — ёлғиз бўш куним. Ашула тўгарагим бор. Имтиҳонларга тайёрланишим керак. Бундан ташқари, уйда ишларим кўп. Ҳеч бўлмаса уч соатга боришим мумкин эди, лекин Пролетарскийга поездлар кам юради.

— Бу янги из,— деди дадаси.— Шошмай тур, тез орада у томонга ҳам электр поезда қатнаб қолади.

Ойиси жилмайиб қўйди:

— Майли, мен ярим йил кутиб тураман. Аммо Сизлар албатта боринглар.

— Биз келганимиздан кейин Сизга ҳаммасини гапириб берамиз.— Ойисига тасалли берди Майсажон.— Мен Сизга ҳақиқий қайин бутогини олиб келаман.

Светофорлар остидаги троллейбусда

Кутилган қувончли кун ҳам етиб келди. Дадасига чангини Измайловлар боғидан топишадиган бўлишди. Майсажоннинг болаларбоп чанғисини олиб кетишга тўғри келди.

Ойиси ҳам кийинди-да, турмуш йўлдоши ва Майсажонни троллейбусгача кузатиб қўйиш учун кўчага чиқди.

Изгирин турган эди. Осмон кўм-кўк. Фақат онда-сонда тиниқ булутлар кўринарди. Осмонни гўё кимдир каттакон чўтка билан оққа бўяб қўйгандек. Офтоб ҳали кўтарилмаган бўлса ҳам, уйларнинг деворларини ёритиб турарди. Уйлар худди товланаётганга, қушоқланганга ўхшарди. Томларнинг бўғотларида биринчи сумалар осилиб қолган. Бўғотларда чумчуқлар чирқиларди.

— Чанги учадиган ҳаво бўлибди!— деди дадаси.

Қаердандир узоқдан муътадил шабада эди.

— Баҳор ҳиди келпти...— деди ойиси.

Майсажон эса ҳеч нарса демади. У индамай қувониб турарди.

Улар катта йўлга чиқиб, троллейбус бекатида троллейбус кута бошладилар.

Узоқдан яқинлашиб келаётган троллейбусни биринчи бўлиб Майсажон кўрди. Троллейбус томидаги қармоққа ўхшаш иккита узун сим электр симларида сирғаниб келарди. Қармоқчаларнинг учлари аҳён-аҳёнда ёнар ва кўкимтир электр учқунлари отилиб кетарди.

Троллейбус келиб тўхтаганда, ойиси дадасига:

— Ўзингиз қараб тулинг, тагин бирор кўнгилсиз воқеа юз бермасин,— деди.

Дадаси:

— Хўп,— деб жавоб берди.

Дадаси «хўп» дедими, сўзининг устидан чиқади.


Майсажон индамай турди, кейин шошилиб ойиси билан ўпишиб хайрлашди. У ҳеч қандай воқеа юз бермаслигини биларди-да.

Ота-бола троллейбусга чиқиб, юмшоқ ўриндиқларга ўтириш-

ди. Дадаси Майсажоннинг чанғисини тиззалари орасига оли-
волган эди.

Кондуктор аёл электр қўнғироқнинг тугмасини босди. Шун-
дан кейин троллейбус ҳайдовчи педални оёғи билан босган эди,
троллейбус юмшоқ силкиниб, юриб кетди.

Майсажон бурнини ойнага тираб олди. У ўтирган жойида



гоҳ-гоҳда силкиниб тушар, бурнини ойнага уриб оларди. Лекин
у бундай арзимаган нарсаларга парво қилмасди.

Қарши томондан автомобиллар, троллейбуслар, автобуслар,
усти очиқ ва усти ёпиқ юк машиналари ғизиллаб борарди. Усти
ёпиқ юк машиналари оч рангга бўялганди. Баъзиларида чирой-
ли расмлар чизилган эди. Мана «НОН» деб ёзилган юк маши-
наси тез ўтиб кетди. Унинг кетидан «Ўйинчоқлар», «Морож-
ний» деб ёзилган машиналар ўтди. Ниҳоят ҳатто «Қўғирчоқ

театри» деб ёзилган ва қўғирчоқ-артистлар расми солинган машина ўтди. Қарши томондан икки қаватли троллейбус судралиб келарди. У худди локланган икки қаватли уйга ўхшарди. Фақат унинг томида мўри ўрнига иккита лангари бор эди. Майсажон мана шу юриб кетаётган икки қаватли уйнинг иккинчи қаватида сайр қилишни жуда ҳам истарди. Аммо ўзлари кетаётган бир қаватли троллейбус ҳам ёмон эмасди...

Майсажон қаршиларидан қанча машина ўтишини ҳисоблашга киришди. У ўттиз тўққизгача ҳисоблаб кейин адашиб кетди. Машиналар шундай тез ўтардики, ҳатто уларни кузатишнинг иложи йўқ эди.

У қалам олиб, троллейбус билетига белги қўйиб, санай бошлади. Унта автомобилни санаши билан қаламни тилига қилиб ҳўллаб яна белги қўярди. Лекин шунда ҳам ҳеч нарса чиқара олмади. Чунки у қўлидаги — сиёҳ қалам эқанини эсдан чиқариб, тезда оғзини бўяб ташлади. Дадасининг жаҳли чиқмаса ҳам, лекин қаламни олиб қўйиб, ўғлининг тилини анчагача ўзининг тоза дастрўмолчаси билан артди. Аммо барибир тоза қила олмади.

Шундан кейин Майсажон фақат уларнинг троллейбусларини қувиб ўтаётган автомобилларни санай бошлади. Улар катта, чиройли ҳамда тез юрар машиналар эди. Улар асфальт йўлда шундай енгил ҳаракат қилардиларки, гўё улар учун троллейбус у ёқда турсин, ҳатто энг тез учар самолётни ҳам қувиб ўтиш ҳеч гап эмасдек эди. Ҳар бир машинанинг олдида значоклар ўрнатилган бўлиб, қизил байроқча шамолда ҳилпиллаб турганга ўхшарди. Бу «ЗИС»лар эди.

Майсажон сўради:— «Дада «ЗИС»лар ҳам автомобиллар-ку, нима учун, уларни машиналар деб аташади? Боғчада биз шу ҳақда баҳслашиб қолдик»...

— Автомобиль ҳам — машина,— тушунтирди дадаси.— Паровоз ҳам — машина, лифт ҳам, троллейбус ҳам — машина. Соч оладиган машинка ҳам — машина. Инсон жуда кўп ҳар турли машиналар яратган. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг ишини енгил қилиш учун яратилган.

— Анавини қаранг!— қичқириб юборди Майсажон.

У яшиқлар баланд қилиб ортилган автомобилни кўриб қол-

ди. Шунча яшиқларни юз киши ҳам кўтара олмаган бўларди. Битта машина олиб кетмоқда. Тагин у жуда тез юрмоқда.

Троллейбус шу пайт тўхтади. Дарров уни иккита «ЗИС», иккита «Победа» ва «Москвич» машинаси қувиб етди. Аммо автомобиллар троллейбусни қувиб ўтмади, унинг ёнида тўхтади.

Майсажон бунинг сабабини дарров тушунди. Кўчанинг қоқ ўртасидаги таранг тортилган йўғон симга худди уч қаватли уйга ўхшаш светофор осиб қўйилган эди. Светофорнинг биринчи қаватида юмалоқ қизил чироқ ёнди.

У ҳамма автомобилларнинг ҳайдовчиларига шундоққина кўриниб турарди.

Машиналар қизил чироқларнинг тагидан троллейбус олдидан тўсиб чиқиб, йўлни кесиб, ўнг ҳамда чап томонга ўтиб борарди. Улар жуда кўп бўлиб, шунчалик тез ўтардики, санашни ҳатто хаёлга ҳам келтириш мумкин эмасди.

Троллейбус ҳайдовчиси ҳамма автомобилларнинг ўтиб кетишини сабр-тоқат қилиб кутарди.

Бир оздан кейин қизил чироқ ўчиб, ўша заҳоти унинг юқорисидаги сариқ чироқ ёнди. Троллейбус ҳайдовчи ҳайдашга чоғланди. Сариқ чироқ ўчиб, кўк чироқ ёнди. Троллейбус ўрнидан қўзғалиб, юриб кетди. Унинг ўнг ва чап томонидаги кўчада автомобиллар юришга тайёр бўлиб қимир этмай турарди.

Троллейбус ўз йўлига кетди, лекин навбатдаги чорраҳага етиши билан яна қизил чироқ ёнди. Автомобиллар яна троллейбус йўлини кесиб физиллаб ўта бошлади.

Дадаси хавотирланиб кетди:

— Агар ҳар бир светофор олдида шунчадан туриб қоладиган бўлсак, вокзалга кечгача ҳам етолмаймиз.

— Бўлмаса нима қилиш керак?— сўради Майсажон. Ахир, у автомобиллар ҳам юриши керак. Агар ҳар бир чорраҳада светофорлар бўлмаганда, машиналар тўқнашиб кетган бўларди.

Дадаси соатига қараб:

— Метрода кетамиз,— деди,— у ерда чорраҳалар йўқ. Поездар ҳам фақат станцияларда тўхтади. У ерда вақт бекорга кетмайди.

Майсажон ер остига тушди

Метрополитен станциясига кираверишдаги катта «М» ҳарфи узоқдан кўриниб турарди.

Станциянинг ичкарасида қатор жигар ранг шкафчалар бўлиб, баъзиларида «Ишляпти» деган сўз ёниб турарди.

Майсажон илгари метрода бундай шкафларни ҳеч кўрмаган эди. Бу — билет сотадиган автоматлар эди. Ёниб турган «Ишляпти» сўзи эса автоматнинг ишлашини билдирарди.

— Мен ўзим билет оламан,— деди Майсажон ва чўнтагига қўл солди.

— Сенинг пулинг ўтмайди,— деди дадаси.— Автомат қоғоз пулни қабул қилмайди. У фақат танга пулни қабул қилади. Беш тийинлик тангани ташласанг — билет чиқади. Ёриқчаларни кўряпсанми? Манови — уч тийинлик танга учун, мана буниси — икки тийинлик танга учун, манави кичкинаси эса — бир тийинлик учун.

Дадаси чўнтагидан тангаларни чиқарди. Ҳар бир ёриқча учун биттадан танга пул танлаб олиб, Майсажонга узатди.

Майсажон тангаларни ташлаши билан автоматнинг ичида нимадир шақиллади, кейин «шиқ» этиб тўхтаб қолди. Автоматдан билет тушди. Шундан сўнг дадаси уни қўлидан ушлаганча метро поезди томон йўл олди.

— Метрога чанғи билан кириш мумкин эмас,— деб тўхтатди уларни контролёр.

— Бу болалар чанғиси-ку,— деб тушунтирди отаси,— ҳеч ҳам ҳалақит бермайди.

Контролёр аёл Майсажонга, дадасининг қўлтиғидаги чанғига қараб кулиб қўйди-да:

— Утақолинглар,— деди.

Ота-бола эскалаторга чиқиб олишди.

Майсажон эскалаторда бир неча марта сайр қилган. Лекин у ҳар сафар эскалаторнинг ишлашини қизиқиб кузатарди.

Икки томонда иккита эскалатор бўлиб, бири одамларни юқорига олиб чиқар, иккинчиси пастга олиб тушарди.

Юқорига кўтарилаётган қандайдир бир қизча Майсажонга бараварлашиши билан қўлини унга қараб силкиди. Қизча ку-



ларди. Бошқа болалар ҳам кулишарди. Баъзан катталар ҳам кулишарди: эскалаторда кетиш ҳаммага ҳам ёқарди.

Улар пастга тушишлари билан Майсажон дadasидан эскалаторда яна бир марта юқорига чиқиб тушишга рухсат сўради.

Дадаси:

— Вақт йўқ, вақт йўқ, — деди-да, Майсажоннинг қўлидан ушлаб етаклади.

Майсажон эскалаторга ўгирилиб қаради. Зиналарда одамлар қатор бўлиб тизилиб турар ва худди баланд тоғдан тушаёт-

гандай пастга томон текис оқарди.

Ер остидаги мўъжизалар

Шу жойдаги ер остида улкан оқ зал бор эди. У шундай узун эдики, Майсажон унинг охиригача чопиб бориб келгиси келди. У бу ерда боғчадаги дўсти Вовка-денгизчи деган дўстининг йўқлигига афсусланди. Агар у бўлганда эди, Майсажон билан ким ўзарга чопиш, ўйнаган бўларди. Чунки боғча ҳовлисида энди чопа бошлашинг билан ҳовли тамом бўлади. Ким кимдан ўзганлиги номаълум бўлиб қолади.

Бронзадан ясалган улкан ҳайкаллар залнинг шипига тегиб турарди. Ҳайкаллар жуда кўп эди.

Колхозчи аёл хўрозга дон сепяпти. Студент китоб ўқимоқда. Физкультурачи қиз сузишга тайёрланыпти. Пионерлар самолёт модели атрофида туришибди. Ота билан она ўзларининг кичкинтой болаларини юқорига кўтариб турибди. Футболчи футбол формасида яхшилаб дам берилган тўпни ушлаб турибди.

Майсажон ойиси гапириб берган ер остидаги тош ҳайкалларга айланиб қолган даҳшатли маҳлуқлар ҳақидаги эртакни эслади.

Мана шу ер ости метросининг залидаги ҳайкаллар, Майсажон бир неча марта кўрган ва ҳатто баъзилари билан гаплашган одамларнинг ҳайкаллари эди.

Аммо Майсажон ўзини атайин гўё ер остидаги ажойиботлар орасида тургандек, қўрқинчли махлуқ ҳадемай учиб келаётгандек, атрофида эса сеҳрланган асирлар тургандек ҳис қила бошлади.

Шамол турди ва Майсажон дадасининг қўлини қаттиқроқ қисди. Худди момақалди роқ вақтида бўладиган овоз каби гулдураган товуш эшитилди.

Майсажон қўрқинчли махлуқ келиши мумкин бўлган томонга қарай бошлади. Ер ости Ғоридан шамол ва момақалди роқ орасида гулдураб эртаклардаги каби қўрқинчли аждар чиқиб келди. У кўзлари билан ҳамма ёқни ёритиб турар, вишиллаб, пишиллаб, ғайри табиий қичқирар, қуюн кўтарарди.

— Поезд ҳам келяпти,— деди дадаси мутлақо хотиржамлик билан.

Ҳақиқатан ҳам Метрополитен поездеи келаётган эди. У торгина ғорнинг ичидаги ҳавони олдига солиб ҳайдаб келарди. Натижада қуюн ҳосил бўларди.

Аждаҳо вишиллади-да, тўхтади. У эртаклардаги ер ости аждаҳосига ҳам, болалар боғчасидаги олдида паровози бор поездга ҳам мутлақо ўхшамасди.

Олдида ҳеч қандай паровозлар йўқ эди. Биринчи вагон ҳам кўринишдан худди бошқа вагонларга ўхшаш эди. Тепаси сариқ, паст томони оч-ҳаво ранг эди. Ҳамма вагонларда электр чироқлари ёниб турарди.

Яна вишиллаш эшитилиб, вагонларнинг эшиклари очилди. Эшиклардан пассажирлар чиқа бошлади ва поезд олдида бирпасда одамлар тўпланиб қолди.

Бир поездга шунча кўп одамларнинг жойлашганини кўриб ҳайрон қоларди киши.

Оддий ҳаво нималарга қодир

Майсажон дадасининг қўлини аллақачон қўйиб юборган эди. У худди метрода ҳар куни бир неча марталаб юрган одамдай.



Ўзича атрофга мустақил боқарди. Дадасига ва атрофдаги пассажирларга ўзини гўё ҳеч нимага ҳайрон қолмаётгандек қилиб кўрсатишни истарди. У вагондан тушаётган пассажирларга халал бермаслик учун ҳатто бир оз четга ҳам ўтиб турди. Уларнинг ҳаммаси жуда ҳам шошилмоқда эди.

Аёл кишининг:

— Гражданлар, тезроқ чиқинглар, тезроқ,— деган баланд овози янгради.

Майсажон поезд томон ўгирилди. Дадаси аллақачон вагон ичида турар ва ўғлини тезроқ чиқишга ундарди. Майсажон дадаси томон отилиб унга қўлини узатди. Бироқ шу вақт кимдир «Тайёр!» деб қичқирди. Вагон эшиклари ўз-ўзидан бекилиб, Майсажоннинг қўлини қисиб қолди. Майсажоннинг қўли оғримади, лекин у қўрқиб кетиб қўлини бор кучи билан тортди.

Эшикларнинг тевараги юмшоқ резинка билан қопланган эди, Майсажоннинг қўлини зўрга қўйиб юборди.

Гудок овози эшитилди. Поезд жойидан қўзғалди.

Майсажон дадасининг эшикни очишга уринаётганини, аммо эшик очилмаганини кўрди. Шундан кейин дадаси бармоқларини кўкрагига суқиб, вагон деразасини кўрсатиб, Майсажонга алланималар деб қичқира бошлади.

Поезд эса, борган сари тезлашиб борарди. Кўп ўтмай туннель ичида ғойиб бўлди ва туннель деворида қизил чироқ ёнди.

— Шу ерда тура тур, у ҳозир қайтиб келади,— деди, қизил шапка кийган, лимон тусдаги жингалак сочли қиз.

У дастаси сариқ темир дискани ушлаб турарди. Дисканинг орқа томони қизил эди.

Қизча погонли шинель кийиб олган эди. Пассажирларнинг чиқиш-тушишини шу қизча кузатиб турарди ва ҳаммага шу қизча буйруқ берарди. У албатта, метродаги ҳамма тартиб ва қондаларни биларди.

— Дарров қайтармиканлар?— сўради Майсажон.

— Ун минутлардан кейин албатта шу ерда бўладилар,— қизча ишонч билан жавоб берди.

Дадасининг албатта ва дарров қайтиб келишини Майсажоннинг ўзи ҳам биларди. Дадаси вагон ичида турганда балки бармоқлари билан худди шу фикрни тушунтиришга урингандир.

Аммо Майсажон ҳар қалай саросимага тушиб қолди. Ҳамма нарса мутлақо кутилмаганда юз берган эди-да. У қиздан сўради:

— Поезд нима учун мени кутиб турмади? Ақалли икки секунд кутиб турганда ҳам...

— Жадвал бор, дўстим,— жавоб берди қиз.— Ўзинг ўйлаб кўр: агар поезд ҳар бир бекатда беш секунддан ушланиб қолса, жадвал нима бўлади? А? Ана шунинг учун ҳам пассажирларни шоширишга тўғри келади.

Лимон тусли жингалак соч бу қизга нисбатан Майсажоннинг кўнглида беҳосдан ҳурмат уйғонди. Чунки, у бу ердаги ҳамма нарсани биларди. Шунинг учун у қиздан дадил сўради:

— Вагоннинг эшиклари ўз-ўзидан қандай қилиб ёпилади?

— Ҳаво ҳаракатга келтиряпти,— жавоб берди қиз.— Оддий ҳаво; фақат махсус машина билан тиғиз қилиб сиқилган. Машинанинг оти — мотор-компрессор. Жуда мураккаб машина. Мен зўрға имтиҳон топширганман.

— Қаерда топширгансиз?— ҳайрон бўлди Майсажон.

— Қаерда бўларди, имтиҳонда,— деди қиз.— Беш олганман. Ахир машинистликка тайёрланыпман-да.

Майсажон яна кўпроқ ҳайрон бўлди.

— Метрода ҳали машинистлар ҳам бўладими?

— Бўлмаса-чи! Олдинги вагонда махсус хона бор. Машинист ўша хонада ўтиради. Унинг ёнида ёрдамчиси ҳам ўтиради. Уша ёрдамчи «Тайёр!»— деб қичқиради. Машинист ўша заҳоти кранни бураб, эшикларни ёпади. Машинист — энг каттаси. Поездни у бошқаради... Хўп, дадангни кутиб тур!

Қиз Майсажонга бош қимирлатиб қўйди-да, навбатдаги поездни кутиб олишга кетди.

Майсажон ҳеч ҳам кўрқмади

Майсажоннинг дадаси ўн минутдан кейин келиши керак эди. Бу деган сўз ўн мартаба олтмишгача шошилмасдан санаш демакдир. Олтмишгача санаганингдан кейин бармоғингни букишинг керак. Иккала қўлингдаги бармоқларингнинг ҳаммаси букилгандан кейин ўн минут ўтган бўлади.

Майсажон санай бошлаган эди, аммо уни поезддан тушган пассажирлар оломони сиқиб қўйишди. У янглишиб кетди ва вақт ўтказиш учун ер ости ҳайкаллари орасида метро машинистининг ҳайкали бор-йўқлигини билмоқчи бўлди.

Лекин машинист кўзга ташланмасди, шунинг учун у бошқа ҳайкалларни томоша қила бошлади.

Унга ҳаммадан кўпроқ ёнида ити билан турган чегарачи ёқиб қолган эди: чегарачи жиддий турарди. Итнинг қулоқлари чимирилган — диққат билан тинглаётир. Итнинг оти — Тўфон.

Ўрмонда бир шох қарсиллаб кетди. Тўфон сергакланди. Чегарачи совуқ ва оғир милтиқни қаттиқ қисиб турарди. Аллақандай қадам товушлари эшитила бошлади... Тўфон нақ ер остидан чиққандек сакради... Чегарачи энгашиб, олдинга қадам ташлади...

— Кўрқиб кетдингми? — кимдир қўққисдан сўради.

Майсажон сесканиб бошини кўтарди. Олдида дадаси турарди.


Майсажоннинг ҳатто жаҳли чиқди. У қисқа ва хўмрайиб жавоб берди.

— Ҳеч ҳам!

У дадаси билан ҳеч вақт бундай гаплашмаганди.

Аммо дадаси қўвноқлик билан гапира бошлади.

— Албатта кўрқмадинг! Энг муҳими — ўзингни йўқотиб қўйма. Доимо мустақил бўлишга тириш. Аниқ ва тез ҳаракат қилишга ўрган. Шунда ҳеч қачон ҳалок бўлмайсан. Тезроқ юр! Ана яна поезд яқинлашиб келяпти.



Ер ости бўйлаб саёҳат

Дадасининг қўллари банд эди. Унинг қўлида Майсажоннинг чанғиси бор эди. Чанғиларни бир қўлига олиб, иккинчи қўли билан Майсажонни маҳкам ушлаб олди. Бу гал у бошлаб вагога ўғлини чиқарди, ўзи эса кейин чиқди.

Кимнингдир:

— Тайёр!— деган қисқа овози эшитилди.

Бу — машинист ёрдамчисининг овози эканлигини Майсажон энди билди.

Эшиклар ёпилиб, поезд елиб кетди. Туннель қизиқ кўринмасди. Оппоқ деворлар липиллаб ўтарди, унда-бунда электр чироқлари хира ёнарди. Йўғон кул ранг симлар деворлар бўйлаб чўзилиб кетганди.

Майсажон вагонни кўздан кечира бошлади. Вагоннинг ичи ёруғ эди. Ойналар, металлдан қилинган устунлар, қўл ушлагичлар ярақларди. Вагон шипида узун дарчалар очиб қўйилган эди, дарчалардан янги ҳаво кириб турарди. Эшикнинг ёнида ярқироқ металл қувурча ўрнатилган эди. Қувурчанинг учида чиройли қизил дастаси бор эди. Дастага боғланган каноппнинг учи эса қўрғошин билан сурғучланган эди. Дастанинг устидаги ойнанинг ичида эълон осиглиқ эди.

— Стоп-Кран,— деб тушунтирди дадаси.

— Уни бурашинг билан ҳаво труба бўйлаб отилиб бориб, тормоз қолипни филдиракларга куч билан сиқади ва поезд таққа тўхтади. Агар керак бўлмаганда бурасанг-чи, кўнгилсиз ҳодиса юз беради. Сен қолиб кетганингда, поездни тўхтатмоқчи бўлдим-у, кейин ҳожати йўқ, деб ўйлаб қолдим. Чунки сенинг олдинга қайтиб келишим мумкин эди-да. Агарда бирор воқеа юз берганидами, унда бошқа гап эди.

Майсажон севиниб кулиб юборди.

— Нима деяпсиз, дада! Менга нима бўлиши мумкин?

Яқин-атрофда турган пассажирлар



уларга қулоқ солиб туришар ва жилмайишарди. Поезд елиб борарди.

Майсажон ҳали ҳамма нарсани кўриб улгурмаган эди, дадаси:

— Ҳозир тушамиз, тайёрлан!— деди.

Улар вагондан тушишди, ота-бола бирпасда бошқа ер ости бекатига келиб қолган эдилар. Бу жойнинг деворларига шамсимон биллур вазалар ўрнатилган бўлиб, нур сочиб турарди. Лекин бу ер поездга қараганда янада ёруғроққа ўхшаб кўринди. Вазаларнинг тагида чиройли мрамар курсилар бор эди.

— Дадажон,— илтимос қилди Майсажон.— Келинг шу ерда курсиларда бир оз ўтирайлик. Ҳамма ўтириши мумкинми?

— Албатта ҳамма ўтириши мумкин,— жавоб берди дадаси.— Бирор кимсани ёки бирор нимани кутаётган ҳамма ўтириши мумкин. Сен билан биз эса шошилишимиз керак. Яхшиси Улкан бионинг кўринишини томоша қиламиз. Ҳа, айтгандек, у сенинг тенгдошинг, балки сендан ҳам ёшроқ. Сен туғилганигда, Москвада улкан бинолар ҳали дунёга келмаган эди. Сен ўсдинг, улар эса қурилди. Жуда қизиқ-а, кичкина бола бўла туриб, улкан бинодан каттасан!..

Майсажон:

— Бўпти, бўлмаса кетамиз,— деди-да, дадасининг қўлидан ушлаб олди.

Эскалатор уларни юқорига олиб чиқиб қўйди.

Улкан бино

Москваликлар «Юксак бино» деб аташадиган улкан бино Метро станцияси яқинига жойлашган эди. Ҳақиқатан ҳам улкан эди у. Тўғри, у худди эртактлардаги қасрларни эслатарди, эртактлардаги қасрлар бу бионинг олдида ҳеч нарса эмас. Болаларнинг ўйинчоғига ўхшайди.

Майсажон ҳар қанча ҳаракат қилиб кўрмасин, бир жойда туриб бирданига унинг ҳамма томонини кўриб чиқа олмади. У Майсажон шу пайтгача кўриб юрган барча бинолардан ҳам юксак эди. Қуёшнинг чарақлаган нурлари уни метронинг ер ости станцияларидаги ҳамма чироқлар ёруғига қараганда равшанроқ

қилиб ёритиб турарди. Ундаги пардоз берилган ойналар, оч қизил сайқал берилган мәрмар ва гранитлар порлаб турарди.

Бино атрофи айланиб чиқиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Қатор-қатор автомобиллар унинг атрофида бир-бирини қувиб борарди, лекин барибир бино атрофини айланиб чиқа олмасди, чунки ўтиб кетган автомобилларнинг биронтаси ҳам бинонинг иккинчи томонидан қайта кўринмасди.

Унинг девори ёнида қатор-қатор «Москвич»лар, «ЗИС»лар, «ЗИМ»лар ва яна бир-биридан чиройли ҳар турли бошқа машиналар турарди. Улар бу ерда шу улкан бинода ишловчи ўз эгаларини кутиб турган бўлса керак.

Майсажон худди маҳлиё бўлиб қолгандай турар эди. У бу улкан бинонинг ҳатто неча қават эканини санаб чиқишни ҳам унутиб қўйди.


— Қарагин,— деди дадаси,— бу улкан бинодан катта эканлигинг билан фахрлан. У сени, мендан катта, деб ҳурмат қилиши керак. Сен ҳозир унга кичкина пашшадек бўлиб туюлаётган бўлсанг керак. У бўлса сенга қараб кулиб турибди.

Майсажон ўйланиб қолди. У ойиси айтиб берган шунга яқинроқ келадиган эртақларнинг ҳаммасини бирма-бир эслади-да, ишонч билан деди:

— Ҳазиллашяпсиз. Бинолар ва қасрлар ҳатто эртақларда ҳам ҳеч вақт кулмайдилар.

Дадаси тортишиб ўтирмади:

— Ундай бўлса ҳозир сенга юқоридан қараб турган одамлар кулаётган бўлса керак.



— Улар у ерга қандай қилиб чиқишган? Лифтда чиқишган — тўғрими?

— Албатта лифтларда. У ёққа пиёда чиқиш осон эмас!

— Мен чиқаман,— деди ҳовлиқиб Майсажон.— Ўн олтита зинадан кейин бурилиш, ўн икки зинадан кейин — майдонча...

У шундай деб дадасини судради.

— Йўқ, сабр қил, ширин болам. Ҳозир бизни у ерга кирги-зишмаса керак. Юр, ундан кўра худди шунга ўхшаш юксак бинони томоша қиламиз, у ерга киргизишса керак.

— Ҳозирми?

— Йўқ, ҳозир эмас.

— Э-э-э!— деди чўзиб Майсажон.

— Лёва Измайловлар боғига боришни унутиб қўйдингми?

— Йўқ, ҳеч ҳам унутганим йўқ.

Янги улкан бинолар

Улар кул ранг устунлар билан безалган кенг кўприк бўйлаб боришарди.

— Бу Москва дарёси устига қурилган кўприк,— деди дадаси.— Остимиздаги Москва дарёси, кўряпсанми? Ҳозир унинг устини муз ва қор қоплаб олган.

— Ана чанғи учувчилар!— деб бақирди Майсажон.

Ҳақиқатан ҳам қор босган дарё устидан бирин-кетин, занжир бўлиб қора фигуралар таёқларини бир хилда силкитиб, тез кетиб борардилар.


— Уларнинг тагида эса, дарё остидан метро туннели ўтган,— дедилар дадам. Бизни бу ёққа олиб келган поезд эҳтимол ҳозир ўтиб кетаётгандир... Аниқроғи у ҳозир вокзалга бориб, қайтаётган бўлса керак.

Майсажон пастга қаради. Ҳеч қандай поезд кўринмасди. Ҳа, айтгандай, тўғри, ахир у ер остида юриди-ку, унинг устидан эса дарё оқади.

Қорга бурканган мусаффо дарё узоқларга оқиб кетарди. Узоқда, эртақлардагига ўхшаш, оппоқ бино кўзга ташланарди. У ўз учидаги олтин юлдузни осмонга теккизгундай бўлиб кўтариб турарди.

Майсажон савол назари билан дадасига қаради.

— Ҳа, ҳа,— деди дадаси.— Бу улкан бино — Москва университети. Мактабни тамомлаганингдан кейин ўша ерда ўқийсан. Аммо, албатта беш, ҳеч бўлмаса тўрт билан тамомласанг. У ерда энг баландда, ўттиз иккинчи, ўттиз учинчи қаватда яшайсан.



Хонанг алоҳида ва жуда қулай бўлади, фақат яхши ўқисанг бўлгани.

— Нималикка ўқийман?

— Нимани хоҳласанг шунга ўқийсан. Биз олдинга ойинг билан бирга меҳмонга бориб турамиз.

— Тез-тез келиб туринглар, бўлмаса зерикиб қоламан... У ерда лифтлар тез юрадимиз? Секин юрадиган бўлса, ўттиз иккинчи, ўттиз учинчи қаватга қачон етасизлар!

— У ердаги лифтлар биз кўрган улкан уйлардаги лифтлардан ҳам тез юради.

— Дада, ундай бўлса, ишдан бўш вақтингизда бир ўзингиз ҳам — ойимларсиз меҳмонга келаверинг. Иккаламиз лифтда маза қилиб сайр қиламиз. Ахир мен лифтни бошқаришни ҳозир ҳам биламан-ку.

— Албатта, албатта,— деди дадаси.— Аммо ҳали бунга анча бор-да.

— Ҳозир эса биз вокзалга боришимиз керак,— деди эсига тушиб Майсажон.— Тезрон бора қолайлик.

Ота ва бола вокзалга жўнашди.

Вокзалда

Вокзал тиқилинч эди. Одамлар бир-биридан ўзиб вокзал биносига кирардилар. Юк ташувчилар бештадан, айримлари эса ундан ҳам кўпроқ чамадонларни кўтариб олган эдилар.

Лекин улар юкларини узоқ кўтариб юрмасдилар. Махсус аравача келарди. Юк ташувчилар чамадонларнинг ҳаммасини аравачага ортардилар. Аравачани ҳеч ким тортиб юрмасди — унинг ўзи оқ фартуқли хизматчини олиб юрарди. Хизматчи аравачанинг олд қисмида турарди. Унинг икки ёнида эса иккита дастак бор эди. У аравачани ана шу дастаклар ёрдамида бошқарарди. Оёғи билан эса одамлар тезроқ йўл берсин учун қўнғироқнинг каттакон тугмасини босарди.

Аравачага яшик, чамадон ва қопларни тоғдай уюб ташлашди. Хизматчи қўнғироқ чалиб, йўлга тушди.

— Бу қанақа машина бўлди?— деб сўради Майсажон.

У анграйиб қолди. Майсажон бундай кичкина ва семиз ғилдиракли ўзиюрар аравачани шу вақтгача кўрмаган эди. Энг қизиғи, аравачанинг олдига туриб олиб, олдиндаги йўлни бемалол кўришинг, истаган томонга юришинг мумкин. Қани энди унда ҳам шундай аравача бўлсайди?

— Бу электрокар,— деди дадаси.

— Нима учун «электро»?— ҳайрон бўлди Майсажон.— Сими қани?

У электр қуввати сим бўйлаб юришини аниқ биларди-да. Қандай қилиб бу «кар»нинг ичига тушиб қолдийкин? Осмондан тушиб қолдимикин-а? Ундай бўлганда унга тушаётган учқунлар албатта кўринган бўларди.

Дадаси Майсажонга бунинг сабабларини тушунтирмоқчи эди, бироқ атроф шовқин-сурон бўлгани, ҳамма ҳар томонга шошилаётгани учун у ҳам вокзал соатига қаради-да, шошилди.

Соатнинг кичик мили — ўнни, каттаси эса тўққизни кўрсатарди.

Дадаси Майсажоннинг чанғисини деворга суяб қўйди-да:

— Мени шу ерда кутиб тур. Ҳеч қаёққа кетиб қолма. Мен бориб билет олиб келаман,— деди.

Шундай деб касса томонга тез юриб кетди.



* * *

Майсажон чанғиси ёнида турарди, у ҳам вокзал соатига қарай бошлади. Соатнинг катта мили чизиқчадан чизиқчага сакраб ўтди. Бир оздан сўнг яна сакраб ўтди.

Майсажон мили сакраб ўтадиган бундай соатни илгари ҳеч кўрмаган эди. У бу ҳақда дадасидан албатта сўрашга аҳд қилди. Шу пайт бирдан радиодан:

**«Пролетар станциясига борадиган
57-номерли поездга пассажирлар чиқариш
давом этмоқда.**

**Поезд соат ўндан эллик уч минут ўтганда
жўнайди»,—**

деган овоз эшитилди.

Халойиқ яна кўпайди. Майсажон дадасининг чанғи учишга сайрга чиққанда киядиган мўйнали камзулини кўриб қолиб, ўша томон югурди. Дадаси нотаниш бир аёлни қўлтиқлаганча у билан ниманидир гаплашиб борарди.

Майсажон:

— Дада, чанғи нима бўлди?— деб сўради. Дадаси елкасини қимирлатиб, жавоб бергандек бир нарса деб гудуллади-да, ёнидаги аёл билан перрон томонга шошилди. Майсажон дадасининг камзулидан ушлаб олганча улар кетидан чопди.

Бўш вагон олдига етиб боришганда, дадаси бошқача овоз билан:

— Қани, Петка, чиқ!— деди.

У Майсажоннинг қўлидан ушлади-да, зинага чиқармоқчи бўлди. Шу пайт Майсажон бу одам унинг дадаси эмас, бегона эканлигини билиб қолди. Бегона амаки эса Майсажондан жиддий сўради:

— Сен қаердан келиб қолдинг? Петка қаерда?

Орқада тўлагина бир аёл турарди — энага бўлса керак. Бўйи Майсажоннинг бўйидан сал пастроқ болани қўлидан ушлаб олганди. Энага чўзиб гапирди:

— Петкажо-он — мана-а! Бунда-а-й қара-сам — сиз болани етаклаб келяпсиз. Бирор танишингиз бўлса керак деб ўйладим. Энага қўлидан ушлаб турган бола нима учундир йиғлаб юборди.

Майсажон бирор нима дейишга улгурмади, аммо йиғламади ҳам. У фақат шундай кап-катта боланинг йиғлашини қаранг, уят-ку... деб ўйлади.

Шу пайт ҳуштак товуши эшитилди ва унга жавобан паровоз қичқирди. Поезд жойидан силжиб юриб кетди. Поездда унга таниш сариқ амаки, энагаси билан Петя ва бошқа пассажирлар жўнаб кетишди.

Перронда фақатгина оқ ялтироқ погонли станция бошлиғи ва Майсажон қолди.

Майсажон йўқолиб қолди

Дадаси билетни олиб, Майсажонни қолдириб кетган жойга қайтиб келди. Аммо у йўқ, чанғи эса скамейка тагида ётарди. Дадасининг жон-пони чиқиб кетди. У скамейканинг тагини қаради. Кейин скамейканинг устига чиқиб, баланд овоз билан қичқирди:

— Майсажон! Майсажон!

Баъзи йўловчилар ўгирилиб, хахолаб юборишди. Еқаси олтин уқали кўк пўстин кийган салобатли швейцар дадасининг ёнига келиб:

— Гражданин, қани, скамейкадан тушинг-чи! Оёқ билан чиқиш мумкин эмас,— деди.

— Уғлимни йўқотиб қўйдим. Тушунапсизми, ўғлимни! Уэн кичкинагина, ёноғида холи ҳам бор, оғзи эса сиёҳ ранг қалам билан бўялган. Мабодо Кўрмадингизми?

— Йўқ, кўрмадим,— деди афсусланиб швейцар.— Гап бу ёқ-да денг: майдонни қараб кўринг. Балки ўша томонга чиққан-дир. Хавотир олманг, ҳеч қаёққа кетмайди, топилади...

Дадаси майдонга югурди.

Вокзал олдидаги майдонда одамлар аввалгидек шошилишарди. Поезд келди ва йўловчилар вокзалдан халта, чамадон, қоп ва бошқа юкларини орқалаб чиқа бошладилар.

Дадаси йўловчилардан, троллейбус ҳайдовчиларидан ва трамвай кондукторларидан «мабодо ўғлимни кўрмадингизми?» деб сўрарди. Болаларни ва ҳатто қизларни ҳам қувиб етиб, уларнинг юзига қарарди.

Лекин Майсажон учрамасди.

Дадаси яна вокзалга қараб чопди.

Уғлини қўйиб кетган жойда энди Майсажон ҳам, чанғи ҳам йўқ эди.

«У болалар хонасида!— дадаси бирдан шу фикрга келди.— Нега аввалроқ хаёлимга келтирмадим-а! Олдин у чанғини скамейка остига беркитиб бир ўзи бир минутга борган, кейин эса чанғини ҳам олиб кетган...»

Дадаси вокзалдан ўтиб болалар хонаси томон чопди.

Болалар хонасининг эшигида қуйидаги эълон осифлиқ эди:

«ЕШ БОЛАЛИ ОНАЛАР ХОНАСИ
РЕМОНТ ҚИЛИШ УЧУН ЁПИЛГАН.
БОЛАЛИ ЙУЛОВЧИЛАР УЧУН ВАҚТИНЧА
БИРИНЧИ КУТИШ ЗАЛИ АЖРАТИЛДИ».

Дадаси 1-кутиш зали томон отилди.

Залга кираверишда Майсажонникига ўхшаш шим, йўл-йўл свитер кийган, тўрт ёшлардаги жингалак сочли бир болани йиқитиб юборишига оз қолди.

Кичкинтой виқор билан сўради:

— Амаки, Сизга ким керак? Бу ерда ҳеч ким йўқ. Фақат ёш болали оналар бор. Мен эса Киевга бувимнинг олдига кетяпман.

Майсажоннинг дадаси йўловчиларга ўгирилиб қаради. Йўловчиларнинг ҳаммаси ёш болали оналар эди. Тўғри, булар ичида бир ҳарбий бор эди, у ҳам қўлида чақалоқни кўтариб турарди.

Дадаси:

— Ўртоқлар! Бу ерга шу боладан сал каттароқ бола келмадими?— деб сўради. У ёнида турган кичкина болани қўли билан кўрсатди.— Қўлида болалар чанғиси бор...

Ҳарбий киши жавоб берди:

— Йўқ-йўқ. Бу ерга ҳеч қандай чанғили бола ҳам, чанғисиз бола ҳам келгани йўқ. Мен икки соатдан бери шу ерда ўтирибман.

Бошқа йўловчилар Майсажонни кўрмаганликларини айтишди.

Дадаси кутиш залидаги болаларни яна бир марта кўздан кечирди. Уларнинг энг каттаси, бояги жингалак сочли бола, қўрқмасдан зал бўйлаб югуриб юрар, ҳаммага Киевга бувимнинг олдига кетяпман дерди. Онасининг олдига ҳар замонда бир чопиб келарди.

Майсажон бу боладан ҳийла каттароқ ва ҳийла мустақилроқ эди.

«Бир ўзи жўнаб кетган бўлса-я?— деб ўйлади дадаси.— Албатта жўнаб кетган! Станциядан Измайловлар боғигача бўлган йўлни билади. Шунинг учун мени пойламасдан кетиб қолган!»

Дадаси перрон томон шошилди.

Перроннинг панжарадор эшигига етиб келиши билан:

— Билетингизни кўрсатинг!— деди контролёр.— Наҳотки «Билетларингизни тайёрланг» деган ёзувни кўрмаётган бўлсангиз?

Дадаси қўллари қалтираб ўзи ва Майсажоннинг билетини контролёрга узатди.

— Пролетарскийгача борасизми?— деди контролёр.— Ундай бўлса Сизнинг поездингиз аллақачон жўнаб кетган.

— Мабодо шу ердан бир бола ўтганини сезмадингизми?—

сўради дадаси ўзини мулойим тутишга ҳаракат қилиб.— Ҳзи кичкина, оғзи бўялган... аниқроғи бўёқ қалам билан бўялган. Мана унинг билети.

— Бу ердан жуда кўп болалар ўтишди,— деди контролёр.— Тўғриси айтсам мен уларга эътибор қилмадим.

Дадаси панжара орасидан перроннинг ҳамма ёғини кўздан кечириб чиқди. Майсажон кўринмасди.

«У албатта поездда жўнаб кетган,— деб қарор қилди дадаси,— тезда орқасидан телеграмма юбориш керак».

У шундай деб, телеграф пештахтаси олдига борди. Телеграф-



чи қиз унга тўлдириш учун бир варақ кўк қоғоз берди. Дадаси кўк қоғозга зарур нарсаларни ёзди-да, ҳар бир сўз учун пул тўлади, телеграфчи қиз телеграммани қандай жўнатаётганини кузата бошлади.

Телеграфчи қиз қўшалоқ филдиракнинг устида турган кичкина столчанинг олдига борди. Филдиракларнинг ичида худди ғалтакка ўралгандек энсиз қоғоз лента ўралган эди. Филдиракларнинг ёнида юмшоқ металл қутича ва тепаси ёғоч дастали кичкина аппарат бор эди. Телеграфчи қиз ёғоч дастани ушлаб чақиллата бошлади: чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ, чиқ...»

Темир йўлдаги баланд-баланд симёғочларга тортилган сим бўйлаб кўзга кўринмас электр қуввати елиб кетди. У поезддан

ҳам, автомобилдан ҳам, самолётдан ҳам, ҳатто шамблдан ҳам тез еларди...

Бошқа темир йўл станциясида ҳам телефонист қиз ўтирган худди шундай аппарат бор бўлиб, унинг ғалтагидан қоғоз лента чўзилиб тушарди. Бу қоғоз лентада тирелар, нуқталар бор эди. Бу Москвадан телеграфчи қиз юборган маълумот эди.

Телеграфчиларнинг ўз ҳарфи бор. Битта нуқта ва битта тире (.—) «А» ҳарфини билдиради. Битта тире ва учта нуқта (—...) «Б» ҳарфини англатади. Мана шундай қилиб, ҳарфлар ҳосил бўлади.

Телеграммани қабул қилган телеграфчи қиз ғалтакдаги қоғоз ленталарга қаради-да, бланкага телеграф ёзувлари ўрнига оддий ёзувларни ёза бошлади. Натижада қуйидаги ёзув ҳосил бўлди:

«Ҳ-А-М-М-А С-Т-А-Н-Ц-И-Я-Л-А-Р-Г-А Э-Л-Л-И-К
Е-Т-Т-И-Н-Ч-И П-О-Е-З-Д-Д-А Т-А-С-О-Д-И-Ф-А-Н
Б-И-Р Б-О-Л-А К-Е-Т-И-Б Қ-О-Л-Г-А-Н О-Т-А-
О-Н-А-С-И-Г-А Қ-А-Й-Т-А-Р-И-Н-Г-Л-А-Р»

Майсажонга нима бўлди?

Поезд кетгандан кейин Майсажон бир ўзи эканлигини кўриб, хавотирлана бошлади: тасодифан дадаси боққа уни қолдириб бир ўзи кетиб қолган бўлса-я? Йўғ-э, бундай бўлиши мумкин эмас!

Дадаси ҳеч қачон бундай қилмайди!

Шу пайт Майсажоннинг олдига кумуш погонли станция бошлиғи келди-да, сўради:

— Менга қара, йигитча, нима, сен бирор кимсани кузатдингми? Жуда кичкинасан-ку — ёлғиз ўзинг-а? Ҳақиқий пионер мана шундай бўлиши керак! — Майсажон ҳали пионер ёшига етмаган эди. Бироқ шу гапдан кейин у ўзини катта бўлгандек ҳис қилди. У қўлини камзули чўнтақларига тикди-да, виқор билан жавоб берди:

— Мен жуда кичкина эмасман. Уртачаман. Балки ҳазилдир, лекин дадам, сен улкан бинодан каттасан, дейдилар. Албатта ҳазиллашадилар. Дадамлар мени ҳатто чанғи учишга олиб бо-раётган эдилар. Бироқ йўқолиб қолдилар.

Станция бошлиғи кўзларини катта очди, қошини чимирди-да, энгашиб болага қаради. Унинг шу туриши узоқдан худди савол аломатига ўхшарди.

— Ким йўқолди?

— Дадамлар.

Станция бошлиғи нима учундир беғараз жилмайиб қўйди. Кейин ўйланиб, ўзича, «ҳм-мм-мм-м», деди.

— Биз ҳозир уни қидириб топамиз,— деди у ниҳоят ва Майсажонни қўлидан ушлаб:

ХИЗМАТЧИЛАР ЮРАДИГАН ЙУЛ

сўзлари ёзилган эшикдан етаклаб ўтди.

У Майсажонни бир неча хоналардан олиб ўтиб,

СТАНЦИЯ БОШЛИҒИНИНГ ХИЗМАТ ХОНАСИ
ЧЕТ КИШИЛАРНИНГ КИРИШИ МАН ЭТИЛАДИ

деган ёзувли эшик олдида тўхтади.

Станция бошлиғи эшикни дадил очди.

Майсажон тўхтаб қолди.

Аммо бошлиқ унга ўгирилди-да:

— Юравер! Нега тўхтаб қолдинг? Юравер, қўрқма,— деди.

— «Чет кишиларнинг кириши мумкин эмас!» деб ёзиб қўйилибди-ку.

Станция бошлиғи яна жилмайди.

— Мен билан бирга ҳеч ким чет киши ҳисобланмайди. Юравер!

Майсажон хонага кирди. У ерда ғалати машиналар турарди. Майсажон бунақа машиналарни илгари ҳеч қачон кўрмаган эди. У бирорта одамдан, бу машиналарнинг нима кераги бор деб сўзламоқчи бўлди, лекин ҳамма банд эди.

Гоҳ-гоҳда қўнғироқ овозлари эшитилиб турарди.

Форма кийган темирйўлчи телефонда кўрсатма берарди:

— Йигирма олтинчини тўққизинчи йўлга қабул қилинг. Манёврчини тупикка ўтказиб қўйинг...

Станция бошлиғи бошқа аппаратдаги телефон трубкасини кўтарди-да, қулоғига тутди. Телефон трубкаси осилган илгак кўтарилди, телефон аппаратидаги симларнинг учи туташди ва ундаги электр қуввати вокзалдаги телефон станцияси томон елди. У ерда кичик катакчалар жойлашган катта қора тахта бор эди. Ҳамма вокзалларнинг телефон симлари мана шу катакчаларга келиб туташган эди.

Тахтада кичкинагина лампочка ёнди. Тахта олдида телефонист қиз ўтирарди. У наушникларни икки қулоғига қўйиб олган, шу наушниклар ва қора трубка ёрдамида гаплашарди. Телефонист қиз ёнган лампочкани кўриб, телефонни станция бошлиғига улади-да:

— Марказ,— деди.

Бунга жавобан станция бошлиғининг товуши эшитилди;

— Радиоузелни беринг.— Телефонист қиз учи ярқираган шнурни қўлга олди. Шу шнур бошлиқ гаплашган телефон симининг иккинчи учи эди.

Телефонист қиз олдидаги тахтада бир юз олтмиш тўртта катак бор эди. Бу жуда кўп. Лекин у вокзалдаги қайси хонанинг телефон сими қайси катакка келиб уланишини жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам шнурларнинг учини қарамасдан керакли катакка улай оларди. Кейин у тугмачани босди ва радиоузел хонасида қўнғироқ жиринглади.

Бу радиоузел вокзалдаги йўловчилар темир йўлнинг ҳар турли ахборотлари ва фармойишларини бемалол эшитишлари учун ўрнатилган эди.

Бу ерда хизматни диктор олиб борарди. У йўловчилар эшитишлари зарур бўлган ҳамма нарсани радио орқали айтарди.

Диктор телефон трубкасини қўлига олди. У билан станция бошлиғи гаплаша бошлади:

— Ҳм... ҳм... Гап бундай, мен перронда бир болани учратдим. У, дадамни йўқотиб қўйдим, деяпти. Унинг дадасини топишнинг иложи йўқмикан? Бола эса менинг хонамда.

— Мен ҳозир эълон қиламан,— деди диктор ва трубкани қўйиб, кичкинагина қутича-микрофон олдига борди.

Диктор гап бошлаши билан вокзалда ўрнатилган радиокарнайлар ишга тушди.

Станция бошлиғи Майсажонни қўлидан етаклаб ташқарига чиқди. Радиоларнинг катта кумуш ранг карнайларидан дикторнинг товуши эшитилди:

— Дикқат! Йўловчи граждaнлар!
Ота-онасидан адашиб қолган бола станция
бошлиғи хонасида ўтирибди...

Майсажон қулоқ солиб турар ва ҳеч нимага тушунмасди: қанақа бола? Қайси ота-онасидан адашган?

Радио эса Майсажон биринчи марта барибир ҳеч нарсани тушунмаслигини ҳудди билгандек яна такрорлади:

— Дикқат! Қайтараман! Йўловчи граждaнлар!
Ота-онасидан адашиб қолган бола станция
бошлиғи хонасида ўтирибди...

— Сени айтишяпти,— деди станция бошлиғи.

«Тўғри-да!— ўйлади Майсажон.— Дадамлар меъсиз кетиб қолибдиларми, демак, мен улардан қолиб кетганман».

Вокзалнинг ҳамма жойида ҳам шундай карнайлар бор эди. Дикторнинг овози биринчи, иккинчи, учинчи залда ҳам, вокзал коридорида ҳам янгради.

Кутиш залида ўтирган болалик йўловчилар йўқолган бола топилганидан севинишди. Ҳатто жингалак малла ранг сочли бола ҳам хурсанд бўлиб кетди.

Диктор овозини эшитган йўловчилар бир-бирларига тикилиб қарардилар. Ҳар бир йўловчи дуч келган кишидан: «Йўқолган бола мабодо сизнинг болангиз эмасми?»— деб сўрагиси келарди.

Майсажоннинг дадаси эса, телеграмма юбориб, вокзал майдонида ўғлини қидириб юрарди. У ўз-ўзи билан овора бўлиб радио орқали эълон қилинган хабарни эшитмай қолди.

Агар Москванинг ўз эшиттиришларини «Поёнсиз менинг азиз Ватаним» қўшиғи куйида бошлайдиган кучли радиостанцияси ишлаганида эди, унинг овози Москва ҳатто



СССР бўйлаб эшитилган бўларди. Ундан кўринмас электромагнит тўлқинлари ҳар томонга ҳеч қандай симсиз тарқалади. Улар антенналарга тегиб ўтадилар ва шу антенналарга уланган ҳамма радиоприёмникларни товуш чиқаришга мажбур қиладилар.

Вокзалда эса жудаям кичкина радиоўзел ишларди. Дикторнинг овози симлар бўйлаб ўтарди ва фақат вокзал ичида эшитиларди.

Майсажон вокзал бошлиғининг ёнида дадасини пойлаб турарди.

Аммо бошлиқ хонасига ҳеч ким келмади.

Майсажон зерикиб кетди. Ҳадеб кутавериш жонига тегди.

У станция бошлиғи билан гаплаша бошлади:

— Тезроқ келармиканлар, сиз нима дейсиз?

— Ҳм... билмасам.

— Мен ўйлаб топдим! — деди Майсажон. — Биласизми?

Юринг дадамнинг қаршисига чиқамиз. Дадам биз томонга келадилар — биз эса улар томонга борамиз ва йўлда уларни биз биринчи бўлиб кўрамиз.

Бошлиқ унга диққат билан тикилиб қаради-да, яна жилмайди, лекин унинг гапига қўшилди.

— Қани кетдик бўлмасам. Мен фақат, вокзалга кетдик, деб айтиб қўяй.

Изига тушдилар

Шундай савлатли бир одам уни хизматчилар кирадиган йўл орқали олиб ўтгани ва чет кишиларнинг кириши мумкин бўлмаган ўз хонасига олиб кириши Майсажонга жуда ҳам ёқиб кетди.

У бутунлай мустақил бўлишга қарор қилди. Улар бошлиқ хонасидан чиққанларидан кейин Майсажон гердаиб борарди. Лекин ҳар ҳолда дадамлар кўриниб қолмасмиканлар деб, секингина атрофга қарарди.

Улар вокзалга келишди. Майсажон вокзал соати рўпарасидаги жойни дарров таниди. Чунки ўша жойда у чанғилар билан

дадасини кутган эди-да. У станция бошлигини тўхтатди-да, соатга қараб олиш учун бир минут кутиб туришни илтимос қилди.

Соатнинг катта мили аввалгидек сакраб ўтарди. У «6» рақамига етиб келди. Кичкина мили эса «10» ва «11» рақамлари орасида турарди.

Скамейка олдида дадаси ҳам, чанғи ҳам кўринмасди.

Станция бошлигини ҳамма танир ва у билан саломлашиб ўтишарди. У зарҳал уқали швейцардан Майсажоннинг дадаси ҳақида сўради.

— Ҳа-ҳа! Худди шундай, ўртоқ бошлиқ. Бир гражданин боласини қидириб юрган эди. Аммо қаерга кетдийкин, тўғриси, билолмай қолдим. Нима учун менга олдинроқ айтмадингиз? Мен уни қаерга боришини сўраб қолган бўлардим.

Бошқа хизматчи — қоровул, Майсажоннинг чанғи ва дадаси ҳақидаги гапини узоқ тинглаб турди ва ниҳоят суҳбатга арашди:

— Мен сенинг дадангни кўргандим. У чанғиларни қўлтиқлаганича поездга югурди. Мен эса: у ўзини чанғисини олдимикан деб ҳам ўйладим. У ҳадеб атрофга аланглаб қарарди. Энди тушундим: у сени излаётган экан. Тополмагандан кейин жўнаб кетди.

Дадасининг ҳар ҳолда бир ўзи кетиб қолгани учун Майсажон афсусланди.

Майсажон дадасининг кетидан қувиб етмоқчи бўлди

Станция бошлиғи Майсажонни перрондан четроққа бошлади. Юриш оғир эди. Майсажон бир марта оёғини изга қаттиқ уриб олди. Оғриқдан йиғлаб юборгиси келди-ю, аммо йиғламади, фақат оёғини силаб қўйди.

— Нима учун излар жуда кўп? — сўради Майсажон.

— Чунки бу ер поездлар йиғиладиган жой. Ҳар бир поезд-



нинг ўз йўли бор. Паровозларнинг тўхтаб турганини кўряпсанми?

— Кўряпман. Бизнинг паровоз қани, тезроқ келармикан?

— Мана-ку.

Улар баҳайбат қора паровоз олдига келишди. Паровоз ичида нимадир қаттиқ вишилларди. Қизиган темир ва мой ҳиди келарди.

Майсажон бир оз чўчиди. У бошлиқнинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

— Қўрқма, кичкинтой!— деди бошлиқ худди дадасига ўхшаб эркалаб ва баланд овоз билан:

— Эй, Беляков!— деб қичқирди.

Майсажон, энди ҳечам қўрқаётганим йўқ, демоқчи эди, паровоз деразасида одам кўринди. Унинг кўриниши ҳеч ҳам Беляковга ўхшамасди. Майсажон ўзича Беляков албатта оқ бўлиши керак деб ўйларди, аммо бу одамнинг камзули ҳам, бош кийими ҳам, қўлидаги латтаси ҳам қора эди, ҳатто юзи ҳам оқ эмас, қорайган, қизғишроқ, мўйлови ҳам бор эди.

— Нима дейсиз, ўртоқ бошлиқ?— деб қичқирди қора Беляков, овози борича.

— Мана, сенга пассажир олиб келдим. Уни ўзинг билан оливол. Пролетарскийда тушириб юборасан. Фақат уни дадасига ўхшаб йўлда йўқотиб қўйма. Қачон жўнайсизлар?

— Семафорни кутяпмиз, ўртоқ бошлиқ. Унгача соҳибжамолимнинг ҳамма ёғини артиб қўйдим,— деди паровозга қараб.

— Ҳм... мм...— деди бошлиқ ўзича жавоб ўрнига. Майсажонга қўлини чўзди,— хўп, хайр, оғайни!— деди у.— Ҳа, айтмоқчи, исминг нима эди?

— Майсажон.

— Майсажон? Жуда қизиқ-а. Нима учун сенга бундай ном қўйишган?

— Билмайман. Шундай. Сизнинг исмингиз нима?


— Мени Николай Иванович деб чақиршади,— деб жавоб берди станция бошлиғи.

У Майсажонни қўлтиғидан кўтариб паровозга ўтқазиб қўйди:

— Хўп, хайр, Майсажон оғайни. Бизни эсингдан чиқарма. Дадангга салом айтиб қўй.

Майсажон Николай Ивановични ҳеч эсдан чиқармасликка қарор қилди. У ҳатто бундай яхши одам билан илгарироқ танишмаганига ачинди. Танишганда жуда сөз бўларди-да! Чунки ойиси унга бирон нарсани қилишга ва бориб кўришга рухсат бермасди, ундан хавотирланарди. Дадасининг эса бўш вақти кам бўларди. Майсажон Николай Ивановичнинг олдига меҳмон бўлиб борган, темир йўл тўғрисида ҳамма нарсани билиб олган бўларди.

Паровоз саҳни қоронғи ва иссиқ эди. Майсажоннинг олдида мис трубалари ва кранлари ярқираб турган улкан қора машина



намоён бўлди. Машина товланар, вишиллер ва иссиқлик тарқатар, темир пол эса силкинарди. Майсажон машина олдида турар ва қимирлашга қўрқарди.

Бирдан унинг орқасидан баланд овоз эшитилди:

— Қани, йўлдан четга чиқ! Туртвораман!

Майсажон паровозда Беляковдан бошқа яна бир одам борлигини сезмаган эди, у Беляковнинг ёрдамчиси бўлса керак. У қаердандир орқа томондан келди. Унинг қўлида ҳокандозга ўхшаш катта белкурак бор эди. У машинанинг юмалоқ чўян эшигини очган эди, Майсажонга шундай ёруғ ва иссиқ келиб урилдики, у ўзини чаққонлик билан четга тортди, қўллари билан юзини бекитганича ўгирилиб олди.

Нотаниш киши қора ялтироқ тошқўмирни тез-тез белкурак билан паровоз ўтхонасига ташлай бошлади. Майсажоннинг янги уйидаги газ плитасидан чиққан газ ҳидига ўхшаш ҳид тарқалди. Ҳар турли товушлардан Майсажоннинг қулоқлари шанғиллаб кетди. Ниҳоят юмалоқ эшикча тарақлаб ёпилди ва Майсажон эҳтиётлик билан ўгирилиб қаради.

Нотаниш киши машинанинг соат милага қараб ойнаси устидан бармоқлари билан чертарди.

Беляков қўлини латта билан артиб, паровознинг деразасидан танасини ярим чиқарди, у гўё Майсажонни унутиб қўйгандек эди.

Майсажон Беляковнинг ёнига борди-да:

— Соҳибжамолнингизи шуми?— деб сўради паровозга имо қилиб.— Ҳамма ёғини яхшилаб артдим деган эдингиз-ку.

— Йўғ-э... Нима деяпсан!— деди кулиб Беляков.— Бу менинг ёрдамчим. У ўт ёқувчи ҳам. Соҳибжамол эса — мана бу! Ялтирашини қара.— У шундай дея машинанинг устига латта билан уриб қўйди.

Кейин у яна бир марта деразадан қаради-да:

— Ана энди жўнасақ бўлади. Семафор очиқ,— деди.

— Тезроқ,— илтимос қилди Майсажон.— Бўлмаса дадамларга етиб ололмаймиз.

Беляков дастани буради. Паровоз шундай қичқириб юбордики, ҳатто Майсажоннинг тишлари зириллаб кетди. Беляков қандайдир чамбаракни буради, кейин дастани ўзига тортди, шундан сўнг паровоз аста қўзғалди.

Майсажоннинг дадаси

тез ва қатъий ҳаракат қилади

Худди шу пайт унинг дадаси телеграф пештахтаси олдида югуриб юрарди. У жуда ҳам ҳаяжонланарди. Пролетарский станциясидан телеграф орқали жавоб келиши керак эди.

Лекин ҳанузгача жавоб йўқ.

Дадаси иккинчи марта телеграмма юбормоқчи бўлиб турган ҳам эдики, шу пайт телеграфчи қиз олдидаги аппарат бирдан шақиллаб ишлаб, ундан энсиз қоғоз лентаси чиқа бошлади. Дадаси чидаб туролмади. У:

ЧЕТ КИШИЛАРНИНГ КИРИШИ
МУМКИН ЭМАС

деб ёзилган эшикни очиб, аппаратга ташланди. У лентани қўлига олди. Унда фақат нуқта ва чизиклар, чизик ва нуқталар бор эди.

Телеграфчи қиз Майсажоннинг дадасига ҳайрон бўлиб қаради-да:

— Гражданин, ўқидингизми? Ўғлингиз топилибдими?— деди.

— Мен бунақанги хатни тушунмайман...— деди дадаси,— ўзингиз ўқиб бера қолинг.

— Тушунмасангиз бир оз тўхтаб турунг,— деди телеграфчи қиз Майсажоннинг отасига ва олдига лентани қўйиб олди-да, ўзича бир нарсаларни ғулдураб, ёза бошлади:

— Машинада босилган ҳарфларга ўргангансизлар... Бу ерда эса темир йўл телеграфи... Буни ўқиш учун Морзе алифбесини билиш керак.

Унинг шундай дейишининг боиси бор эди. Чунки нуқта ва тире ўрнига биратўла оддий ҳарфларни лентага ёза оладиган телеграф аппаратлари бор эди. Бундай аппаратлар лентасида босилган сўзларни ҳар ким ҳам ўқий оларди.

— Мана сизга жавоб!— деди қиз баланд овоз билан ва букланган варақани ойнадан узатди.

Дадаси ҳеч нарсага тегиб кетмасликка ҳаракат қилиб хонадан чиқди-да, пештахта устидаги варақни олди. Бу телеграф бланкаси эди. Унда қўйдаги сўзлар ёзилган эди:

*Йўқолиб қолган болани топиш мақсадида бутун поездни
қидирдик нуқта Бундайлар топилмади нуқта
Топилди дегунча юборамиз*

Жавоб ноаниқ ёзилган эди. Аммо дадаси ҳар ҳолда поездда Майсажон йўқ эканлигини тушунди.

— «Мабодо уйга кетмаганмикан?— ўйлади дадаси.— Ойисини соғингандир, қорни очгандир, бирорта танишни учратиб қолгандир...»

У телеграф пештахтаси устидаги ойнадан бошини суқди-да,



телефонда гаплашиб олишга рухсат сўради. Телеграфчи қиз Майсажоннинг дадасининг кўнгли бузилиб турганини кўриб рухсат берди.

Дадаси яна телефон хонасига кириб, телефон трубкасини олди-да, қулоғига тутди. Трубкадан гувиллаган товуш келди.

Телефон аппаратида юмалоқ-юмалоқ тешикчали қора диска бор эди. Ҳар бир тешикчадан рақамлар кўриниб турарди. Дисканинг ўзида эса бўртиб чиққан ҳарфлар бор эди. Дадаси «Д» ҳарфи ёнидаги тешикчага ўрта бармоғини қўйиб, дискани айлантирди. Бармоғини олиши билан диска ўз-ўзидан айланиб жойига қайтиб келди. Дадаси кейин бармоғини «4» рақамли тешикчага қўйди-да, дискани айлантирди. Бармоғини олган эди, диска яна аввалги жойига қайтиб борди. Дадаси бармоғини «1», «8», «6», «8» рақамли тешикчага қўйиб, ўз квартирасининг телефон номери Д-4-18-68 рақамларни терди.

Шу пайт электр қуввати сим бўйлаб югуриб, вокзалдаги телефон билан дадасининг уйидаги телефонни улади.

Москва телефон симларининг ҳаммаси телефон автомат станциясига келиб уланган. Бу автомат станциясидаги одамлар фақат автоматларнинг ишини кузатадилар. Агар телефон номерлари тўғри терилган бўлса, симлар ўз-ўзидан уланади.

Дадаси телефон трубкасидан худди катта бир қовоқ арининг овозига ўхшаш гувиллаган овоз эшитди. Бу овоз гувиллаб-гувиллаб тўхтаб қолди. Кейин яна гувиллади-да, яна тўхтаб қолди. Дадаси телефон симлари тўғри уланганлигини тушунди. Бу арининг овозига ўхшаш гувиллашлар уларнинг уйида телефон жиринглаётганини билдирарди.

Ойиси трубкани олди ва ойиси билан дадаси ўртасида суҳбат бошланди:

— Эшитаман.

— Майсажонни овқатлантириб бўлдингми?

Ойиси Майсажоннинг дадасининг овозини танимади. У қўнғироқ қилаётган Майсажоннинг тоғаси бўлса керак, деб ўйлади.

— Майсажон уйда йўқ. У дадаси билан чанғида сайр қилиш учун далага кетди,— деди.

Дадаси эса:

— Э... йўқ... У қайтишга қарор қилганди... Танишларини учратиб қолди... Сен усиз зеркиб қолаётганинг ёдимга тушди... Овқатлангиси келиб қолган эди... Ҳар хил воқеа юз берган бўлиши мумкин. Гапираётган бу мен — дадаси!

Дадаси, Майсажонни тасодифан йўқолиб қолганини бирмабир тушунтириб бермоқчи эди, аммо ойиси жавоб бермай қўйди.

Дадаси телефон ричагини қайта-қайта босди, кейин уни шунақаям қаттиқ тақиллата бошладики, телеграфчи қиз телефон аппаратини бузиб қўйса-я, деган фикрда:

— Гражжжжжданин!— деди.

Дадаси кўзларини телеграфчи қизга айбдорлардек тикди-да, жимгина эшита бошлади.

Телефон трубкасидан қандайдир шитирлаш ва тақ-тақ деган товуш эшитиларди. Бирдан дадасига худди шу пайт Янги уйлардаги квартираларига Майсажон қайтиб боргандай туюлди. Ойиси шунинг учун жавоб бермаётгандир, аҳтимол унинг ўзи қайтмагандир, балки кимдир олиб боргандир... ёки ҳатто... келтиргандирлар...

Дадаси трубкани тезда жойига қўйиб, хонадан чопиб чиқди.

* * *

Темир йўл омбори олдида юк машинаси турарди. Ишчилар машинага жуда кўп қоп ун ортдилар. Ун юклаб бўлинди. Ишчилар машина бортларини беркитаётган эдилар.

Майсажоннинг дадаси ишчиларнинг олдига югуриб борди. У жуда ҳам ҳаяжонланарди. Ҳаяжонланганидан сўзларни зўрға топиб гапирарди:

— Биродарлар! Уртоқлар! Петровский боғига кетмаяпсизларми?

— Петровский боғига кетмаяпсизларми, эмиш,— жавоб берди ишчилардан бири.— Нон заводига ун олиб кетяпмиз.

— Балки мени йўлдан ташлаб ўтарсизлар?— Илтимос қилди дадаси.— Трамвайда жуда узоқ юриш керак, метрода борай

десам уйимиз метродан анча узоқ, аксига олиб вокзалда таксилар ҳам кўринмайди. Бахтсизлик юз берди...

Бахтсизлик юз бергани Майсажоннинг дадасининг юзидан кўриниб турган бўлса керак. Ишчиларнинг каттаси:

— Утирақолинг, обориб қўямиз,— деди.

Дадаси қопларнинг устига чиқиб олди.

Шофёр ўз жойидан тушиб, моторни ручка билан ўт олдириб юборди-да, кейин рулга ўтирди. Унинг ёнида учи юмалоқ қора даста бор эди.

Шофёр ана шу дастани олдинга суриб, оёғи ёрдамида педални босди, машина юриб кетди. Тезда у кенг кўча бўйлаб физиллаб кета бошлади.

Кўчанинг икки томони ҳам физиллаб кетаётган машиналарга тўла эди.

Дадаси йигирма минутдан сўнг уйга етиб келиб, эшик қўнғироғининг тугмасини босди. У қўнғироқ тугмасини кетма-кет босарди.

Ҳеч ким жавоб бермасди.

Кейин дадаси эшикни ўзининг калити билан очиб уйга кирди.

Учала хона ҳам бўш эди.

Ойиси ҳеч қаерда кўринмасди.

Ойисига нима бўлди

Дадаси телефонда Майсажонни сўраётганидан ойиси уни йўқолиб қолганини билиб, жуда қўрқиб кетди. У қўлидаги телефон трубкасини ушлаганча стулга суяниб қолди.

Кейин у бир оз ўзига келди-да, трубкани жойига қўйди ва Майсажон амакисиникига кетган бўлса керак деб ўйлади. Чунки ойиси уни у ерга тез-тез меҳмонга олиб борарди. У ерда — Қоляникида жуда қизиқарли жонли бурчак бор эди. Қоля учинчи синфда ўқирди, Майсажон уларникига меҳмон бўлиб боришни ёқтирарди. Улар вокзалга яқин жойда яшардилар.

Агар дадаси Майсажон билан поездга кечикиб қолган бўлса, унда Майсажонни амакисиникига юборган бўлиши керак. Аммо нима учун дадаси, Майсажон уйга қайтдим, овқатландими, деб

сўради. Наҳотки дадаси Майсажонни амакисининг уйидагилар овқатлангирмайди деб ўйласа?

Телефон узилиб қолди. Дадаси қаердан қўнғироқ қилгани номаълум эди.

Ойиси яна қўнғироқ бўлиб қолармикин деб, бир оз кутиб турди.

Аммо ҳеч ким қўнғироқ қилмади.

Кутилмаганда пастдан, ҳовли томондан шундай тақиллаган ва қарсиллаган товуш эшитилдики, гўё бирданига ўнта тўппончадан ўқ отилаётгандек эди.

Ойиси айвонга чиқадиган эшикни очди. У айвонга чиқадиган эшикнинг калитини Майсажоннинг қўлига тушиб қолмасин учун доим ёнида олиб юрарди.

Пастда, ҳовлида, комсомол Володя ўз мотоциклини тузатарди.

— Володя!— қичқирди Майсажоннинг ойиси.— Мени бир оз кутиб тулинг!

У кийиниб, ҳовлига тушди.

— Хўш, мотоциклингиз ишлайдими?— сўради у.

— Ишлайди!— керилиб жавоб берди Володя.— Туравериб эскириб қолмасин учун юргизиб, бир айланиб келмоқчиман.

Володяни яқинда заводдан мукофотлашди, у бу мукофотига ўзи йиғиб юрган пулларини қўшиб мотоцикл олди. Володя бўш вақтларида мотоциклини очиб, тозалар ва юргизиб кўрарди.

— Володя, бир илтимосим бор,— деди Майсажоннинг ойиси ботинмайроқ.— Сизга қаерга борсангиз ҳам барибир-ку. Дорогмиловага бориб келмайсизми? Бир хатни элтиб берардингиз. Гап шундаки, чамаси у ерда Майсажон...

— Марҳамат!— деди Володя,— хатни элтишнинг нима кераги бор! Орқадаги ўриндиққа ўтиринг. Жоним билан обориб келаман. Узоқ эмас. Бор-йўғи саккиз километрча келади, холос. Йигирма минутда бориб келамиз.

— Ҳеч нарса бўлмайдими?— Юраги дов бермасдан сўради Майсажоннинг ойиси.

Володя уни қўндира бошлади.



— Албатта ҳеч нарса бўлмайди. Жонингиз ҳузур қилади! Тўғри, бу «Москвич» автомашинаси эмас, лекин мотоциклнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Энг муҳими — мутлақо хотиржам ўтиринг. Елкамдан ушлаб кетишингиз мумкин. Яна уч марта мукофот олганимдан кейин албатта «Москвич» сотиб оламан. Аmmo бу ҳам машина-ку.

Майсажоннинг ойиси орқа ўриндиққа яхшилаб ўтириб олди. Володя педални босиб, мотоцикл рулига ўрнатилган, газни меъёрловчи сопчани бураё бошлади. Мотоцикл қаттиқ патиллаб, жойидан қўзғалди.

Мотоциклда юриш қўрқинчли эмасди, фақат юмшоқ пружинали ўриндиқ Майсажоннинг ойисини енгил силкитиб борарди.

Мотоцикл троллейбуслар юрадиган катта йўлга чиқиб олди. Володя сопчаларни буради. Мотоцикл моторидан пақ-пақ-пақ деган товуш эшитилди. Мотор тез ишлай бошлади. Володя сопчаларни яна бураган эди, мотоцикл шундай ўқирдики, асти қўяверинг.

Шамол Майсажоннинг ойиси юзига шитоб билан урилиб, унинг бош кийимини учириб юборди. Майсажоннинг ойисининг сочлари тўзғиб, одатланмагани учун нафас олишга қийналди. Юраги «шув» этиб кетди.

Майсажоннинг ойиси Володянинг елкасига урар, «мотоциклни тўхтат» деб қистарди. Володя мотоциклни тўхтатиши билан ўриндиқдан сакраб тушди-да:

— Мен ортиқ чидай олмайман! Яхшиси хатни ўзингиз оёриб бера қолинг,— деди.

— Ихтиёр ўзингизда,— хафа бўлди Володя.— Тўғри, бу «Москвич» эмас.

Ойиси бир парча қоғозга Коля ўқий олсин учун атайлаб дона-дона қилиб, «мабодо Сизникида Майсажон йўқми? Тезда жавоб беринглар» деган сўзларни ёзиб берди.

Ойиси қўрқоқ эмасди. У олисга бориши ҳам мумкин эди, бор-йўғи Володядан сал секинроқ юришини илтимос қиларди. Лекин у: «Эҳтимол Майсажон ҳозир уйга келгандир, хона эса қулф! Балки бегона одамлар машинада олиб келишган бўлса-чи...» деб ўйлаб қолди-да, деди:

— Володя, тезроқ бора қолинг. Қўнглим бир жойда эмас.

Мабодо Майсажон ўша ерда бўлса, йлтимос қилса ҳам ўзингиз билан олиб келманг. «Ойнинг рухсат бермайди» денг.


— Хўп, олиб келмайман,— тинчлангирди уни Володя.— Гарчи у қўрқоқлардан бўлмаса ҳам. Бошқаларга ўхшаб...— Володя гўлдиради ва қизариб, гапида давом этди:— Мотоцикл сизга ёқмагани учун кечирасиз. Тўғри, бу «Москвич» эмас, лекин бу ҳам машина...

— Ёдингизда тутинг, Володя!— деди унинг гапини бўлиб Майсажоннинг ойиси.— Сўз бердингиз-а!

Володя албатта дегандек бошини қимирлатди-да, педални босди, мотоцикл патиллаб, кейин гувиллаб шундай тез юриб кетдики, бир зумда кўздан йўқолди.

Майсажоннинг ойиси тезда уйига кетди.

Йўлда бош кийимини ҳам топиб кийиб олди.



Майсажон топилганга ўхшайди

Ранги оқарган ва ҳаяжонланган дадаси Майсажоннинг ойисини эшик олдида кутиб олди. Майсажоннинг дадасининг кийими чангга ботган эди. У бир оғиз ҳам гапиролмасди. Қандай гап бошлашни ҳам билмасди.

Ойиси Майсажонни ўз ҳолига қўйиб юборгани учун дадасини койимоқчи бўлган эди, лекин дадасининг диққат бўлиб турганини кўриб индамади. У фақат:

— Ҳеч бўлмаса у ёқ-бу ёғингизни қоқсангиз бўларди!— деди-да, Майсажоннинг дадасига чўтка берди.

Дадаси ҳамма гапни бир бошдан: телеграмма ҳақида, чангининг йўқолгани ҳақида гапириб берганда, ойиси энди нима бўлади деб қаттиқ ташвишга тушди.

Шу пайт бирдан ҳовлида тариллаган товуш эшитилди. Ойиси айвонга чиқиб пастга қараган эди, мотоциклда ўтирган Володяни кўрди. У бир оз шодланиб:

— Мана амакисиникидан жавоб келди. Ҳозир ҳаммасини биламиз,— деди.

Юқорига кўтарилаётган лифтнинг гулдурраган овози келди. Лифт тўхтади. Ойиси қўнғироқни кутмасдан югуриб бориб эшикни очди-да, Володяни ичкари киргизди.

— Ҳаммаси жойида!— деди Володя.— Жавобни олинг!

У шундай деб Майсажоннинг ойисига ҳарфлари хунукроқ, аммо дона-дона қилиб ёзилган қоғозни узатди. Қоғозда:

*Майса хоҳлаганча бор,
Эртага эрталаб элтаман
Коля.*

дейилган эди.

— Ана, мен айтмадимми, у очиқиб ўша ёққа кетиб қолган,— деди дадаси.— Очиқ ҳавода юриб қорни очиб қолган-да. Мен доим шаҳар ташқарисида ўйнаб келиш фойдали дердим-ку.

— Наҳотки йўлда пирожка олиб бериш хаёлингизга келмаган бўлса!— деди ойиси ва Володяга қаради:— қалай! Ўзини кўрдингми? Ҳеч нарса айтиб юбормадимми?

— Йўқ, мен уни кўрмадим,— деди Володя.— Машинамнинг атрофида болалар уймалашиб кетди, шундан кейин машинамни қолдириб кетишга юрагим бетламади. У жойлар бизникига ўхшаган эмас-да: машинани Вовка — денгизчига ёки Майсажон билан Вәняларга қолдириб кетганда одам хотиржам бўлади. У ерда эса ким билади дейсиз улар қанақа одамлар экан. Тўғри, улар ҳам хизматга ҳозир эканлар. Хатни мен олиб бораман деб ҳаммалари талашиди. Мен Майсажонни чақирмоқчи эдим, ўзингиз керакмас деганингиз учун чақирмай қўя қолдим. Агар «Москвич» машинам бўлганида...

Володя кетди.

Эртагача куттишнинг иложи йўқ эди. Ойиси билан дадаси бир-бирларига қарадилар-да: амакисиникига ҳозир бориш керак, деган қарорга келишди.

— Кетдикми?— сўради ойиси.

Дадаси:

— Бўпти,— деб жавоб берди ва икковлари шошилиб оёқ кийимларини кия бошладилар. Ойиси шошганидан ўнг оёғини чап

оёқнинг калишига тиқар ва калишни кия олмай хуноби ошарди. Дадаси бирор нима дейишга ботинолмай турарди.

— Ҳаммаси Сиз туфайли!— деди жаҳл билан ойиси ва энгашиб, ниҳоят калишни тўғри кийди.

Катта кўчада троллейбус анчагача бўлмади. Троллейбус бекати яқинида икки ёни шахматли кул ранг автомобиль турарди.

Дадаси:

— Таксида кетамизми? Ҳам тез етамиз, ҳам унча қиммат ҳам эмас,— деди.

Ойиси рози бўлиб бош қимирлатди. Чунки у таксида юришни яхши кўрарди.

Улар автомобилга яқинлашдилар.



Шофёр уларга эшикни очди. Улар ўтирганларидан кейин, қаерга боришни айтишди.

Шофёр моторни ўт олдирди. Моторни ручка билан айлантириб ўт олдиришнинг кераги йўқ эди. Чунки унинг машинасида «стартер» деган кичкина электр моторча бор эди. Шофёр стартерни босди. Стартер катта моторни айлантириб берди. Кейин эса катта моторнинг ўзи ишлай бошлади. Шофёр учи юмалоқ дастанни олдинга суриб педални босди. Автомобиль гилдиракла-

ри айланиб, юриб кетди. Автомобиль ҳар бир километр босиб ўтган сари, счётчик «чиқ» этиб, керакли рақамни кўрсатар эди.

Счётчик таксида юрган йўл учун қанча тўлаш кераклигини кўрсатар эди.

Учинчи синф ўқувчиси

Амакиси уйда газета ўқиб ўтирар эди. Коля эса ўзининг жонли бурчагида ишларди. У аллақандай майсалар ўсиб ётган яшикни бўямоқда эди. Доно зоғча Қағилдоқ унга гоҳ бу кўзи билан, гоҳ у кўзи билан қараб турарди. Жулдур Типратикан бўлса, икки ойдан кейин бугун биринчи марта уйғониб, ҳеч кимга аҳамият бермай, хириллаганча, идишдаги сут билан оқ нонни туширарди.

Қўнғироқ жиринглади.

— Коля, эшикни оч!— деди амакиси.

Коля эшик очгани югурди. Унинг орқасидан зоғча ҳам бир қанотини ёзиб ҳаккалаб борарди. Унинг иккинчи қаноти синган эди.

— Қағилдоқ, жойингга бор!— деди Коля, қичқириб.

Зоғча бўйсуниб яна орқага ҳаккалаб қайтиб кетди-да, типратиканнинг олдида ётган нон бўлақларини тортиб ола бошлади. Жулдурвой ҳайрон бўлиб тумшугини кўтариб қаради-да, индамай, калта оёқчаларини тақиллатиб, ўзининг газетадан ясалган инига ухлагани кетди.

Коля эшикни очди. Даҳлизга шошиб Майсажоннинг дадаси билан ойиси киришди. Ҳали ечинмасданоқ ойиси сўради:

— Майсажон қалай?

— Ҳозир-ҳозир!— деди Коля худди шу саволни кутаётгандек.

У хонасига чошиб кириб кетди, кўп ўтмай яқиндагина бўялган, озода бир яшикни тантанали равишда олиб чиқди. Яшикда қалин, кўм-кўк майса ўсиб ётарди.

— Ўзим ўстирганман!— деди Коля хурсанд бўлганидан жилмайиб.— Сиз, балки уни бирорта одамнинг туғилган кунига совға қилмоқчи бўлгандирсиз? Марҳамат!

У ўзининг берган ёрдамидан шод эди.

— Майсажон-чи? Майсажон қани?— деди ойиси охирги уми-ди билан.

Коля бир нарсани чалкаштириб юборганини тушунди.

— Ҳали сиз «бола»ни «бойа» деб айтадиган укам тўғрисида ёзиб юбуровдингизми?— деди у қўрқиб кетиб.

Майсажон ҳали кичкиналигида «бола» сўзини айтолмасдан «бойа» дерди.

— Албатта-да,— тушунтирди Майсажоннинг дадаси.— Ахир



ўзинг ҳам «Майса бор...» деб ёзибсан-ку. Мана ёзган хатингни кўргин.

«Майса,— ўқиди Коля,— бор». Ҳақиқатан ҳам майса бор. Яна шунақа уч яшик бор. Тезда улар ҳам мана шундай кўм-кўк рангга қопланадилар.

— Э сени қара-ю,— куюниб, хатни силкитди Майсажоннинг дадаси.

Коля ҳаммасини тушунди. У «Майсажон»ни ростакан «майса» деб ўйлаган эди.

Шу пайт хонадан Майсажоннинг амакиси чиқиб келди. Майсажоннинг дадаси ва ойиси даҳлизда ечинмасдан турардилар. Уларнинг кўнгли жуда ҳам ғаш эди. Ойисининг катта кўзлари ёшга тўлди, унинг кўзлари ёшдан гўё яна ҳам катталашгандек бўлиб кўринди. Ёш эса борган сайин кўпаяр ва биринчи томчилари киприкларида титраб турарди.

Ҳатто амакиси ҳам ўзини йўқотиб қўйди.

У хатни олиб, нима гаплигини тушунди ва ўғлига таъна билан:

— Баҳона қилма! Ахир холангнинг хатидаги «майса» сўзининг биринчи ҳарфи бош ҳарф билан ёзилганини кўрмадингми? Яна бу учинчи синф ўқувчиси эмиш! Учинчи синф ўқувчиси-я! — деди.

Кейин у Майсажоннинг дадаси ва ойисига:

— Биринчидан, тинчланинглар. Иккинчидан, ечиниб ичкари киринглар. Ҳозир ҳаммасини аниқлаймиз ва муҳокама қиламиз. Милицияга хабар бердиларингми? Тез хабар бериш керак, — деди.

Паровозда

Бу вақтда Майсажон келаётган паровоз Пролетарский станциясига яқинлашаётган эди.

Паровоз машинисти Беяков:

— «Пар» билан, яъни буғ билан юргани учун ҳам уни паровоз деб аташади, — деб ҳикоя қиларди.

— Мен буни била-ма-н... — деди Майсажон.

— Машинанинг ичида қозон бор. Қозонда эса — сув бор. Ана шу сув қайнаб буғ ҳосил бўлади. Буғ чиқиб кетиш учун жой қидириб трубага киради ва у орқали поршенга тушади. Шунда буғ гоҳ у, гоҳ бу поршенни куч билан итаради. Поршенлар филдиракларга уланган бўлгани учун филдираклар айлана бошлайди. Шундан кейин паровоз юради. Тушундингми!

— Тушунаман, — деди Майсажон. — Электр қуввати билан юрадиган паровозлар ҳам бўладими?

— Йўқ! Ахир сенга айтдим-ку, паровоз пар яъни буғ билан юради деб. Агар электр қуввати билан юрса, унда уни «электровоз» дейилади. Электровозлар ҳам бўлади, фақат улар электр симлари тортилган йўлларда бўлади. Мана бизнинг бош йўлда электр симлари тортилиб, электр қуввати қўйилган. У йўлда «электричка» деган электровоз юради. Бу йўл эса «Пролетарский» йўли бўлиб, яқиндагина қурилган янги тармоқ. Аммо бу янги тармоқлардан ҳам тез орада электр қуввати билан юрадиган поездлар юра бошлайди. Қатъий қилиб план-

лаштирилган. Москванинг бутун атрофида электричкалар юради. Шундай бўлиши ҳам керак-да.

— Электрокар-чи? — сўради Майсажон, — унинг тепасида ҳеч қандай симлар ҳам йўқ-ку?

— Электрокар вокзалларда бўлади. У текис ерда юради. У ўзи билан кичкина, аммо оғир яшиқда электр қувватини ғамлаб олиб юради. Яшиқнинг асосий қисми қўрғошиндан бўлиб, аккумулятор деб аталади. У электр қуввати билан зарядланади. Моторча ана шу аккумулятордан ишга тушади. Мана шуни «электрокар» дейилади. Сен бўлсанг электрокарни электрқарға деб юрибсан,— деди кулимсираб Беляков. — «кар» дегани «карега» яъни «аравача» деган маънони билдиради.

— Тушунаман,— деди уялиброқ Майсажон.

Бурилишларда Беляков дагани айлантириши билан паровоз шундай қичқирадики, товуши ҳатто тишни ҳам зириллатиб юборади. Аммо тишнинг зириллашига Майсажон ўрганиб қолди.


Паровоз ғилдираклари остидан: паф-паф-паф! Паф-паф-паф, қилиб буғ отилиб чиқарди. Кичик станцияларда паровоз қичқириб, тўхтамасдан ўтарди. Симёғочлар эса худди биров арқон билан тортаётгандек липиллаб ўтиб борарди. Симёғочлардаги арқонга ўхшаган нарса — симлар эди. Симёғочларнинг орқасида эса қорга бурканган далалар ястаниб ётарди. Ҳув узоқдаги кўринаётган қатор уйлар эса, худди паровоз билан мусобақа ўйнаётгандай кўринарди.

Пролетар станциясига кираверишда семафор кўтарилди. Марҳамат! Сиз учун йўл бўш.

Беляков машинанинг дасталарини суриб, ғилдиракни айлантирди, паровоз юмшоққина тўхтади.

Майсажон паровоздан тушиб кетишни хоҳламасди: чунки паровоз жуда ҳам қизиқарли эди. Беляков ҳамма нарса тўғрисида гапириб берарди. Унинг ёрдамчиси ҳам кўринишидан жаҳлдор бўлишига қарамасдан жуда яхши одам эди. У Майсажонга йўлда тамадди қилиб олиши учун бир бўлак қанд, катта бўлак нон ва темир чойнақдан бир стакан иссиқ чой қуийиб берди.

Майсажон қандни оғзига солиб устидан чой ичди. Ноннинг



эса, ҳаммасини еди. Нон уйдагидаш кўра хийла мазали кўринди.

Майсажон паровоздан тушиши керак эди. Машинист ёрдамчиси аллақачон ерга тушиб олган эди. У Майсажонни қўлидан ушлаб, ерга тушириб қўйди.

— Раҳмат,— деди Майсажон ва кейин,— хайр, ўртоқ Беляков,— деб қичқирди.

— Хайр, хайр, болакай! Йўлни биласанми?

— Биламан!.. Хайр, ўртоқ машинист ёрдамчиси!

Беляков паровозда баландда эди, шунинг учун Майсажон унга пионер салюти берди. Машинист ёрдамчиси унинг ёнида турарди. Майсажон унга қўлини узатди. Ёрдамчи қора чарм қўлқопини ечиб Майсажоннинг қўлини сиқди-да, юзини силаб қўйди. Унинг қўли темирга ўхшаш жуда қаттиқ эди, ундан паровоз ҳиди келарди.

Аммо Майсажонга жуда ёқарди.

Бўри

Майсажон станциянинг тахта биноси ёнидан тезда ўтди-да, боғ томонга борадиган йўлдан юриб кетди.

Йўл ёздагидек эмасди. Мутлақо бошқача тус олганди. Кенг тупроқли йўлка ўрнига, девор бўйлаб, қор устидан сўқмоқ йўл чўзилиб кетганди. Боғлар қорга бурканган, ёздаги боғларга мутлақо ўхшамасди. Ёзда айвонларда оқ пардалар тутилган бўларди. Кўп боғлар кўм-кўк акация, сирень ва жасминлар орасидан кўзга ташланмасди. Энди эса ҳамма нарса яланғоч, атроф бўм-бўш эди.

Майсажон станциядан анча узоқлашиб кетди. Йўл бўйида дўконлар ва ҳовузлар кўринмасди. Булут офтоб юзини қоплади. Шамол эсиб, совуқ кучайди. Майсажоннинг юраги сиқилди.

У дарахтга суяниб, ўннга қаради — ҳеч ким йўқ. Чапга қаради — ҳеч ким йўқ. Ўзини тутиб туришга қанча ҳаракат қилмасин барибир бўлмади, йиғлаб юборди.

Бирдан ингичка овоз эшитилди:

— Ҳой бола, уят эмасми! Қап-катта бўлиб туриб йиғлашингни қара-я! Уят-э!

Майсажон кўзини артган эди, қаршисида турган қизчани кўрди. Қизча ҳам унчалик кичкина эмас, ўртача эди. Унинг қардан келиб қолгани номаълум эди. Қизча ўйинчоқ чанасининг ипидан тортиб келарди, чанада эса қўғирчоқ ўтирарди.

Майсажоннинг кўз ёшлари дарров тўхтаб қолди: У бурнини тортди-да, деди:

— Мен ҳечам йиғлаётганим йўқ! Балки, бўрини кўрган бўлсам-чи?

— Бу ерда бўрилар йўқ, — деди қизча баланд овоз билан. Кейин бирпас жим турди-да, сўради:— Қанақа бўри, каттами?

— Жудаям катта! Роялдан ҳам катта!— деди Майсажон ва бўйи роялдан ҳам катта уч оёқли бўрининг тўппа-тўғри улар томон судралиб келаётганини, баҳайбат оғзини очаётганини, тишлари ҳам рояль клавишларидек оқ-қора эканлигини аллақачон тасаввур қилди.— Аммо сен қўрқма, мен сени ҳимоя қиламан!— Майсажон шундай деди-да, чўнтақларини тимирскилаб кўрди: унинг чўнтагида суяк сопли кичкинагина пичоқча бор эди.

Майсажоннинг довураклиги қизчага маъқул бўлди. У Майсажон билан яқиндан танишмоқчи бўлиб, сўради:

— Сен бу ерда нима қиляпсан?

— Танишимизникига меҳмонга келдим.

— Қайси танишларингизникига?

— Измайловларникига.

— Измайловлар чангида кетишди-ку. Ҳа-ҳа! Улар меҳмонларни кутишди, аммо ҳеч ким келмади. Шундан кейин боғларини ҳам қулфлаб кетишди.

— Боғлари қаерда?

— Йўлдан сал юқорироқда..

— Ундай бўлса йўл бўйидаги ҳовуз қаерда?



— Ана у. Фақат у ҳозир қор остида қолган.

Қизча қайин дарахтлари билан ўралган оппоқ ялангликни кўрсатди. Дарахтларнинг йўғон шохларини қор қоплаган, қор уюмлари худди узун қулоқларини қисиб олган қуёнларга ўхшарди.

— Бирпас тўхтаб тургин,— деди Майсажон.— Мен ойимларга шохдан биттасини синдириб олволай. Бу ерда қор қалинми?

— Қалин бўлгандаки...

Майсажон қорга оёқ қўя бошлади. Пиймасига бир оз қор тушиб кетса ҳеч нарса қилмайди. Майсажон дадиллик билан қайин дарахти томон юрди.

Қизча ҳам бир оз ўйлаб турди-да, у юрган жойдан юришга ҳаракат қилиб эргашди. Чанадаги қўғирчоғини эса, сўқмоқ йўлда қолдирди. Майсажон қор босган қайин шохларидан қуёнчага ўхшаб турган энг яхшисини танлади. Аммо у энди ушлаган эди, юзига қор заррачалари сочилиб кетди.

Аммо Майсажон сир бой бермаслик учун пинагини ҳам бузмади. Қайтага аксинча қўлқопини ечиб ташлади-да, шохни маҳкамроқ ушлаб синдира бошлади. Кейин пакки пичоғини чиқариб, шохни арралаб кеса бошлади. Бармоқлар қотиб қолди, кафти қайиннинг ёпишқоқ елиmidан ифлос бўлиб кетди, аммо шох ҳадеганда синавермади.

— Бу йўғон шох экан,— деди қизча.— Сал кичикроғини синдира қолайлик.

— Узим ҳам шунини ўйлаётган эдим,— рози бўлди Майсажон,— бундай катта шохни қандай олиб кета оламан!

У шундай дея ўгирилди.

Қизча ҳайрон бўлиб:

— Ё товба! Юзинг жиққа ҳўл-ку! Кўзларинг ҳам!— деди.

— Бу ҳечам кўз ёши эмас,— деди Майсажон,— қор. Ҳеч нарсани ўйлама...

— Ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ. Кел, артиб қўяй.

Қизча четлари ҳошияли дастрўмолини олиб, Майсажоннинг

юзини яхшилаб артиб қўйди. Кейин ўзининг қилган ишидан завқланиб деди:

— Бизникига меҳмонга боришни хоҳлайсанми?

— Бўпти,— деди Майсажон.— Лекин, аввал оймларга қайин шохларидан оливоламан.

У қайин дарахтининг шохидан битта кичкинасини кесиб олди.

Офтобой

Улар игналари санчмасин учун шохни яхшилаб букладилар. Майсажон уни чўнтагига яшириб қўйди-да, деди:

— Исминг нима? Ҳатто исмини ҳам билмаган одамнинг уйига қандай қилиб меҳмонга бораман.

— Менинг исмим Соняой. Сенинг исминг-чи?

Майсажон жавоб беришга улгуролмади. Қуёшни тўсган булут тарқаб, қизчанинг юзига бирдан ўткир нур тушди. Қиз-



чанинг кўзини қамаштириб, бурнини қичитди. Соняой кўзини қисиб, шундай қаттиқ аксириб юбордики, ҳатто дарахт шохларидаги қор «дув» тўкилди.

— А-а-аапшу!

Майсажон кулиб юборди-да:

— Сен Соняой эмас, Офтобой, офтоб сени аксиришга мажбур қилипти!— деди. Кейин яна қаттиқроқ кулиб юборди:— Исмингни қизиқ айтдим-а: Офтобой! Мен сени шундай деб чақираман. Офтобой.

— Қаердан билдинг?— Ҳайрон бўлди у.— Дадамлар билан ойимлар мени шундай деб чақирарди.

— Мени Майсажон деб чақирарди.

— Фақат даданглар билан ойингларми?

— Йўқ, ҳамма.

Қизча кулиб юборди:

— Майсажон!

Майсажон ҳам кулиб юборди:

— Офтобой!

Болалар қўл ушлашиб олишди ва Офтобойникига меҳмонга кетишди.

Чанадаги қўғирчоқни Майсажон тортиб кетди.

* * *

Бир оздан кейин Офтобойнинг ойиси:

— Ойижон! Ойижон!— деган қўнғироқдай овозни эшитди.

Ойиси пешайвонга чиқиб, қизиқ ҳодисани кўрди. Унинг ёлғизгина қизи панжарага миниб олган, унинг ёнгинасида эса телпак ва мўйнали пальто кийган нотаниш бола ўтирарди. Олдинига у худди буларни тушида кўраётгандай бўлди.

— Кетяпмиз! Кетяпмиз! Тушки овқатга келмаймиз! Кўришгунча хайр!— деб қичқирди қизи ва бирдан панжара ёқалаб, худди кемада кетаётгандай, ойисига қўл силкитиб хайрлашганча сузиб кетди.

Нотаниш бола ҳам сирпаниб кета бошлади. У гўё эшаклар билан сузаётгандай чайқаларди.

Сонянинг ойиси югуриб ташқарига чиқди-да, нима гаплигини тушуниб, кулиб юборди, кейин уларга қўшилишиб қўлини силкитганича:

— Кечки овқатга албатта келинглар! Уртоқ капитан, мен сизларни кутаман! Албатта келинглар!— деб қичқирди.

У нима гаплигини дарров тушуниб олмагани учун бошини сарак-сарак қилиб, анчагача кулди.

Сиз билан биз нима гап бўлганини тушунишимиз учун олдин қандай воқеа юз берганини билишимиз керак бўлади.

Бундан олдинроқ эса, мана бундай воқеа содир бўлган эди.

Янги танишлар

Майсажон билан Офтобой бутун йўл давомида гаплашиб кетдилар.

— Сенинг қўғирчоғингнинг исми нима?

— Машка — ирkit. Унинг бўйни ва бурнининг ифлослигини қара. Мен уни тупук билан ҳам, совун билан ҳам ювдим, барибир кетмади.

— Бизникида эса Мальвина исмли қўғирчоқ бор. Унинг сочлари қизғиш, кўзларида рostaкам киприклар бор. Устида тўр кўйлаги ҳам бор. Кўйлагида эса белбоғи бор. Белбоғидан тортсанг:—«Дада! Ойи!»— деб гапиради.

Офтобойнинг кўзлари ўйнаб кетди. У оғир хўрсинди. Майсажон, у ҳам шундай қўғирчоғи бўлишини орзу қилаётган бўлса керак, деб ўйлади. Шунинг учун тезда:

— Аммо сенинг Машканг ундан яхшироқ! Мальвинанинг нимаси яхши. Уни кўпроқ ўйнаб бўлмайди, синиб қолади. Кейин, гапиришни ҳам яхши билмайди. «Дада» дейиш ўрнига қурбақага ўхшаб «вақ-вақ!» дейди. «Ойи» дейиш ўрнига мушукчага ўхшаб «миёв!» дейди.

Офтобой кулиб юборди.

— Агар сен хоҳласанг қўғирчоғингнинг сочларини истаган рангга бўяб беришим мумкин? Мен ҳамма бўёқларни биламан. Юзини оққа, бўйинини эса қизғишроқ рангга бўяйман. Бўёқлар борми? Биз Ваня иккаламиз Мальвинани тузукроқ гапирадиган қилмоқчи бўлиб уриниб кўрган эдик... Энди у ҳеч ҳам гапирмайдиган бўлиб қолди...

Офтобой яна кулиб юборди.

— Сен қайси поездда келдинг?

— Мен поездда эмас, паровозда келдим. Роса қўрқинчли бўлдики! Лекин мен ҳеч нарсадан қўрқмадим. Менинг Беляков деган таниш машинистим бор. Яна, станция бошлиғи Николай Иванович ҳам менга таниш.

Майсажон буларнинг ҳаммасини ғурурланиб гапириб берди. Аммо Офтобой ҳеч ҳам ҳайрон бўлмади:

— Менинг дадамларнинг ўзлари станция бошлиғилар. Мен бу ерда доимо яшаётганим учун ҳамма поездларни биламан, ҳа, ҳа!— бирдан у:— Дада! Дада!— деб қичқирди-да, қаёққадир чопиб кетди.

Майсажоннинг юраги шув этиб кетди. У Офтобой чопиб кетган томонга қаради. Лекин у ўз дадаси ўрнига кўкрагига дурбин ва елкасига сумкасини осиб олган икки чанғичини кўриб қолди. Офтобой уларнинг бўйнига ташланди-да:

— Майсажон! Майсажон! Бу ёққа тезроқ кел!— деди.

Булар Офтобойнинг дадаси ва дадасининг ўртоғи экан. Болалар қандай қилиб бир-бирлари билан учрашишгани ва Майсажоннинг бошидан кечирганларини уларга гапириб беришди.

Офтобойнинг дадаси Майсажонга диққат билан қаради-да, деди:

— Демак, сен ўша йўқолиб қолган бола экансан-да? Йўлдан телеграмма олинган эди. Ота-онанг сендан ташвишланыпти.

— Йўқ, йўқолган мен эмас, менинг дадамлар,— деб жавоб берди Майсажон сал хафа бўлиб.— Мен эса мана— шу ердаман.

Тушунарли бўлсин учун бармоғини кўкрагига уриб ўзини кўрсатди.

Офтобой ҳаммасини тушунтиришга ҳаракат қилди:

— Албатта-да. Бу дадасини йўқотган, дадаси эса буни йўқотган,— деди.

Офтобойнинг дадаси ўйлаб қолди.

— Сени нима қилсам экан? Поезд Москвага фақат кеч соат еттида жўнайди. Измайловлар бўлса чанғи учгани жўнаб кетишган, бу аниқ, овқат егинг келаётгандир?— сўради.

— Бизниқига борсин,— қатъий деди Офтобой.

Майсажон кўнмади.

— Э... нима деяпсан? Мен сизларниқига овқатлангани келаётганим йўқ эди. Паровозда деярли овқатланиб олганман.

Шу пайт бошқа чанғичи гапга аралашди:

— Кўп гапиришнинг кераги йўқ. Ҳаммамиз Москва тоғига борамиз. Ўша ерда Измайловларни қидириб топамиз. У ердан

менинг электростанциямгача жуда яқин. Бизникида овқатланамиз. Сиз ўз қизингизни, мен эса бу йигитчани кўтариб оламан.

Офтобойнинг дадаси Майсажонга қараб олди-да.

— Капитан, сизга оғирлик қилмайдими?— деб сўради.

— Фронгда қандай юрганамиз эсингдан чиқибди шекилли: елкада милтиқ, халтада гранаталар, яна пулемётни кўтаришга ҳам тўғри келарди. Шундай юк билан бир кунда қирқ километр йўл босар эдик. Ҳеч ким оғир демасди. Энди иккита бола оғирлик қиладими? Ахир бизлар шуларни деб жанг қилмаганмизми?

— Бўпти, капитан!— деди Офтобойнинг дадаси.— Қани, қизим, қўғирчоғингни бекит. Ёки ўзинг билан бирга оливоласанми?

— Шу ерда қолақолсин,— деди Офтобой,— фақат шамоллаб қолмаса бўлди!

У Машкани иссиқ адёлга ўраб, чана билан бирга қорга кўмди-да, устидан «М» ҳарфини ёзиб қўйди.

— Уни ҳеч ким топиб олмайдими?— хавотирланиб сўради Майсажон.

— Нима деяпсан!— Ишонч билан деди Офтобой.— Ҳамма уни меникида яшашини билади. Агар бирор кимса тасодифан топиб олса ҳам бизникига келтириб беради.

— Қани, олган билетларингизга қараб ўз жойларингизни эгалланглар!— деди, боя Офтобойнинг дадаси капитан деб мурожаат қилган чанғичи.

У Майсажонни баланд кўтарди-да, елкасига миндириб олди.

Москва тоғига юриш

Шундай қилиб, улар йўлга тушдилар. Олдинда Офтобойнинг дадаси қизини елкасига миндириб борарди. Уларнинг орқасидан кимнингдир дадаси борар, фақат унинг капитан эканлиги маълум эди. Майсажон ана шу капитаннинг елкасида эди.

Улар кетаётиб, Офтобойнинг ойсига айтиб қўйиш учун Офтобойларнинг уйи олдида тўхташди. Мана шунда унинг ойсига



ни ҳам қўрқитиб юборишди, ҳам ҳайрон қолдиришиб, роса кулдиришди. Кейин, кулишганича йўлларида давом этишди.

Боғлар ҳам тамом бўлди, улар далага чиқишди. Бу ерда яхши чанғи йўли бор эди. Офтобойнинг дадаси чанғи таёғи билан ҳаракат қилиб тез одимларди. Капитан ҳам ундан қолишмасди.

Юриш энгил, мароқли эди.

Офтобой баъзан ўгирилиб, Майсажонга бир нималар деб қичқирар, хандон ташлаб куларди. Уни чанғичилар елкасида юришга одатланиб қолгани кўриниб турарди. Майсажон ҳам гарчи капитаннинг қулоқчинидан маҳкам ушлаб олган бўлса ҳам унга қўшилиб куларди.

Кутилмаганда чанғи йўли иккига бўлинди: бири ўннга, ўрмон ичига бурилиб кетарди, иккинчиси эса кенг дала ичига кириб кетарди. Саёҳатчилар тўхтаб, қаёққа юрсак экан, деб ўйлаб қолишди. Измайловлар у йўлдан ҳам, бу йўлдан ҳам қайтиши мумкин эди. Измайловларни йўлда учратиша олмаса алам қилиши турган гап эди.

— Мен ўнндан бораман,— таклиф қилди капитан.— Бу йўл узоқроқ бўлса ҳам, ўрмон ичидан ўтади. Ўрмон ичидан юришни яхши кўраман. Тоғда роса ўн бешу ноль-нолда учрашамиз.

— Тоғнинг қаерида?— сўради Офтобойнинг дадаси.— Тоғ катта.

— Эски трансформатор будкаси ёнида. Биласиз-а?

— Биламан. Соатларимизни текшириб кўрайлик.

Чанғичиларнинг ҳар иккаласи ўзларининг соатларига қараб олишди. Майсажон капитан соатининг кичик мили «1» билан 2 ўртасида, каттаси эса «8» рақами олдида эканини кўрди.

— Ўн учу қирқ икки,— деди капитан.

— Тўппа-тўғри,— тасдиқлади лейтенант.— Бўпти, кўришгунча хайр.

— Майсажон!— қичқирди Офтобой.— Эҳтиёт бўл, яна тағин йўқолиб қолмагин.

— Узинг йўқолиб қолма!— деб жавоб берди Майсажон.

У янги уйга кўчаётганларида дадаси ҳазиллашганини эслади. Ойисини эслади. Ойиси ҳозир қаерда экан. У бир оз маъюс бўлиб қолди. Ҳозир улар Измайловларни учратишса яхши бўларди. Балки улар билан бирга дадасини ҳам учратиб қолар. У меҳмондорчиликларда бўлади, ойисига қайин новдаси олиб боради.

Капитан Майсажонни елкасига миндириб олганча тўғри изсиз қор устидан кетарди. Унинг чанғиси тагидан, худди паровоз филдираклари тагидан чиқаётган буғ каби, қор учқунлари отилиб чиқарди.

Гоҳо Майсажоннинг боши дарахтларнинг шоҳларига тегиб кетар, устиларига дув этиб муздай қор тўкиларди.

Аммо улар исиб кетган эдилар, устларига қор тўкилган сайин севинардилар.

Дарахтлар сийраклашиб, кўм-кўк осмон кўринди.

— Этиб келганга ўхшаймиз,— деди капитан,— туш!



Қуёш чиққан кун

Майсажон тушиб атрофга қаради. Уларнинг қаршисида оппоқ қорга бурканган дала ястаниб ётарди. Чанғичиларнинг излари ҳамма томонга тарқалиб кетган эди.

— Москва тоғи қани?— деб сўради Майсажон.

— Худди мана шунинг ўзи. Қара: нималар бўлаётганини кўряпсанми?

Майсажон узоққа қаради. Дала узоқдан ҳақиқатан ҳам тоғ томонга бораётгандек бўлиб кўринди. Хув анови ерда, нақ уфқнинг ўзида эса одамлар уймалашиб юришарди. Улар қор тўшалган далада гўё қандайдир қувноқ ўйин ўйнашаётгандек юқорига интилишар, тўхташар ва яна бир-бирига аралашиб кетишарди.

— Қани, дурбиндан кўриб боқ-чи,— деди капитан ва кўкрагида осилиб турган ғилофдан дурбин чиқарди. Бундай дурбинни Майсажон умрида биринчи марта кўриши эди.

Ойисининг театрга олиб борадиган дурбини бу дурбиндан анча кичкина, оддийроқ ва енгилроқ эди. Буни эса қўлда зўрға ушлаб туриш мумкин эди.

Аввалига Майсажон дурбинда ҳеч нарса кўра олмади. У қандайдир оқ доиралардан бошқа ҳеч нимани кўрмади. Аммо Капитан бир нимани бураб, созлаган эди, доирада кўк шим, қизил фуфайка кийган ва кўкрагида «16» рақами ёзилган чанғичи пайдо бўлди.

Чанғичи тўхтаб таёғига суянди-да, чўнтагидан тахта шоколад олиб, бир бўлагини оғзига солиб чайнай бошлади. Шундай узоқда туриб овқатланаётган одамни кўриш жуда ҳам қизиқ бўлар экан.

Майсажон у одамни олдин ҳам қаердадир кўргандек эди.

У дурбинни туширди-да, қулиб юборди:

— Шоколад еяпти!

— Тўғри қияпти!— деди капитан.— Тажрибали чанғичининг чўнтагида доим шоколад бўлиши керак.

У шундай деб сумкасидан бир тахта шоколад чиқарди-да, иккига бўлиб, бир бўлагини Майсажонга берди.

Майсажон миннатдорчилик билдириб, шоколаднинг бир чеккасидан тишлади-да, қолганини чўнтагига солиб, яна дурбиндан қарай бошлади.

Ранг-баранг кийимдаги рақамли ва рақамсиз чанғичи қиз-йигитлар тоғдан қорни тўзғитиб учиб туришарди, йиқилишарди, ўринларидан туриб яна курашни давом эттиришарди, бир-бирларига қор отишарди. Баъзилар чанғиларини елкаларига оливолганича юқорига пиёда чиқишарди. Бошқалари эса чанғиларини қайчи ёки зинапояга ўхшатиб қўйиб, тепага чиқишни ўрганишарди.

Майсажон секингина чапга айланиб, бутун уфқни бир-бир кўздан кечири бошлади. Чанғичилар борган сари камайиб борарди. Бора-бора улар кўринмай кетдилар. Бепоеъ қор уюмлари, қорайиб кўринаётган буталар, кичкина дарахтзорлар пайдо бўлди.

Бирдан Майсажоннинг олдида жигар ранг свитер кийган бир бола пайдо бўлди. Унинг қўлида иккита қизил байроқча бор эди. У байроқчаларнинг гоҳ биттаси, гоҳ иккаласини кескин силкитарди.

Майсажон дурбинни капитанга узатди:

— Уртоқ капитан, қараб боқинг, бу қанақаси бўлди?

— Кўриб турибман,— деди капитан.— Анчадан бери қараб, завқланыпман. Қойил! Жуда тез маълумот беряпти!

— Нима беряпти?— қизиқиб сўради Майсажон.

— Ҳар хил буйруқларни. Ана кўряпсанми...

Майсажон яна дурбинни қўлга олиб, болани топди. Бола ҳеч нима демасди, фақат байроқчалар билан турли ишоралар қиларди. Капитан:

«Иккинчи... взвод... ўрмоннинг... чап... томонига... жойлашсин...» деб маълумот беряпти,— деди.

Майсажон Капитанга ўгирилди:

— Қандай қилиб беряпти?

— Қўлидаги байроқчалар билан. Телеграф алифбеси билан. Телеграфчиларнинг нуқта ва тирелардан иборат ўз алифбеси бор. У агар байроқчанинг биттасини силкитса — бу нуқта бўлади. Агар иккала байроқчани силкитса — бу тире ва чизик демакдир. Булар темир йўл мактабида ўқийдиган пионерлардир. Телеграф алифбесини яхши ўрганишибди. Бу бола мени билади. Қойилман! Жуда аниқ ишлаяпти! Улар ҳозир чанги саёҳатида. Юр, уларга яқинроқ борамиз. Мен улар билан гаплашиб кўраман, балки уларнинг бизга ёрдами тегар! Сен нима дейсан, ёрдами тегармикин?

— Бирилмайман...— деб жавоб берди Майсажон ишонқирамай. — Балки ёрдам беришар.

Капитан дала сумкасидан юмалоқ кумуш ранг ҳуштагини олиб, уч марта шундай қаттиқ чалдики, пионер беихтиёр ўгирилиб қаради.



Капитан Калашниковнинг фармойишлари

Капитан байроқчалар ўрнига чўнтагидан кўк катак дастру-мол ва сумкасидан бир варақ кўк қоғоз олди-да, боши устида бир-бирини кесиштириб уч марта силкитди.

Пионер ҳам ўз байроқчаси билан худди шундай ҳаракат-ни такрорлади. Бу билан икковлари ҳам музокара олиб бо-ришга тайёр эканликларини билдиришди.

— Энди қараб, қулоқ солиб тур,— деди капитан.— Ўзинг ҳам телеграф алифбесини тезроқ ўрган. Доим керак бўлади. Ҳозирча мен ҳаракат ва белгилар орқали юбораётган маълумотларнинг ҳаммасини сенга сўз билан гапириб бераман.

— Унинг қайтараётган жавобини ҳам гапириб туринг,— деб илтимос қилди Майсажон.

— Бўлмасам-чи, албатта гапириб тураман. Мана мен га-пиряпман...— Капитан қўлидаги белгиларини силкита бошлади:

«Мен капитан Калашниковман. Менинг фармонларимга қу-лоқ сол. Тайёр бўл!».

«Доим тайёрман!»— деб жавоб қайтарди пионер.

«Ана энди бизга ёрдам беринглар деб илтимос қила-ман,— деди капитан Майсажонга ва яна имо қила бошлади:— Иккита одамни топиш керак: бири — эркак, бири эса — аёл. Белгилари номаълум. Фамилияси — Измайловлар. Улар фами-лияларини яширишмайди. Уларни чанғичилар орасидан қан-дай қилиб бўлмасин топиш керак».

«Хўп бўлади. Агар топсак, кейин нима қилиш керак?»— деб имо қилди пионер.

«Штабингиз қаерда?»— белгилар ёрдамида сўради капитан.

Пионер ҳам белгилар ёрдамида қандайдир жавоб берган эди, капитан хахолаб кулиб юборди.

— Нима деди у, нима деди?— қизиқиб сўради Майсажон капитаннинг оёғидан тортқилаб.

— У...— деди капитан,— у «Штабимизнинг қаердалигини айтадиган аҳмоқлар йўқ. Бу ҳарбий сир» деб айтди.

Майсажон боладан хафа бўлди.

— Унга, сўкиш уят, деб айтинг!

— Аксинча! У тўғри қияпти,— деди кулимсираб капитан,— қараб тур, мен унга: «Яша, қойилман! Штаб ўрнашган жойингизни маълум қилманг. Уларни эски трансформатор қоровулхонаси олдига олиб боринг», дейман.

«Хўп бўлади, худди шундай қиламиз!»— деб розилик билдирди пионер.

«Шошмай тур!»— деди капитан.— Яна топшириқлар бор».

У Майсажонга мурожаат қилди:

— Биласанми, йигитча, хаёлимга қандай фикр келди? Даданг тўғри шу ерга, Москва тоғига келмаганмикан? Электричкадан бу ёни икки километрча келади. Электричка бўлса тез-тез қатнаб туради. Бу ердан эса Измайловларникига тўғри борса бўлади.

— Дадамларнинг ёнида чанғилари ҳам йўқ эди,— деди Майсажон.— Меники бўлса уларга кичкина. Унда дадамлар йиқилишлари турган гап.

— Чанғини топиши мумкин,— деди капитан.— Бу ерда чанғини омонатга беришади. Албатта шу ерда бўлиши мумкин. Агар шу ерда бўлса, албатта топамиз! Отаннинг кўриниши қанақа?

— Қанақа десамикин...— деди Майсажон.— Очиқ кўнгиллар... жудаям яхшилар... меҳрибонлар...

Майсажон дадасини кўз олдига келтирди. Ҳа, у очиқ кўнгил ва қадрдон эди... Шуларни эсларкан, Майсажон дадасини тезроқ топгиси келиб кетди.

— Қандай кийимда эди?

— Оддий кийимда. Кўзойнаклари бор.

— Тўхта. Бир бошдан гапиргин. Чанғичилар кийимидами? Ёки пальто кийганми?

— Қалта камзул кийган эдилар,— эслади Майсажон.— Момиқ жунли, жунлари узун, ранги қора. Бошларида эса сизникига ўхшаш тепаси тугмали чарм қулоқчинлари бор.

— Мана бу бошқа гап,— деди капитан ва қўлидаги кўк қо-



ғозлар билан:— Эғнида қора мўйнали калта камзули бор ва бошига чарм тугмали қулоқчин кийган гражданини қидириб топинглар, «тушунарлими?»— деб суриштирди.

«Тушунарли»,— деб жавоб берди пионер.

«Кўзойнакли, кўринишдан оқ кўнгил. Майсажон исмли ўғлини қидиряпти».

«Ўғлининг исмини яна бир қайтаринг».

«Майсажон».

«Тушунарли».

«Бу граждани ҳам ўша қоровулхона олдига олиб боринглар».

«Тушунарли».

«Бажаринглар!»

«Хўп бўлади, ўртоқ капитан!»

Пионер бир томонга қараб байроқчалар билан ҳар турли ишоралар қилган эди, шу замон унинг олдига бир неча болалар чопиб келишди.

— Мана энди иш юришиб кетади,— деди капитан.— Булар, Измайловлар у ёқда турсин, дадангни ҳам албатта топмасдан қўйишмайди. Унгача биз сен билан Москвани томоша қилиб турамыз. Мен бир жойни биламан, у ердан Москва яққол кўринади.

Москва~улуғ шаҳар

Улар яқин орадаги қорайиб кўриниб турган катта ўрмон томон йўл олдилар. Бу жойда шундай баланд қайин дарахтлари бор эдики, Майсажон шунча тикилгани билан уларнинг учини кўролмасди. Чунки у капитаннинг елкасидан йиқилиб тушиб кетишдан қўрқарди. Тўсатдан у дарахтлар орасида ҳақиқий баланд тоғни кўриб қолди. Узоқдан уни мутлақо кўриб бўлмасди — қайин дарахтлари тўсиб турарди. Бу ердан, яқиндан, у қайин дарахтидан ҳам баланд кўринарди.

Шундай тик баландликдан чанғида ҳам тушиб бўлмайди. Мабодо бирор одам тушишга уриниб кўрганда ҳам учиб тушадиган жойнинг ўзи йўқ эди: ҳамма ёқ ўрмон эди — албатта да-



рахтга урилади. Аммо шундай бўлса ҳам, бу ерга одамлар тез-тез келиб туришаркан: теварак-атрофда жуда кўп чанги излари бор эди. Тоғ тепасигача панжарали ёғоч нарвон ўрнатилган. Тоғнинг учида скамейка бор.

Капитан чангисини қорга ботирди-да, унинг ёнига таёғини қўйиб Майсажон билан бирга тоққа чиқа бошлади. Албатта Майсажон бу вақт капитаннинг елкасида эмасди. Зинапоянинг бир юз саксон поғонаси бор эди. Капитаннинг ўзи Майсажонга зўрға-зўрға етиб юрарди.

Улар юқорига чиқишгандан кейин, скамейкага жойлашиб олишди. Капитан Майсажонга дурбинни берди. Майсажон тўпа-тўғри кетган, темир йўл изини ва унда судралиб бораётган митти поездларни, паровозсиз вагонларни кўрди. Кейин дурбинда фақат бинолар, томлар, ҳамда фабрикаларнинг карнайлари кўринди. Уйлар гўё ўйинчоқлардан ҳам кичкинага ўхшарди. Лекин улар теварак-атрофни тўлдириб турарди. Улуғ Москва шаҳрининг охири қаердалигини ҳеч тушуниб бўлмасди.

Майсажон янада яхшироқ кўриш учун скамейкага чиқиб, бўйинини чўзиб қаради, ҳатто оёғининг учида туриб олди.

У дурбинни гоҳ чапга, гоҳ ўнгга буриб қарарди.

Баъзида йигирма қаватдан ҳам кўп, баланд-баланд улкан бинолар кўриниб қоларди. Улар худди кубиклардан терилган, бир хилдаги чиройли ва ёруғ биноларга ўхшарди. Гўё бир қанча шундай уйларни қатор ёнма-ён қўйиб кейин эса уларни то улкан уй ҳосил бўлгунча устма-уст теришганга ўхшарди.

— Кремлни кўряпсанми?— сўради капитан.

— Йўқ, кўрмаяпман, нуқул томлар, қувурлар, улкан бинолар кўриняпти холос.

Капитан дурбинни Майсажондан олиб, филофдан яна қандайдир найчаларни чиқарди, кейин дурбинга маҳкамлаб ўрнатиб, дурбинни Майсажонга узатди.

Майсажон шу пайт эртаклардаги каби қадимий рус шаҳрини кўрди. Унинг аррасимон деворлари қуёшда қизғиш кўринарди. Деворлар гоҳ пастликка тушиб, гоҳ юқорига кўтарилиб кетган бўлиб, қасрлар, кўшклар, миноралар ва қатор дарахтзор майдонларни ўраган эди. Олтин ранг миноралар, байроқлар ва

безаклар офтоб нурида тобланарди. Чиройли, кўркам миноралар кўкка бўй чўзган эди. Уртада деразалари сон-саноқсиз каттакон оқ қаср товланиб турарди, қасрнинг тепасида қизил байроқ ҳилпирамоқда.

Кремль ёнида Москва дарёси оқ ипак тасмага ўхшаб оқарди. Майсажон дурбиндан шу оқ тасма бўйлаб қараб борди. Оқ тасма гоҳ уйлар орасида йўқолиб кетар, гоҳ яна кўзга ташланарди. Бирдан у қандайдир бир уйнинг томида елканларини ёйган кемани кўриб қолди.

— Уртоқ капитан, ановини қаранг, ановини? Уйнинг устида кема турибди! Уни дарё музлагани учун, қиш ўтгунга қадар вақтинча қўйишганмикин?

Капитан дурбинни олиб қаради:

— Тўғри, уйнинг устида кема турибди! Шамол йўқ бўлса ҳам, бир жойда қимирламай турган бўлса ҳам, елканлари ёйилган. Аслида бундай бўлиши мумкин эмас. Тўғрими? Қани, йигитча, нимага шундай турганлигини топгин-чи?

— У ҳақиқий эмас!— дарров топди Майсажон.

— Албатта ҳақиқий эмас. Бу Москва номли канал бўйида ўрнатилган безакдир. Волга дарёсини Москва дарёси билан бирлаштирадиган канал ҳақида эшитганмисан?

— Эшитганман! Ҳатто у канал ҳақидаги ҳамма нарсани биламан. Унда сув зиналари бор. Бу зиналардан Волганинг суви Москвага келади, Москвада эса, қувурлар орқали ҳар бир уйга кириб боради.— Кейин Майсажон:— Саратовдан Москвага келадиган иссиқ газ қувурлари-чи, қаерда?— деб сўради.

— Сен, қараб турсам, кўп нарсани биларкансан,— деди капитан.— Газ қувурлари ер остида. Бунинг устига у ҳозир қор тагида қолиб кетган. Кўринмайди. Энди менинг станциямни кўриб боқин-чи.

Майсажон дурбинни станция томон тўғрилаган эди, бир нечта оқ биноларни кўрди. Бинолардан бирининг тепасида баландлиги қайин дарахтидек келадиган мўри юксалиб турарди. Бошқасидан эса электр симлари тортилган қурилмалар кетган эди.

— Сиз мана шу станцияда ишлайсизми?

— Ҳа, Директорман.

— Сиз ахир капитансиз-ку? Мен сиз ё кемага ёки, ҳеч бўлмаганда, бир рота солдатга қўмондонлик қиласиз, деб ўйлабман.

— Уруш вақтида бир батальон солдатга командирлик қилганман. Капитан эдим. Шунинг учун эски одат бўйича мени капитан деб чақиришади. Ҳозир электростанцияда директорман. Бир кун даданг билан келсанг, электрнинг қандай ҳосил бўлишини кўрсатаман.— Капитан соатига қараб қўйди:— Офтобой билан соат нечада учрашишимиз керак?

— Роппа-роса соат ўн бешда,— деб жавоб берди Майсажон.— Шундан ўн иккени олиб ташлаш керак. Демак, соат учда. Эски қоровулхона олдида... Аммо қайси қоровулхона олдидалиги эсимда йўқ.

— Трансформатор қоровулхонаси олдида. У ерда олдин трансформатор бўларди. Трансформатор худди пул майдалаб берадиган аппаратга ўхшайди: агар пул майдалаб берадиган аппаратга битта юз сўмлик берсанг, ўша юз сўмни қайтариб беради — фақат битталигича эмас, майдалаб қайтариб беради. Аммо трансформатор пул билан эмас, балки электр қуввати билан муомала қилади: унга юқори кучланишли ток келади. Ундан эса электр лампочкаларига ва электр плиталарига кетадиган оддий кучланишли ток чиқади.

Қалин ўрмонда

Капитан ва Майсажон тоғдаги зинадан ҳамон тушиб келардилар. Бирдан капитан пастга қараб тўхтади ва Майсажонга қараб бамайлихотир деди:

— Қўрқма. Секин тушавер. Йиқилиб кетмагин яна.

Капитан шундай деб зина бўйлаб пастга чопиб тушиб кетди. У бир зумда кўздан йўқолди.

Майсажон қотиб қолди. У яна бир ўзи, тагин қалин ўрмонда, ҳеч кимга номаълум бўлган тоғда қолди. Бу ерда на хушфелъ Николай Иванович, на метродаги қизил шапкали, сариқ сочлари жингалак қиз бор эди. Устига устак, уни шу аҳволдан қутқазиб учун Офтобой ҳам учрамас эди...



У капитаннинг кетидан қичқирмоқчи бўлди, лекин ўзининг қўрққанини билдириб қўймаслик учун индамади. Наҳотки капитан уни бўриларга ем қилиб ташлаб кетган бўлса, наҳотки у шунчалик ярамас одам бўлса? Ҳатто бу ерда бўрилар бўлмаган чоғда ҳам қуёнларга масхара қилиб кетиш... Йўқ, капитан уңақа одам бўлиши мумкин эмас! Наҳотки, у Майсажонни елкасида шунинг учун кўтариб юрган, шунинг учун йигитча деб эркалаган, шунинг учун электростанцияни кўрсатаман деб ваъда берган бўлса!

Зина тамом бўлди. Майсажон айнан капитан чанғиси билан чанғи ёғочларини ташлаб кетган аввалги жойнинг ўзига келиб қолди.

На чанғи, на унинг ёғочлари ва на капитаннинг ўзи бор эди. Капитан кетган.

Майсажонни ғам босди. У чуқур хўрсинди.

Лекин, шу он у ойсининг бир кун бир учувчи қиз самолётдан парашютда сакраб, ёлғиз ўзи қалин ўрмонга тушиб қолгани тўғрисидаги ҳикоясини эслади. Қизнинг атрофида ҳеч кимса йўқ эди. Ҳамма ёқ ўрмон эди. Унинг ёнида икки тахта шоколади бор экан. Аммо у ўзини йўқотиб қўймабди. У ўн икки кечаю ўн икки кундуз ўзи учган самолётини қидирибди. Чунки самолётда икки дугонаси қолган экан. Самолёт ўрмоннинг қаеригадир қўниши керак эди. Ўрмон қўрқинчли эди. Ейдиган ҳеч нарса йўқ экан. Кечалари унинг ёнига айиқлар яқинлашиб келар экан... Аммо у охири чангалзордан чиқиб, ўз самолётини қидириб топибди.

Агар катта бўлсам ана шу қаҳрамон учувчидай ботир, қатъий ва ақлли бўламан деб ўйлади Майсажон. Аммо ҳозир-чи...

Тўғри, Майсажонда ҳам шоколад бор эди. Яқин орада одамлар бўлиши керак. Ахир Москва тоғигача ва қувноқ чанғичилар учиб юрган жойгача узоқ эмас-ку. Иннайкейин, қор ҳам унчалик қалин бўлмаса керак, чанғи йўлидан юрса ҳам бўлади. Аммо қайси томонга юриш керак? Қайси йўлни танлаш керак? Йўллар шунчалик кўп эдики, кўз жимиралиб кетарди.

Анови йўл худди капитан билан бирга келишган йўлга ўхшайди. Лекин йўлга ёлғиз тушиш қўрқинчли эди.

Майсажон аввал бир оз тамадди қилиб, кейин йўлга тушишга қарор қилди. Нима бўлса бўлди. Ҳар ҳолда у ёмон одамни учратмаган бўлса керак!

У ёнидан шоколадни чиқариб, бир бўлак синдириб олди-да, қолганини беркитиб қўйди. Ҳар нарса бўлиши мумкин... ким билади дейсиз, балки ўрмонда тунашга тўғри келар.

Бирдан кимдир чақираётгандай туюлди:

— Майсажон!

У ўгирилиб қаради. Буталар шитирлаб, орасидан олмахон чиқди-ю, тезлик билан қайин дарахти. устига йўрғалаб кетди. Бу шунчалик тез бўлдики, Майсажон фақат сесканиб тушишга улгурди. Олмаҳон дарахт бутоғига ўтириб олиб, момик думини юқори кўтарди-да, ингичка овоз билан:

— Майсажон, менга ҳам бир бўлак бер!— деди.

Ажабо, наҳотки олмахон айтган бўлса. Ахир олмахонлар гапиришни билмайди-ку. Кейин у жудаям баландда ўтирган эди. Бу овоз олмахон ҳозиргина қочиб чиққан бута орасидан келди.

Майсажон бута томон тикилиб қаради. Кимдир бута орасида қимирлаётгандай туюлди. Бирдан орқа томондан — боцқа бутадан бўри овозига ўхшашроқ йўғон овоз:

— Майсажон, менга ҳам бир бўлак бер!— деди.

Шундан кейин Майсажон ўзини йўқотиб қўйди. Наҳотки, капитан уни қўрқитаётган бўлса? Ундай бўлса нега икки хил овоз эшитилди? У ўзини босиб олди-да:

— Сен ўзинг кимсан?— деб сўради.

— Мен бўриман!— деди йўғон овоз.

— Бу аҳмоқлик,— деди Майсажон қўрқмасликка ҳаракат

қилиб.— Биринчидан, бу ерда бўрилар йўқ, иккинчидан, бўрилар гапирмайдилар. Балки сен шоколад ейишни хоҳлаётгандирсан? Ма! Ол! Мени қизғанади деб ўйлаяпсанми?

— Сен кимсан?— деб сўради бўри ёки бўри овозли одам.

— Қим бўлардим! Оддий бир боламан.

— Исминг нима?

— Майсажон дейишади.

— Бошқа саволим йўқ,— деб тўнғиллади бўри.

Бирдан учинчи овоз эшитилди. Бу овоз тўғри ўрмон ичидан келарди.

— Майсажон! Ҳой йигитча!

Бу капитан эди. У тез чопган одамдай ҳарсиллаб келди.

— Иш чатоқ, йигитча! Чанғиларимизни кимдир олиб кетибди. Вой қароқчилар-эй! Мен уларни қувиб етиб олмоқчи бўлган эдим, аммо улар ҳеч қаерда кўринмайди. Эсиз... яхши чанғилар эди-да, муҳими — кечга қоламиз. Йиғилиш роса соат ўн бешда. Нима қилсам экан-а?

— Мен нима қилишни биламан!— деди Майсажон.— Юринг шу ердан пиёда кетамиз. Фақат тезроқ юрамиз. Чунки бу ер жуда ҳам зерикарли экан.

У капитаннинг қўлидан маҳкам ушлаб олди ва улар қалин қор устидан юриб кетдилар.

— Қани, дадилроқ,— деди капитан. Кейин яна:— Менга жўр бўл!— дедию ўзи биринчи бўлиб қўшиқ бошлади.

Эҳ, йўллар, йўллар!

Туманлар аро,

Бўронлар аро—

Серташвиш йўллар.

Майсажоннинг «дадаси» қўлга тушиди

Майсажон бу ашулани билмасди. Шунга қарамай у барибир қўшиққа жўр бўла бошлади.

У эндигина оғиз очган эдики, ўрмонда ҳуштак чалинди. Гўё бир неча бола бараварига чалганга ўхшарди. Бундай ҳуштакни фақат чалишни яхши биладиган болаларгина чала оладилар.

Хуштак қандай бошланган бўлса, шундай кутилмаганда тинди-қолди. Дарахтлар орқасидан бир неча киши чиқиб келди.

Улар чанғичилар кийими устидан оқ кўйлак, оқ чойшаб ва ҳатто қизларнинг кўйлаklarини кийиб олган эдилар. Кўри-нишлари жуда ғалати эди. Аммо Майсажон уларнинг баъзиларида қизил галстукларни кўриб қолиб, булар пионерлар эканини тушунди. Булар қишда оқ ниқоб киядиган разведкачилар ролини ўйнардилар.

Улар:

— Тўхта! Таслим бўлинглар! Қўлингизни кўтаринг! Қуролни ташланг!— деб қичқиришарди.

Майсажон аланглаб қаради. Орқадан ҳам болалар эмакляб келишарди. Қаршилик кўрсатиш фойдасиз эди.

Лекин Майсажон қўл кўтаришни ўзига эп кўрмади, аксинча қўлини чўнтагига чуқурроқ тиқиб олди. Агар керак бўлса, болаларнинг ўзлари чиқариб олсин.

У капитанга қаради. У ҳам қўл кўтаришни ўйламай, ҳужум қилаётганлар билан музокара бошлади:

— Бизнинг қуролимиз йўқ. Тинч кетаётган саёҳатчиларга ҳужум қилишга нима ҳақингиз бор. Қани айтинг-чи?

Шунда болалардан бири—уларнинг бошлиғи бўлса керак,— олдинга чиқди. У пальто устидан узун оқ кўйлак кийган, телпаги ҳам оқ нарса билан ўралган, кўкрагида эса ёғоч-автомат осиглиқ эди. У хириллаган овозда:

— Биз ўз штабимизнинг буйруғи ҳамда капитан Қалашниковнинг фармойишига биноан ҳаракат қилияпмиз. Аслида биз чанғи саёҳатига чиққан эдик. Лекин бирдан топшириқ олдик ва бу топшириқ ҳарбий ўйинга айланди. Майсажон исмли болани қидираётган граждани асир олиш буюрилган.

— Ундай бўлса бошқа гап,— деди капитан,— лекин мен ҳеч кимни қидираётганим йўқ-ку!

— Ундай бўлса, бу ким?— хириллаган овозда сўради йўл бошловчи бола, бармоғи билан Майсажонни кўрсатиб.— Бу худди Майсажоннинг ўзи! Унинг ўзи менга шундай деди!

Капитан ҳимоя қилишга уриниб кўрди:

- Лекин мен уни қидирмаяпман...
- Топгансиз, шунинг учун қидирмаяпсиз.
- Бу тўғри,— таслим бўла бошлади капитан.— Аммо у одам қора пўстинли камзулда бўлиши керак эди-ку...



Кимдир капитаннинг гапини кинояли бўлди:

— Бундай ҳавода пўстин камзул билан чанғида учиб ташлаган.

— Тўғри, тўғри,— деди куйиб-пишиб капитан.— Лекин у одам кўзойнакда бўлиши керак эди!

— Чўнтақларингизни бир қаранг-чи, балки, ўша кўзойнак чиқиб қолар!— деди ўша кинояли овоз.— Еки чўнтақларингизни кўзойнаксиз кўра олмайсизми?

Майсажон киноячига ботирона қараш қилди. Унинг кўзойнак тақувчилар устидан кулишга нима ҳаққи бор!

У новча, қотма, бўйни узун, бунинг устига ўзи ҳам кўзойнакли эди.

— Сен эса жирафасан!— деб қичқирди Майсажон.

— Йўқ, мен Серёжаман,— хотиржам жавоб берди бола, мутлақо хафа бўлмай.

Шу вақт капитан чўнтакларини уриб-уриб қўйди ва ҳайрон бўлиб қолди. Чунки ҳақиқатан ҳам унинг чўнтагида китоб ўқиганда тақадиган ғилофли кўзойнаги бор эди. Бундан ташқари, капитаннинг сирини бошидаги телпаги ҳам ошкор этарди. Шундай бўлгандан кейин, таслим бўлмасликка илож йўқ.

Йўл бошловчи бола хирилламаслик учун йўталиб олган бўлса ҳам барибир хирилдоқ овозда деди:

— Яна бир белгиси бор: хушфёъллик! Сиз хушфёъл эмасмисиз? Чунки Сизни асир олишаётган бўлса ҳам Сиз кулиб турибсиз!

Капитан жиддийлашди ва:

— Менинг чанғимни олиб кетишни капитан Қалашников буюрмаган-ку! Буни мен аниқ биламан, — деди даҳшат солиб.

— Биз чанғини қайтариб берамиз, — деди йўл бошловчи бола капитаннинг қулоғига, — агар қочиб кетмасликка ваъда берсангиз.

— Сўз бераман, — деди капитан.

Майсажон агар одам сўз берса, албатта, сўзининг устидан чиқиши кераклигини биларди.

Шунинг учун у капитанни қувватлаб:

— Дадам агар сўз берсалар албатта сўзларининг устидан чиқадилар, — деди.

Майсажоннинг шу гапидан кейин пионерлар биз штабнинг буйруғини аниқ бажардик: ўз ўғлини қидираётган ўша одамнинг ўзини асир олдик. Демак, у ўғлини топибди, нур устига аъло нур бўлди, деб ўйлардилар.

Пионерлар капитаннинг чанғисини келтириб беришди. Узлари бўлса, Майсажонни навбат билан елкада кўтариб борамиз деб таклиф қилишди. Аммо бу вазифани капитан уларга ишона олмасди. У Майсажонни шундай аярдики, гўё Майсажон ростдан ҳам унинг ўғлидай эди.

Шундай қилиб асирлар ўнга яқин гавдали болалар қуршовида эски трансформатор қоровулхонаси томон йўл олдилар.

— Қани, болалар, ашулага қўшилишлар, аммо сен йўл бошловчи, қўшилмай тур, акс ҳолда овозингдан бутунлай ажраласан, — деди капитан.

Ҳамма ашулага қўшилди.

Майсажон ҳам жўр бўлишга ҳаракат қилди:

Эҳ, йўллар, йўллар!
Туманлар аро,
Бўронлар аро —
Серташвиш йўллар.

Қорми, бўронми,
Эслайлик бир-бир.
Бу йўллар ахир
Унут бўларми!

Қарағайзор юрт...
Қуёш кулади...
Уғли йўлида
Она кўзи тўрт...

Тўртинчи взвод командири

Узоқдан трансформатор қоровулхонаси кўринди. Қоровулхона узоқдан худди қозиқ устига ўрнатилганга ўхшарди. Бир вақтлар Майсажон тўртта қозиққа ўрнатилган катта яшиксимон ёки учи найза томли, уйчани суратда кўрган эди. Уйчага энсизгина нарвон билан чиқиларди.

— Нимага у қозиққа ўрнатилган?— деб сўради Майсажон капитандан.


— Нимагалиги равшан,— деб жавоб берди капитан,— наҳотки, шунга ақлинг етмаса? Трансформаторга юқори кучланишли ток келади. Бирор кимса унга тегмасин учун баландроқ ўрнатганмиз.

— Ундай бўлса нега нарвонча қўйилган?— ҳайрон бўлди Майсажон.— Ҳар қандай одам ҳам нималар бўлаётганини билиш учун қизиқиб чиқиши мумкин-ку!

— Буни уларнинг ўзлари қўйган.

— «Улар» деганингиз кимлар?

— Ҳозир кўрасан.



Капитан Майсажон билан ўзини асир олган болаларни чақирди-да, шундай деди:

— Бекорга овора бўлдинглар! Таслим бўлинглар!

— Нима учун таслим бўларканмиз?— чўзиб сўради бояги кўзойнакли новча бола.

— Нима учун дейсизми,— деди капитан.— Сизларга штаб жойлашган ерни зинҳор билдирманг деб буйруқ берилган. Ана сизларнинг штабингиз!

Капитан трансформатор қоровулхонасини ва унинг ёнидаги уйчани кўрсатди. Уй тепасидаги мўридан тутун чиқарди.

— Анави сим ёғочда пулемёт ўрнатилган. У ер сизнинг кузатув пунктингиз. Пулемёт эса синган, отмайди. Телефон йўқ, қоровулхона ёнида штабингиз жойлашган, шунинг учун сизлар исиниб олгани у ерга югурасизлар. Бу етмагандек эшикда тахтачага «Штаб» деб ёзиб қўйилган. Пастроқда эса «Рухсатсиз кирилмасин», «Бегона кишиларнинг кириши ман қилинади» каби ваҳимали, аммо пухта ўйланмаган ёзувлар бор.

— Топқир экан...— деди кўзойнакли бола, капитанга фахр билан қараб.

— Хўш, нотўғрими?

— Тўғри,— шивирлади йўл бошловчи бола.— Фақат Сиз яна ҳаммасини биз гапириб бердик деб ўйламанг... Ахир ҳаммасини ўзингиз кўрдингиз-ку. Ёки аввал билгансиз. Эҳ, кўзингизни боғлаб қўйиш эсимизга келмабди!

— Ҳа,— деди капитан.— Кўзни боғлаб қўйсангиз дўрустроқ бўларди. Аммо мен сеҳргарман, керак бўлса парда орқасидан ҳам кўравераман. Мен ҳозир штабингизда нималар бўлишини олдиндан айтиб беришим мумкин: кузатувчи ҳозир нарвончадан тушиб штабга югуради.

Ростдан ҳам трансформатор қоровулхонасидаги нарвончадан бир бола тушди-да, штаб томон чопди.

Ҳамма ҳайрон қолди. Новча бола эса капитаннинг олдини тўсиб олиб, илтимос қила бошлади:

— Қани айтинг-чи, қандай қилиб билдингиз?— бу сафар у киноя билан эмас, балки ялиниб сўради.

Аммо капитан унинг ялиниб сўраётганига аҳамият бермай, топқирликда давом этди:

— Мана ҳозир штабингиздан бошлигингиз чопиб чиқади.

Худди шундай бўлди: капитан сўзини тугатиши биланоқ уйчадан узун пальто кийган пионер чопиб чиқди. Унинг қўлида байроқчалар бор эди.

— Қани, Майсажон,— деди капитан,— воқеа қандай бўлганлигини маълум қил-чи.

— Ахир мен билмайман-ку,— шивирлади Майсажон капитаннинг қулоғига энгашиб.— Мен фақат «А»— нуқта билан тире ҳамда «М»— иккита тирени эслаб қолганман холос.

— Мен сенга айтиб тураман. Қани чақир: икки қўлингни тепага қилиб уч марта кесиштир.

Майсажон шундай қилди. Штаб олдидаги пионер шу заҳотиёқ бу ҳаракатни такрорлади.

— «Чақириқ қабул қилинди»— топди Майсажон.

— Жудаям яхши,— деди капитан.— Ана энди текстни бер.— «В»— нуқта ва иккита тире...

Майсажон маълум қилди.

— «Е»— битта нуқта...

Майсажон қўлини бир марта кўтарди.

— Йўқ, бунақада жуда чўзилиб кетаркан,— деди капитан, яхшиси тушиб тур-чи. Болалар эса мен нима демоқчи бўлганимни топишсин.— У кўзойнакли ҳазилкаш болага мурожаат қилди.— Қани, мўйна камзул билан кўзойнак тўғрисидаги гапларни топадиган ҳаваскор, энди мен нима демоқчиман? «Об...»

Бола уялиб қолди. У нима жавоб беришни билолмасди.

— Қани, Серёжа, қани!— Майсажон уни гижгижлай бошлади.— Қани, Жирафажон.

Энди нима бўлишини Майсажоннинг ўзи ҳам билмасди, лекин, билишни жудаям истарди.

— Обдастами?— деб сўради бола.

— Нима учун «обдаста» бўлар экан?— ҳайрон бўлди капитан.

— Обед!— деб қичқирди кимдир.

— Йўқ, обед ҳам эмас...

Болалар яширинган сўзни бир-бирларига гал бермай топишга киришиб кетдилар.

— Обрў!

— Обкаш!

— Об-ҳаво яхши!

— Обод!

— Объект!

— Обида!

— Обжувоз!

Кимдир «Овчарка» деб қичқирди. Лекин бу «Об...» га мутлақо тўғри келмасди.

Ниҳоят Серёжа топди:

— Оби ҳаёт!

— Мана бу тўғри!— деди капитан,— аммо мен буни эмас, бошқа нарсани маълум қиляпман...— Капитан ҳар турли ишоралар қила бошлади.

— «О!»— деб қичқирди болалар, капитан биринчи ҳарфни маълум қилганда.

— «Б»!

— Қайтаряпман,— деб тушунтирди капитан.— Мана давом...— Капитан яна бир ҳарфни ишора билан кўрсатди.

— «О»!— деб қичқирди болалар.

— «Р»!

— «Я»!

— «П»!

— «М»!

— «А»!

— «Н»!

— «Оборяпман»! «Яъни олиб боряпман» — деб қичқирди қизиқчи бола.— Нега «олиб боряпман» деган сўз олдинроқ эсимга келмади-я!

Капитан давом этарди: У, Н, И, К...

— «Ун икки»!— деб қичқирди болалар. Кейин эса секингина,— «асирни...»— дейишди.— «Ун икки асирни олиб боряпман»... «Менга»... «Командирлик қилишни...» «букюринг...»

Штаб олдидаги пионер, белгилар бера бошлади: «Тўртинчи взвод командири!»

Йўл бошловчи бола штаб томон юриш учун олдинга отилди.

«Тўхта!» белгисини кўрсатди пионер.

Йўл бошловчи бола тўхтади.

Пионер яна байроқчалар билан ҳаракат қила бошлади: «Тўртинчи взводга командирлик қилиш капитан Калашниковга топширилсин».

— Шундайми!— тўсатдан бақриб юборди йўл бошловчи ва чанғисини ташлаб шартта ўғирилди.

Болалар шовқин-сурон кўтариб капитанни ўраб олишди:

— Уялмайсизми ўртоқ капитан! Нега бизни алдадингиз! Биз бу вақтнинг ичида Майсажоннинг ҳақиқий дадасини топган бўлардик!

Айниқса Серёжа қизишиб кетди.

— Мен бу одам капитан Калашников эканини дарров сезган эдим. Акс ҳолда капитан Калашников қандай фармойиш берган-бермаганлигини била олармиди?

— Жуда ҳам билардингки!— деди йўл бошловчи бола унинг сўзини бўлиб.— Мен доим кулиб турганлари учун ҳазил қилптилар деб ўйладим.

— Шошмай туринглар, оғайнилар, жанжаллашманглар!— деди капитан.— Мен сизларни алдаганим йўқ, сизлар ўз-ўзингизни алдадингизлар. Биз сизлар билан уришганимиз йўқ, шунинг учун сизларни ҳам хафа бўлиб қолишингизга йўл қўймайман. Модомики сизлар мен билан Майсажонни қидириб топа олган экансизлар. Майсажоннинг ҳақиқий дадасини ҳам агар у шу яқин атрофда бўлса, албатта топган бўлардинглар. Демак, у бу атрофда йўқ. Энди мен командирлик қиламан. Ўзимга биринчи ўринбосар қилиб йўлбошловчи ўртоғингизни тайинлайман, Майсажонни адъютант қилиб тайинлайман.

Шундан кейин капитан командирчасига гапира бошлади:

— Тўртинчи взвод, менинг команدامни эшит! Биринчи ўринбосарим, олға! Қолганлар унинг кетидан бир қатор бўлиб — марш!

Чанғичилар взводи тизилишиб, узун занжир ҳосил қилишди. Ҳаммадан орқада тўртинчи взводнинг янги командири ўзининг янги адъютантини елкасига миндириб келарди.

Штаб олдига келишлари билан капитан ҳаммага, бир сафга туринглар, деб буйруқ берди.

Пионерлар сафга туришди.

— Қани, Майсажон, қараб боқ-чи,— деди капитан,— вақтида етиб келдикмикан?— У шундай деб Майсажонга қўлидаги соатини кўрсатди.

Соатнинг кичик мили «3» рақамида турарди, каттаси эса, «12» рақамини кўрсатарди.

— Вақтида етиб келдик!— деди севиниб Майсажон.

— Тўғри,— тасдиқлади капитан.— Соат роса ўн беш. Офтобой билан лейтенант эса ҳалигача йўқ!

Шу пайт боя байроқчалар билан белгилар ёрдамида гапиршиган пионер взвод олдида пайдо бўлди. У оддий пионер эмас, пионервожатий экан. Унинг галстуги пальтоси устидан боғланган бўлиб, кўкрагида эса значоги кўриниб турарди, значок ёнида «ВЛКСМ» деб ёзилган комсомол значоги ҳам бор эди.

Майсажон олдинга чиқди-да, пионер салютини бериб, эндигина: «Тўртинчи взвод етиб келди. Буйруқ бажарилди. Асирлар қўлга олинган. Талафот йўқ»— демоқчи эди, аммо вожатий уни тўхтатди:

— Қўлингни тушир! Ахир, сен пионермисан?

— Йўқ,— деди Майсажон.— Мен пионер эмасман, адъютантман.

— Адъютант бўлсанг яна ҳам яхшироқ билишинг керак,— қатъий деди вожатий,— агар ўқувчи пионерликка қабул қилинмаган бўлса, у пионерчасига салом беришга ҳақли эмас.

Майсажон шундай ўсал бўлдики, ҳатто кўзлари бир оз ёшланди ҳам. Яна бутун взвод олдида-я!

У капитан томон ўгирилди, лекин капитан Майсажоннинг ёнини ола бошлади.

У жиддий ва ҳарбий овозда:

— Адъютант менинг буйруғимни бажаряпти. У мутлақо айбдор эмас,— деди.

— Яхши. Ундай бўлса рапорт берақол,— деди вожатий анча юмшайиб.

Майсажон рапортнинг ҳамма сўзларини тутилмасдан айтиб, охирида: «Рапорт топширилди»,— деди-да, пионер салютини берди.

Кейин орқада турган пионерларга ғурур билан қараб қўйдди. Вожатийнинг ўзи ҳам капитанга рапорт берди. Капитан рапортни қабул қилиб, салют берди-да, вожатийнинг қўлини сиқиб кўришди.

Вожатий ҳам Майсажоннинг олдига келди-да, унинг қўлини сиқиб қўйди.

Майсажоннинг чеҳраси ёришиб кетди.

Измайловлар топилди! *Измайловлар қўлга олинди!*

Шу пайт яна икки пионер чанғида етиб келди. Нафасларини ростламасданоқ улардан бири:

— Иккинчи взвод разведкаси рапорт бермоқда! Разведка бошлиғи — Андрюша, яъни мен,— деди.— Измайловлар топилди! У қизил пальто ва кўк шимда, кўкрагида ўн олти рақами ёзилган. Рафиқасида ҳам қизил пальто, бошида оқ-қизил рангли қалпоқ, икки юз йигирма тўрт рақами бор. Рапорт топширилди!

— Ие, мен уларни дурбинда кўрган эдим-ку!— деб бақариб юборди Майсажон.— Ҳа, албатта бу ўша Лёва Измайлов амакимлар! У уста чанғичи. Шоколад еб турган ўшалар эдилар! Қандай қилиб мен уларни дарров таний олмадим? Худди танишдек туюлди-ю, кимлигини кўз олдимга келтира олмадим. Энди билдим.

Капитан Калашников Андрюшадан сўради:

— Уларга бу ерда — эски қоровулхона олдида кутаётганимизни айтдингизми?

— Йўқ, айтмадик,— деди Андрюша.— Бу ҳақда бизга ҳеч ким айтгин дегани йўқ. Биз уларга тезроқ қоровулхона томонга юринглар десак, улар келмадилар. Вақтимиз йўқ, дейишди.

— Капитан Калашниковнинг буйруғи деб айтдингларми?— сабрсизлик билан деди вожатий.

— Ҳаммасини айтдик. Ҳарбий ўйин ҳақида ҳам айтдик.

— Улар-чи, нима дейишди?

— Бугун ҳарбий ўйинда иштирок этишга вақтимиз йўқ, келаси сафар албатта қатнашамиз, фақат илгарироқ огоҳлан-тириб қўйинглар,— дейишди.

— Кейин-чи?

— Кейин чанғиларини топшириб, пальтолларини кийишди-да, Москвага кетишди. Электричка яқинлашиб қолганда ҳам, илтимос қилиб кўрдик, лекин кўнишмади.

Бирдан дала томондан:

— Излаб топдик! Ушладик! Қўлга туширдик! Олиб боря-миз!— деган қаттиқ қичқариқлар эшитилди.

Икки чанғичи қичқираётган эди. Улар бир-бирини қувганча учиб келарди.

— Кимни тутдинглар?— деб бақирди уларга вожатий.

— Измайловларни!— деган жавоб эшитилди.

Андрюша ҳайрон бўлди:

— Нима, уларни булар поезддан тортиб туширишибдими?

Чанғичилар иккови ҳам вожатий олдига баравар чопиб келишиб, баравар рапорт бера бошлашди:

Учинчи взвод разведкаси рапорт бераётир!

— Измайловлар қўлга олинди!

— Тириклайин!

— Асир олинди!

— Штабга келтирилмоқда!

Вожатий уларни тўхтатди:

— Ахир биттангиз гапирсангиз-чи!

— Бўлмаса сен гапир,— деди чанғичилардан бири иккинчи-сига.— Сен олдинроқ кўргансан, сен гапир.

— Кўринишлари қандай?— сўради Измайловларни олдин-роқ қидириб топган Андрюша.

— Кўринишларидан шундай: ўттиз ёшларга борган киши ва у билан бирга етти ёшлар чамасидаги қиз бола ҳам бор.

Ҳамма баравар хахолаб кулиб юборди.

Разведкачи бола эса:

— Нимага хахолайсизлар? Бизга бирорта кампирми, жувонми тутиб келинг дейишгани йўқ-ку! Улардан: «Сиз Измайловлармисиз?»— деб сўрасак, улар бўлса: «Йўқ» — дейишди. Ўзлари эса: «Сизга улар нега керак бўлиб қолди?»— деб қизиқиб қолишди. Биз уларга Измайловлар эски трансформатор қоровулхонаси олдига боришлари керак десак, қизча: «Биз Измайловлармиз! Дадажон, бекитмай қўя қолинг! Биз Измайловлармиз!»— деб шундай қичқириб чапак чалиб юбордики. Шундан



сўнг у киши ҳам фамилияси Измайлов эканлигига иқроор бўлди. Қизча сабр қила олмади.

Вожатийнинг жаҳли чиқиб:

— Ахир улар ўз фамилияларини сир тутишмайди, деб аниқ айтган эдик-ку, сизларга!— деди.

— Улар сир тутишганлари йўқ. Ҳа, айтгандай, сир тутишди, лекин бир оз холос,— деди разведкачи бола, аммо негадир у илгаригидек хурсанд эмасди.

— Хўш, кейин-чи?

— Кейин, штабга келадиган йўлни кўрмасин учун биз уларнинг кўзларини боғладик. Улар қаршилиқ кўрсата бошлашган эди, қизча: «Қўяверинг, боғлайверишсин. Бу қайтага қизикроқ бўлади» — деб қичқирди. Ана уларни олиб келишяпти! Ҳамма ўгирилиб қаради.

Штаб жойлашган уйчанинг орқасида келаётганлар кўринди. Олдинда бир пионер палён ўтинни кўндалангига маҳкамлаб бириктирилган бир жуфт чанғини чанага ўхшатиб судраб борарди. Ана шу чанада Офтобой кўзлари боғланган ҳолда ўтирарди. У бошини орқасига қилиб олганча бурнини жийриб борарди. Унинг мўралаётганлиги билиниб турарди. Орқароқда Офтобойнинг дадаси ҳам кўзлари боғлиқ ҳолда келарди. Унинг икки ёнида икки чанғичи соқчи келарди.

Капитан Қалашников соатга қаради-да:

— Кечикяпсиз, лейтенант! Менинг соатимда ҳозир вақт ўн беш-у йигирма тўрт бўлди!— деб қичқирди.

Майсажоннинг дадаси ва ойиси

Майсажоннинг дадаси билан ойиси ўз ўғилларининг тирик ва соғ-саломат эканлигини, ҳатто шод юрганини билмасдилар. Ойисининг ранги ўчган, кўзлари ёшли, индамай ўтирарди.

Ахир, бир неча йилдан буён онаси ўз ўғлини ҳар куни кўрар, дақиқа сайин у ҳақда ўйларди. Ҳатто уйда бўлмаганда ҳам, ишда, ўқишда ҳам, ё иш юзасидан бирор ерга бораётганда ҳам барибир озгина бўлса-да уни ўйларди.

Бирдан, сира қутилмаганда бир жилмайиб қўярди. Ҳамма ундан нима учун кулдинг деб сўрарди. Даставвал бунинг сабабини унинг ўзи ҳам билмасди. Кейин эслаб қоларди: У Майсажонни чўмилтирган пайтини кўз олдига келтирган бўлар, Майсажон эса ўша пайтда аллақандай кулгили бир гапни айтган бўларди.

Ойиси Майсажон қаерда, нима иш қилаётганини, вақтида овқатландими, вақтида ювиндими, ҳамма ўйинчоқлари, китоблари ва иш асбобларини ҳар қаёққа ёйиб ташламадими — ҳар доим ҳамма-ҳаммасини биларди.

Бугун эса ўғли бутун кун бўйи йўғ-а! У бўлса ўғли ҳақида ҳеч нарса билмайди. Қани энди у боғчасида бўлса! Шунақаям хотиржам бўлардики!

Дадаси телефонда милицияга хабар қилди. Милициядаги-

лар, ўғлингизнинг йўқолганини вокзалдаёқ айтиш керак эди, шундай бўлса ҳам албатта қидириб кўрамиз дейишди.

Кейин дадаси ҳамма таниш-билишларга телефон қилди. Таниш-билишлар Майсажоннинг йўқолганини билиб, ташвишга тушиб қолишди...

Уша куни боғчада машғулотлар бўлмади. Лекин денгизчи-Вовка ва Ваня Майсажон билан бирга кечқурун ҳовлида учрашишга аллақачон келишиб қўйишган эди. Улар машҳур Володя — ҳайдовчи ўз мотоциклида кечки сайрни қандай ўтказишини кўрмоқчи бўлишди. Чунки якшанба куни, яна бунинг устига шундай очиқ ҳавода, Володянинг мотоциклда машқ қилишини улар аллақачон билишарди. Володя уларга ўз ёнида туришга ва мотоциклнинг охириги мурватигача кўришга рухсат берарди. У ҳаммасини тушунтириб берарди, ҳатто мотоциклида учуриши ҳам мумкин эди.

Улар Майсажоннинг дадасини ҳовлидан ўтаётганда кўришган эди. Шунинг учун Майсажон ҳам сайрдан қайтиб келган деб ўйлашди. Аммо у ҳовлида шу вақтгача йўқ эди.

Улар ўзлари унинг олдига боришга қарор қилдилар.

Улар «Б» корпусига бориб, зинадан олтинчи қаватга битта-битта кўтарилдилар. Чунки ҳеч ким йўқ, лифтда кимдан ҳам сўрайсан бизни чиқариб қўй деб. Аммо 68-квартира эшиги олдида иккиланиб тўхтадилар. Уларни ҳеч ким таклиф қилмаган эди-да.

— Қўнғироқ қил!— деди Вовка.

— Йўқ, сен қил,— деди Ваня.

— Нега мен қиламан?

— Сен мендан баландроқсан!

— Бунинг аҳамияти йўқ,— деди Вовка,— оёғингнинг учида турсанг бўйинг етади.

Лекин қўнғироқ қилишга Ванянинг юраги бетламади.

— Биласанми Вовка,— деди у,— балки қўнғироқ ишламас. Қел, ундан кўра тақиллатиб кўрамиз.

Улар баравар тақиллатдилар. Иккови ҳам иложи борица секин тақиллатишга ҳаракат қилди, лекин худди кимдир уларни атайин кутиб тургандай эшик дарров очилди.

Эшикдан Майсажоннинг дадаси кўринди. У олдинига бир-

пас қараб турди, кейин уларга ҳатто қўрққан каби қандайдир фалати қаради.

Кейин энгашиб, икковининг елкасидан қучоқлаб олганча уйга олиб кирди.

— Қани, гапираверинглар, болаларим, тезроқ гапиринглар! Майсажонни кўрдингларми?

— Кўрдик,—деди Вова салобат билан,— биз уни ҳар куни кўрамиз.

— Бугун-чи... Бугун кўрдингларми?

— Бугун ҳам кўрдик,— деди Ваня.

Майсажоннинг дадаси уларни қистай бошлади:

— Қачон? Қаерда?

— Мен бугун кўрганим йўқ,— деди Вова.

Ваня бўлса:

— Мен бугун сизни кўрдим. Троллейбус томонга кетаётган эдингиз. Қўлингизда Майсажоннинг чанғиси бор эди,— деди.

— Хўш, кейин-чи? Кейин?

— Кейинми, биз унинг олдига келдик.

Майсажоннинг ойиси чидай олмай уларнинг олдига чиқди.

— Биз Майсажонни олиб кетгани келган эдик,— деди иккови ҳам.

— Майсажон уйда йўқ,— деди ойиси мулоимлик билан.— Лекин у тезда келиб қолиши керак. Сизлар кираверинглар, кираверинглар. Ечининглар, ўйнаб туринглар, ҳозир чой ичамиз. Менда шундай мураббо борки... Уни Майсажон жуда яхши кўради. Ечининглар, ечининглар, у ҳозир...

Бирдан телефон жириглаб қолди. Майсажоннинг дадаси чопиб бориб, телефон трубкасини кўтарди. Бир оз эшитиб турди-да, кейин Майсажоннинг ойисига қараб:

— Милициядан гапиришяпти. Болалар хоналарининг¹ ҳаммасига телефон қилдик дейишяпти,— деди.

¹ Болалар хонаси — адашиб қолган болалар ота-онаси топилгунга қадар болалар хонасида ушлаб турилади.



— Нима деб жавоб бердингиз?

— Ҳеч қаерда йўқмиш.

— Биласизларми, болалар...— деди Майсажоннинг ойиси Вова билан Ваняга.— Майсажон йўқолиб... қолди...

У шундай деб стулга ўтирди-ю, қаттиқ йиғлаб юборди. Бунни кўриб, бақалоқ Вова билан кўк кўз Ванянинг ҳам хўрлиги келиб кўзидан ёш чиқа бошлади.

Икковлари орқаларига бурилиб чопиб кетдилар. Майсажоннинг дадаси уларнинг орқасидан югуриб зинага чиқди-да:

— Ваня! Вова! Бу ёққа келинглар,— деб чақира бошлади. Аммо болалар қаватдан-қаватга чопар эдилар. Ахири, ҳовлига югуриб чиқишди. Ҳовлида бир оз дам олиб, яна чопиб кетдилар.

— Йўл бўлсин, ўйинқароқлар?—деб сўради Маша хола болаларни тўхтатиб ва икковини қучоқлаб олди.

Маша хола болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишларди. У рўпарадан келаётган эди.

Болалар кўрган ва эшитганларининг ҳаммасини Маша холага гапириб бердилар. Маша хола Майсажоннинг ойисини юпатиш учун тездан «Б» корпусига шошилди.

Майсажоннинг дадаси шу пайт Майсажоннинг ойисига сувнчираётган, кўз ёшини тўхтатадиган дори бераётган эди. Унинг бир қўлида стакан, иккинчи қўлида дори солинган шиша бор эди.

Тўсатдан бир вақтнинг ўзида ҳам кўча эшикнинг қўнғироғи, ҳам телефон жиринглаб қолди. Уй қўнғироқ овозига тўлиб кетди. Майсажоннинг дадаси у ёқдан-бу ёққа югурарди, қўли банд бўлганлиги учун на эшикни оча олар ва на телефон трубкасини қулоғига тута оларди. Майсажоннинг ойиси эса ҳолсиз эди.

Ниҳоят қўлидаги нарсаларни стол устига қўйиш эсига келди. Кейин бориб эшикни очди. Маша хола келганди. Майсажоннинг дадаси ҳатто саломлашмади ҳам, телефонга қараб югурди. Телефон трубкасидан дағал овоз эшитилди:

— Нега телефонингиз гоҳ чивинга ўхшаб «дут... дут... дут... дут», қилиб чийиллайди, гоҳ қовоқарига ўхшаб «дуууут... дууууут... дууууут... дуууут...» қилиб гўнғиллайди, демак банд бўлмаса ҳам жавоб қайтармаяпсиз? Бу тартибдан эмас.

— Мен ҳалиги...— Майсажоннинг дадаси тушунтиришга уринаётган эди, аммо дағал овоз уни бўлди:

— Нима учун ўғлингиз ҳамда қирқинчи поликлиниканинг хушовоз хонандаси ва шоираси бўлмиш рафиқангиз билан Пролетар станциясига келмадингиз?— деди.

— Онаси ҳалиги...

— Еки пионерларнинг маслаҳатига кириб, ҳарбий ўйинга қўшилдингизми? Яхши иш қилмабсиз!

— Биз... ҳалиги...

— Мана шу гуноҳингиз учун келаси якшанба Пролетар станциясига келишга ва Москва тоғидан кўзингиз боғлангани ҳолда орқангиз билан тушишга ҳукм қилиндингиз!

Майсажоннинг дадаси бу гапларни эшитаркан, ҳеч нарсани тушунмай турарди. Гапираётган Лёва Измайлов амаки эди. У ҳазил қилаётган эди. Аммо Майсажоннинг дадасининг кўнглига ҳазил сиғмасди. Нафаси ичига тушиб, эшитилар-эшитилмас:

— Ўғлимиз йўқолиб қолди,— деди.

— Нима? Нима дедингиз? Майсажонми?— дея ташвишланиб қолди Измайлов амаки.— Биз ҳозир, ҳозир борамиз! Ҳаммасини аниқлаймиз, ҳаммасини тўғрилаймиз. Шундай ақлли бола бўла туриб бирдан йўқолиб қолса-я! Мумкин эмас. Бўлмаган гап!

Майсажон капитанникида меҳмон бўлди

Измайловлар жўнаб кетганлиги ва Москва тоғида чанғичилар орасида Майсажоннинг дадаси йўқ эканлиги маълум бўлгач, Майсажоннинг ота-онаси хавотир олмасин учун капитан билан Офтобойнинг дадаси Москвага телеграмма юборишга қарор қилдилар.

Аммо, биринчидан, Майсажоннинг дадаси ҳали уйга қайтмаган бўлиши мумкин. Унда телеграммани Майсажоннинг оини олади. Телеграммани ўқиб ҳайрон бўлиши, ҳаяжонланиши, хафа бўлиши мумкин, ҳамма қилинган ҳаракат бекорга кетади.

Иккинчидан, капитан электростанциясининг олдидаги кичкина темир йўл бекатида телеграф йўқ эди. Энг яқин телеграфга



чанғида бир соат юриш керак. Майсажонни электричкада жўнатишга қарор қилишди. Ахир уни бутун дала ва ўрмон орқали яна Пролетарскийга олиб боришнинг кераги йўқ. Майсажон келишда паровозда келган, кетишда эса электричкада кетади. Бу унинг ўзи учун жуда қизиқарли.

Электричка сбат еттида кетади. Телеграмма етиб боргунча Майсажоннинг ўзи уйга етиб боради.

Улар маслаҳатлашиб капитаннинг уйида овқатланиб олишга қарор қилишди. Чунки соат еттигача ҳали эрта эди.

Капитан электростанция қошидаги кичикроқ уйда яшарди.

Капитаннинг шундай электр плитаси бор эдики, унга бир вақтнинг ўзида бир нечта чойнак, кастрюль ва това қўйиш мумкин эди.

Товада сосиска билан тухум, бир кастрюлкада сут қўшилган қаҳва, иккинчисида эса картошка қайнарди. Капитаннинг ўзи эса чўчқа боласидек келадиган каттакон балиқни тозаларди. Фақат шўрва йўқ эди. Яширинча айтиб қўяйми, Майсажон шўрвани унча хуш кўрмас эди.

Майсажон секин сўради:

- Сен кўпроқ нимани яхши кўрасан?
- Морожнийни,— деди шивирлаб Офтобой.
- Мен ҳам...— деди Майсажон.

Капитан уларнинг суҳбатини эшита олмас эди. Аммо у пионерларга, мен сеҳргарман, ҳамма нарсани кўриб ва билиб турман, деб бекорга айтмаган эди.

У Офтобойнинг дадасига кўз қисиб қўйиб:

- Лейтенант, қани бир ишга киришинг-чи,— деди.

Офтобойнинг дадаси қуюлтирилган сутли банкани очиб, унга шакар сепилган ҳўл мевани қўшди-да, ҳаммасини электр шнурли кумуш челақчага ағдарди. Кейин у плита ёнидаги оқ эшикчани очди. Бу девор ичига ўрнатилган шкафчанинг эшиги эди. У челақчани шкафнинг ичига қўйиб, шнур учидаги вилка-

ни шкафдаги штепселга тиқиб қўйди. Челакчадаги электр ас-
боби товуш чиқариб ишлай бошлади. Шундан кейин у шкаф-
чанинг эшигини зич бекитиб, эшик ёнидаги мурватни буради.

Овқатланиб бўлишганидан кейин Офтобойнинг дадаси
шкафдан челакчани олиб, тантана билан стол устига қўйди.
Челакчанинг устини шу озгина вақт ичида момиқ қиров босиб-
ди. Челакчанинг ичида ростакам морожнийдан ҳам ширин мо-
рожний тайёр бўлибди.

Бу музлатадиган шкаф экан. Унинг ичида электр қуввати
совуқ ҳосил қилиб, шкафдаги нарсаларни музлатар экан!..

Майсажон Москвага жўнади

Хайрлашув вақти келди. Майсажон хайрлашиш олдидан
Офтобойга қараб:

— Бизникига албатта меҳмонга бор! Мен сенга темир йўли-
мизни, мўриси учтали кемани, лифт ва Мальвина исмли қўғир-
чоқни кўрсатаман,— деди.

— Хўп, Майсажон, бораман.

— Мен сенга хат ёзиб юбораман. Энди адресингни бир умр-
га эслаб қолдим: Пролетар станцияси, станция бошлиғига, Оф-
тобойга. Менинг адресим эса: Петровский боғи, Янги уйлар, «Б»
корпуси, олтинчи қават, олтмиш саккизинчи квартира.

Офтобой нима учундир чуқур хўрсинди:

— Ҳа... Қўғирчоқ Мальвинанинг сочлари эсингда бўлса,
худди «Олтин калит» эртагидаги каби кўк бўлиши керак... Се-
нинг қўғирчоғинг эса қизғиш сочли...

— Ундай бўлса, сен бизникига келгунча биз уни бўяб қўя-
миз,— деди Майсажон.— Мен энди сочни нима билан бўяш
керак эканлигини биламан, елим қўшилган ранг билан бўяш
керак экан. Аввал акварель билан бўяган эдик — бўлмади.

Офтобойнинг дадаси:

— Жуда тўғри,— деди ва жилмайди.

У қизини елкасига ўтказди-да, чанғида қор устидан сир-
паниб кетди.

Майсажон эса капитан билан электропоезд тўхтайдиган
жойга томон юришди.

Қоронғи туша бошлаган эди. Узоқда қизил, оқ чироқлар ва нақ темир йўлнинг устида каттакон оқ ёруғлик кўринди. Бу яқинлашаётган электропоезд пешанасидаги прожекторнинг нури эди.

Умуман — у ҳам бугсиз ва карнайсиз эди. Шу билан бирга у метрополитен поездига ўхшарди. У трамвайга ҳам ўхшарди. Фақат дугалар ўрнига баъзи вагонларда қовурғасимон мураккаб қурилма бор эди.

У метро поездининг товушига ўхшаш, аммо ундан узоқроқ ва баландроқ чинқиради эди.

Поезд тўхтади. Машинист ёрдамчиси тушиб, чиқиб ва тушиб кетаётган йўловчиларни кузата бошлади... Капитан, бир оғиз ҳам сўз айтмай, машинист кабинасига Майсажон билан бирга кирди.

Поезднинг олдинги ойнаси олдида машинист ўтирарди. Унинг елкасида кумуш погонлари ярқирарди. У капитанни дарров таниди.

— Салом, ўртоқ капитан!

— Салом ўртоқ техник-лейтенант, — деб жавоб берди капитан. Кейин машинистнинг қўлини қисиб: — Вася, дўстум, сенга бир илтимосим бор эди. Ахир сен ҳозир Москвага кетасан-ку? — деди.

— Ҳа, бу охириги рейс.

— Мана шу йигитчани Москвага олиб кетгин. Кейин уни айтган жойига олиб бориб қўйгин.

— Ахир кабинада бегона одамнинг бўлиши мумкин эмас-ку, ўртоқ капитан.

— Сен уни вагонга олиб кириб қўйишинг мумкин. Орқада эшигинг бор-ку? Бўптими?

— Бўпти.

— Хўп, бўлмаса.

Капитан машинистнинг қўлини яна қисди, кейин энгашиб Майсажоннинг юзларини силаб эркалади-да, вагондан чиқди.

Буларнинг ҳаммаси аллақандай қисқа вақт ичида юз берди.

Капитаннинг ўрнига кабинага машинист ёрдамчиси чиқди-да: «Кетдик» — деди. Машинист сигнал берди. Кейин у чап қўлини қўзиқоринга ўхшаш каттакон тугмага қўйиб, ўнг қўли

билан мис дастанни айлантирди. Поезд тагидан вишиллаган товуш эшитилди. Бу тормозлардан чиқаётган ҳаво эди. Тормоз колодкалари ғилдирақлардан кўчди. Машинист кўзиқоринга ўхшаш тугмани босди, моторлар гувиллаб, поезд ўрнидан кўзгалди ва борган сари тезлаша бошлади.

Машинист ёнига унинг ёрдамчиси келиб турди. Унда ҳам погони бор эди. Лекин унинг погони кумуш ранг эмас, балки қора бўлиб, кўк тасмача тортилган эди.

Олдинда семафорларнинг кўк чироқлари бирин-кетин ёнар



эди. Тезда занжирга ўхшаш қатор кўк чироқлар кўринди.

— «Йўл очиқ»,— деди машинист ёрдамчиси.

— Жуда яхши!— жавоб берди машинист.

Поезд борган сари тезлашарди.

Ҳар нарсанинг иложи бор

Майсажоннинг уйида қўнғироқ жиринглади.

Унинг дадаси билан ойиси эшикни очиш учун бараварига чопишди. Улар ҳамон Майсажон қайтади деб умид қилишарди.

Аммо Измайловлар келишган эди.

Улар Майсажоннинг йўқолгани ҳақида эълон қилдириш учун радиога боришган эди. Агар Лёва Измайлов амаки бир ишга уринса борми, уни охирига етказмай қўймайди.

У:



— Ҳозирча ҳеч гап йўқ. Радио-дагилар: ахборотни қистириб юборадиган жойнинг ўзи йўқ, «Москва ахбороти» соат бирда эшиттирилади. Соат биргача Майсажоннинг ўзи албатта топилади, деди. Топилмаса, унда радиога телефон қиламиз. Унгача иложимиз қанча, кутамиз.

— Ҳар нарсанинг иложи бор,— деди Майсажоннинг дадаси.— Мен газета редакциясига бориб, катта ҳарфлар билан: «Бола йўқолди» деб эълон бераман. Эълонда ҳаммасини бир бошдан ёзаман. Газетани ҳамма ўқийди. Агар ким ўғлимизни кўрган бўлса, бу эълонни ўқиб, албатта Майсажонни уйга келтириб қўйишга ёрдам беради.

Измайловлар поездга шошилишарди. Майсажоннинг дадаси эса, газета редакциясига шошиларди.

Дадаси Майсажоннинг ойисига қараб:

— Мен газета редакциясига бораман. Сен шу ерда ўтириб турасанми?— деди.

Ойиси секин жавоб берди:

— Майли, борақолинг. Мен шу ерда, телефоннинг олдида ўтириб тураман. Фақат кеч қолманг.

Майсажоннинг ойиси ёлғиз қолди

Майсажоннинг ойиси ёлғиз қолди. Хона жимжит эди. Фақат аҳён-аҳёнда узоқдан автомобилларнинг товуши ва вақти-вақти билан лифтнинг гувиллаши эшитиларди. Шунда ойиси бенхтиёр сесканиб тушарди. Лекин лифт уларнинг уйи олдида тўхтамас эди. Тезда лифтда ҳеч ким кўтарилмай қўйди.

Пастда ҳовлидан мотоциклнинг тариллаган овози келди. Володя қайтган эди. Майсажоннинг ойиси айвонга чиқди. Мотоциклнинг олдинги гилдираги устига ўрнатилган чироқ ёруғ ёнар эди.

— Володя! Яхши ўйнаб келдингми?— деб қичқирди Майсажоннинг ойиси.

— Жуда яхши ўйнаб келдим!— деб жавоб қайтарди Володя.— Звенигородга бориб, яна қайтиб келдим. Бекорга сиз мен билан бормадингиз! Майсажон қалай?

— У яқин-орада келиб қолади. Дадасининг ўзи олиб келгани кетди,— деди у ўзини бардам тутиб, Володяни ҳам хафа қилмасликка ҳаракат қилиб.

— Ундай бўлса, жуда яхши!— деди Володя ва машинасини гаражга — ҳовлидаги автомобиллар ва мотоцикллар учун махсус қурилган уйчага олиб кириб қўйди.

Майсажоннинг ойиси уйга қайтиб кириб, телевизорни қўйди. Телевизор ойисининг ёзув столи ёнидаги столча устида турарди.


Томга баланд қилиб ўрнатилган махсус антенна, радио тўлқинлари билан бирга, суратлар аксини ҳам қабул қилар эди. Тўғриси айтганда бу мўъжизаниннг ўзи эди.

Москванинг бир ерида концерт ёки спектакль кетяпти дейлик. Телевизордан эса бу концерт ёки спектаклни бир неча ўн ва юз километрлаб масофадан одамлар бемалол худди ўз уйида юз бераётгандай томоша қилиб эшитишарди.

Майсажон дадаси билан циркда

Майсажоннинг ойиси телевизор экранндаги пардани бир чеккага суриб қўйди. Телевизор яхши ишларди. Ойиси цирк артистларининг телевизорда кўрсатаётган хушчақчақ номерларини томоша қиларди. Цирк артистларининг тўрни таранг тортаётгани ва бу тўрга қаерданир тепадан акробатлар сакраётгани экранда кўриниб турарди. Таранг тўр акробатларни осмонга итқитиб юборар, акробатлар ҳавода чир айлалиб яна тўрга тушар ва яна юқорига отилиб чиқарди. Айниқса бир акробат, масхарабоз бўлса керак, тўрга гўё билмай сакрагандай тушар ва ҳавода сакраб юрар эди.

Томошабинлар куларди.



Телевизорда томошабинлар кўрина бошлади.

Бирдан ойиси Майсажонни дадаси билан бирга ўтирганини кўргандай бўлди. Ёки ойисига шундай туюлдимикан. Дадаси камзулининг тугмаларини ечиб юборган, кўзойнагини тўғриларкан, куларди. Майсажон дадасининг ёнида турар ва қотиб-қотиб куларди. Унинг чапак чалгани шундоққина эшитилиб турарди.

— Майсажон!—деб қичқириб юборди ойиси кучининг борича.

Аммо оператор томошабинларни кўрсатмай қўйганди.

Бир оздан кейин, томошани олиб бораётган соқоллари қирилган, узун камзулли, оқ галстук таққан, семиз одам, томоша тамом бўлганини эълон қилди.

Кейин экранда диктор қиз пайдо бўлди-да,— кўрсатувлар тамом бўлди. Навбатдаги кўрсатувимиз эртага душанба кунни, кеч соат етти-ю ўттизда бошланади,— деди. Ҳар галгидек у: «Тунингиз хайрли бўлсин ўртоқлар!»— дея жилмайганича экрандан ғойиб бўлди.

Майсажоннинг ойиси саросимага тушиб қолди. У бармоқлари билан телевизор экранини тақиллатиб диктор қизни чақирмоқчи бўлди-ю, лекин у эшитиши мумкин эмаслиги ёдига тушиб тўхтади. Чунки тақиллатаверса телевизорни бузиб қўйиш мумкин эди.

Агар Майсажон циркка борган бўлса, тезда келиб қолади

Ниночка билан Валя чиройли қизлар эди. Улар Москва телевидениеси эшиттиришларини навбат билан олиб борардилар. Москвалик барча радио-телевидение мухлислари уларни яхши танишарди, шунинг учун уларни исmlарини айтишарди, холос.

Лекин Майсажоннинг ойиси Ниночканинг Нина Владимировна эканлигини билар эди. Шунинг учун Марказий телевидение станциясига телефон қилиб у билан гаплашмоқчи бўлди. Труб-

кани қўлига олиши билан, Нина Владимировнанинг ўзи ҳам томошабинларнинг ҳаммасини кўра олмаган бўлса керак, деб ўйлаб қолди.

«Яхшиси циркка телефон қила қолай». 09 телефон номери орқали цирк телефон номерини тезда аниқлаб олди-да, циркка телефон қилди.

— Эшитаман,— деган мулоҳим товуш эшитилди.

— Циркми? Циркми? Мени эшитяпсизми?— дер эди ҳаяжонланиб Майсажоннинг ойиси.

«Давлат цирки эшитади»,— қайта эшитилди яна ўша мулоҳим овоз.

— Безовта қилганим учун кечирасиз. Томоша тамом бўлди-ми?— деб сўради Майсажоннинг ойиси.

«Соат йигирма икки-ю эллик минутда, роппа-роса белги-ланган вақтда тамом бўлди», чертиб жавоб берди овоз.

— Циркда ҳеч ким қолмадими?— сўради Майсажоннинг ойиси.

«Томошабинлардан ҳеч ким қолмади. Сизга ким керак эди?»

— Биласизми...— деб гап бошлади Майсажоннинг ойиси ий-маниб.— Циркка бугун менинг ўғлим тушганга ўхшайди, ўзи кичкинагина... Исми Майсажон. Ўзи ҳам исмига монанд.

«Бугун бизда томоша катталарга қўйилди,—деб жавоб берди. овоз энди жиддийроқ.— Агар сиз ўғлингизни ёлғиз юборган бўлсангиз...»

— Йўқ, мен ёлғиз ўзини ҳеч юбормаган бўлардим,— деди ойиси.— Дадаси билан кетган. Мен уларни телевизорда кўриб қолдим.

«Агар кўрган бўлсангиз ҳозир уйга бориб қолишади. Узоқ-да турасизми?»

— Петровский боғида.

«Ундай бўлса ярим соатларга қолмай етиб боришади. Хаво-тир олманг. Аммо мен ўғлингизни фақат болалар учун кўрса-тиладиган томошага юборишингизни маслаҳат берардим. Еки цирк томошаларини телевизорда кўрсатганингиз маъқул. Телевизоринглар бор бўлса керак? Айтгандай, телевизорда ҳам кечқурунги кўрсатувлар кеч тамом бўлади, кўрдингизми, ўзин-

гиз юбориб, ўзингиз хавотир оляпсиз. Бундан ташқари, кечқурунги томошаларга болалар тушуниши қийинроқ бўлади».

Цирк ходими шундай деб трубкани қўйди.

Редакцияда

Вақт ярим кечага яқинлашиб қолганди. Лекин Майсажоннинг дадаси газета кечаси босилишини биларди. Азонда уни автомобиллар, поездлар ва самолётларга юклашиб ҳамма шаҳарларга юборишади. Москвада эса почта бўлимларига ҳамда газета дўконларига тарқатишади. Почта бўлимларидан эса, газетага ёзилганларга уйларига обориб беришар, ёзилмаганлар эса дўконлардан сотиб олишарди.

Майсажоннинг дадаси газета редактори билан таниш эди. У редакторга ўз ташвишини гапириб берди. Аммо редактор бошини чайқатиб хўрсинди-да:

— Майсажон ҳақидаги эълонни босиб чиқаролмайман. Чунки жой йўқ. Ўзингиз биласиз-ку, олам воқеаларга тўла! Ҳаммаси муҳим, ҳаммаси қизиқ, ҳаммаси катта-катта,— деди.

— Бир иложини қилинг, Михаил Аркадьевич! Бошимга шундай кулфат тушиб қолди!— деди дадаси ва кўзлари худди ёш боланикига ўхшаб пирпираб кетди.

Редактор уни тинчлантириш учун:

— Ўғлингиз албатта топилади!— деди.

— Топилишини биламан. Ахир ўзи топилар экан деб икки қўлимни қовуштириб туришим керакми? Бирор чора ахтаришим керак-ку! Милицияда йўқ бўлса. Радиода жой йўқ бўлса, сизда мумкин бўлмаса...

Шу пайт хонага босмахона ходими кирди. Унинг қўлида босмахона бўёқлари чаплаган, ҳамма ёғига қора ҳарфлар, расмлар ва безаклар босилган катта варақ қоғоз бор эди, қоғознинг иккинчи томони оқ — ҳеч нарса босилмаган эди.

— Қўлингиздаги нима?— сўради редактор.

— «Москва темирйўлчиси»нинг намуна учун босилган нусхаси. Эртага душанба-ку. Ёдингиздан кўтарилдимми?

— Ҳа-я,— деди редактор,— ҳар гал ёдимдан чиқариб қўяман!— У Майсажоннинг дадасига мурожаат қилди:— Биз ўз

босмахонамизда Москва шаҳар темир йўлчилари учун кичкина газета ҳам босиб чиқарамиз. Уларнинг бу газетаси душанба кунлари чиқарди...— Бирдан тўхтаб қолди-да:— Тўхтанглар-чи! Ахир Майсажон темир йўлда йўқолиб қолган-ку?— деб сўради.

— Ҳа... Вокзалда...

— Бахтингиз бор экан! Темир йўлчилар уни қидириб топадилар. Мен бу масалани ҳозир келишиб оламан.

У шундай деб, «Москва темирйўлчиси» газетасининг редакторига телефон қилиб, унга Майсажон воқеасини гапириб берди. Кейин Майсажоннинг дадасига:

— Бўлган воқеани қисқача қилиб тезроқ ёзиб беринг,— деди.

Майсажоннинг дадаси столга ўтириб хабарни ёза бошлади. Редактор эса қизил қалам олиб, босишга тайёрланаётган газетанинг биринчи нусхасига доиралар, чизиқчалар, стрелкалар қўйиб чиқара бошлади. Иш орасида босмахона ходимига:

— Мана бунини майдароқ ҳарф билан теринг,— деди.— Мана бунини зичлаброқ қўйинг! Мана бу безакнинг кераги йўқ. Олиб ташланг. Мана бу ерда хато бор экан, тузатиш керак. Мана бўш жой ҳам чиқди. Қани менга материалгини беринг!

Майсажоннинг дадаси ёзган нарсасини редакторга узатди. Унда Майсажон исмли бола йўқолганлиги, кимда-ким уни кўрса, албатта Майсажоннинг дадасини ишхонасига ёки уйига телефон қилиши илтимос қилинган эди.

Редактор ёзувни тез ўқиб чиқди. Баъзи жойини ўчирди, баъзи жойига қўшди, баъзи жойини тузатди-да, деди:

— Босмахонага боринг-да, менинг номимдан шуни тезда териб, «Москва темирйўлчиси»нинг эртага чиқадиغان номерига қўйиб юборар экансизлар деб айтинг.— Кейин у материалга имзо чекиб, узатди.

Майсажоннинг дадаси варақни ва рухсатномани олиб босмахонага келди.



Соат тунги ўн икки эди...

Майсажоннинг дадаси дастлаб линотип цехига кирди. Бу ғалати ёритилган катта хона бўлиб, унинг шип томони мутлақо қоронғи эди. Электр чироқлари шундай жойлаштирилган эдики, ишлаш жуда қулай эди. Ишчи-линотипчилар ўз линотип машиналари олдида ўтирардилар. Бу машиналарда устки томони қавариб ҳарф бўлиб чиқадиган металл сатрлар қуюлади. Ана шу металл сатрлар ёнма-ён терилиб, кейин қоғозга босилади.

Майсажоннинг дадаси бўш ўтирган линотипчининг олдига бориб, ўғлининг йўқолиб қолгани ҳақидаги эълон ёзилган варақни узатди. Линотипчи варақни қия ўрнатилган кичкина столчага қўйиб, машинасининг клавишларини боса бошлади. Ҳар бир клавишда худди ёзув машинкасидаги каби биттадан ҳарф бор эди. Линотипда бир нима чиқиллаб кетди. Бирдан машинада товуши унча баланд бўлмаган қўнғироқ чалинди.


Линотипчи дастакни бурган эди, столга кумушга ўхшаш оппоқ-ярқироқ металл парчаси тушди. Бу металл парчасининг устки томонида Майсажоннинг дадаси берган эълоннинг биринчи сўзи жойлашган эди.

Майсажоннинг дадаси металл парчасини қўлига олмоқчи бўлиб ушлаган эди, металлнинг иссиқлигидан бақириб юборай деди. Чунки у жуда қизиқ кетган эди.

Линотип машинасида бундай сатрлар эриб турган металлдан қуюлади. Шу линотип ичидаги электр печка металлни эритиб беради. Шунинг учун металл парчасини дарров қўлга олиб бўлмайди, иссиқ бўлади.

Эълондаги ўн сатр икки минутда тайёр бўлди. Майсажоннинг дадаси энди бир дақиқани ҳам бекор ўтказишни истамасди.

У қўлига қўлқоп кийди-да, сатрларни олиб, боя редактор ҳузурига




ва темирйўлчиси» газетаси тайёр бўлганини айтди. Мудир, ҳавотир олманг, тезда жойларга юборилади деб, ваъда берди.

Шундан сўнг дадаси уйга, Петровский боғига жўнади.

* * *

«Б» корпусида кечаси лифт тўхтатиб қўйилган эди.

Дадаси зинадан пиёда чиқиб келар экан, хаёлига қуйидаги фикрлар келди: шу ўтган вақт ичида Майсажон уйга қайтган бўлиши мумкинми? Албатта мумкин. Масалан, уни темир йўлчилар учратиб, Пролетар станциясигача етиб олиш учун бирор-та навбатдан ташқари поезд ёки ҳатто паровозга ўтказиб юборишган бўлса-чи. Пролетар станциясидан бу ёққа келадиган



йўлни ўзи ҳам биледи. Кейин Измайловларникига борган дейлик, улар уйда йўқ. У эса ўзини йўқотиб қўймасдан, қўшниларникида пойлаган. Кечқурун Измайловлар уйга қайтиб келишса, уйда Майсажон ўтирибди. Измайловлар уни дарҳол яна Москвага олиб келишган. Ҳозир эса у уйда ухляпти. Ойиси ҳам ухляпти.

Ҳамма ёқ тинчлик, хотиржамлик.

Дадаси уларни уйғотиб юбормаслик учун ҳатто оёқ учида келиб, эшикни секин очди.

Уйда чироқ ёниқ эди.

Аммо уйда Майсажоннинг ойиси ўтирарди, холос.

У ухлмасдан ҳамон Майсажонни пойламоқда эди.

— Сиз циркда эдингизми?— сўради ойиси.

Дадаси ҳайрон бўлди, унинг юзида ҳатто ўзгариш пайдо бўлди.

— Йўқ. Мен босмахонада эдим. Мана бу «Москва темир-йўлчиси» газетасини кўряпсанми. Эртага биз албатта ҳаммасини билиб оламиз.

У Майсажоннинг ойисига босмахона бўёғи анқиб турган газетани узатди.

Ойиси бўлса:

— Мең сизни циркда Майсажон билан бирга ўтирганингизни телевизорда кўрдим. Томошабинлар орасида ўтирган эдингиз. Майсажон шунақаям кулардики.

— Битта-яримта кўзингга Майсажон бўлиб кўринган бўлса керак. Сенсиз қандай қилиб борамиз? Менсиз боришмаса керак деб ўйламадингми? Хотиржам бўл, ойиси ва тезроқ ухла. Эртага ўғилчамиз топилиб қолса керак.

Майсажон эса аллақачон Москвага келган эди

Майсажон келаётган электр поезда Москвага ўз вақтида, ҳатто жадвалдан сал илгарироқ етиб келди.

Поезд тўхташи билан перрон пассажирларга тўлиб кетди. Ҳали пассажирлар тарқаб улгурмасдан, яна поезд келди. Бу гал оддий паровозли поезд келди. Пассажирлар яна кўпайди.

Электр билан юрадиган поезд машинисти Вася ўз хўжалигини тартибга келтирарди. Ёрдамчиси эса кетди. Майсажон эса кабинанинг бурчагида тоқат билан кутарди.

Ниҳоят, машинист эшикни очиб, Майсажонни перронга олиб тушди. Нариги томондаги бошқа йўлда ҳозиргина келган поезд турарди. Улкан паровоз гўё шунча вагонларни қийналиб тортиб келиб қаттиқ чарчагандек, атрофга буғ тарқатиб, оғир пишилларди.

— Ҳа, чарчаб қолдингми?— деди киноя билан машинист Вася.

— Бизларни билиб қўй!— Кейин у Майсажонга энгашиб,

секин:— Йўлда қандай қувиб ўтиб кетганимни кўрдингми? Шунинг ҳисобига икки минут олдин келдик. Аммо ҳеч кимга айтма. Исмнинг нима эди?

— Майсажон...

— Жудаям яхши! Танишайлик бўлмаса. Майсажон ўғил бола! Менинг исмим Вася. Вася амаки десанг ҳам бўлади. Лекин бунинг кераги йўқ. Унвоним бўйича техник-лейтенантман. Маълумотим бўйича капитан Қалашниковнинг ўқувчисиман.

— Танишайлик,— деб рози бўлди Майсажон ва қўлқопини ечди-да, қўлини қисди.

— Ҳозир, мен навбатчиликни алмашаман, кейин сен билан хоҳлаган томонингга, Ойга десанг ҳам бораман,— деди Вася амаки.— Мен билан бирга Ойга учишга розимисан?

— Кейинроқ балки учарман ҳам,— деб жавоб берди Майсажон.— Бир оз катта бўлганимдан кейин. Ҳозир эса, Вася амаки, тезроқ Петровский боғига борайлик.

— Нима ҳам дердим, борсак бораверамиз,— деб рози бўлди Вася амаки.— У ер ҳам яхши жой.

— Жуда ҳам яхши жой! У ерда мени ойим кутяпти. Дадам ҳам кутаётган бўлиши мумкин. Сиз фақат, ўртоқ техник-лейтенант, бизникига борганда погонларингизни ечмаслигингизни илтимос қиламан.

Вася амаки жавоб беришга улгура олмаган ҳам эди, унинг олдига темир йўл формасидаги бир одам келди. Унинг елкасида ҳам погон бор эди. Вася амаки ҳарбийларча қотиб туриб:

— Салом, ўртоқ инженер-майор!— деди.

— Салом, ўртоқ техник-лейтенант. Гап бундоқ: сизнинг ўрингизга келадиган навбатчи касал бўлиб қолди. Биз бошқа одамни чақиргунча сиз яна бир бориб келишингизга тўғри келади.

— Хўп бўлади, ўртоқ инженер-майор! Фақат бир минутга рухсат беринг.

Вася амаки Майсажонни бир четга тортди-да:

— Чатоқ бўлди, эшитдингми?— энди бу ёғига ёрдам бера олмайман. Буйруқни ўзинг тушунасан!— деди.

— Бир ўзим ҳам кета оламан,— деди Майсажон.— Шунинг ҳам ташвиши борми!



— Қани адресингни аниқ айт-чи. Қандай борасан?

— Жуда ҳам оддий. Метрода бояги бронзадан ясалган ҳайкаллар турган станциягача бораман.

— «Революция майдони»гачами?

— Ҳа-да! У ердан троллейбусга ўтириб, Петровский боғи бекатида тушаман. Уйимиз Янги биоларнинг «Б» корпусида, олтинчи қават, олтиш саккизинчи квартира.

— Қойил! Сен билан Ойга учсак ҳам адашмас эканмиз. Йўлга пулинг борми? Ҳали анча юришинг керак.

— Бор. Мана.— Майсажон бир сўмликни кўрсатди.

— Майда эмас-ку?

— Майдалаб оламан!

— Майли, у ёнингда тураверсин. Майдалама! Мана сенга метро билан троллейбусга майда пул. Бундан ташқари яна бирор нарсага ҳам керак бўлиб қолиши мумкин.— Вася амаки шундай деб Майсажонга бир ҳовуч танга берди.

Жуда ҳам соз бўлди-да, чунки Майсажон метродаги билет берадиган автоматни яна бир марта синаб кўрмоқчи эди.

— Аммо бу пуллари мен сизга қандай қайтараман?

— Ойга бирга учган пайтимизда қайтариб берарсан!

— Эҳ-ҳе, бу қачон бўлади...— деди Майсажон. У Вася амаки ҳазил қилаётганини тушунди.— Яхшиси мен дадамдан бу пуллари капитан Калашниковга юборишни сўрайман. Капитан Калашников эса сизга беради.

Вася амаки:

— Қараб турсам жуда ақлли бола экансан. Сенга шерик бўлган одам очидан ўлмас экан,— деди хурсанд бўлиб.

Албатта, Вася амаки Майсажонни уйига кузатиб, қўйган бўларди. Аммо, на чора хайрлашишга тўғри келди. Уртоғинг касал бўлиб қолгандан кейин нима ҳам дейсан. Поездлар эса ҳар қандай ҳолда ҳам жадвал бўйича юриши керак.

Майсажон автомат — касса олдида турарди. У ёриққа ҳозиргина тўртта икки тийинлик танга ташлаб, қачон билет чиқшини кутарди.

Аммо автомат индамас, қайсарлик билан билет бермас эди. Майсажон автоматни уриб кўрди. Ҳеч нарса чиқмади.

— Нима қилиш керак?

Бировга арз қилай деса — ҳеч ким йўқ эди.

Майсажон эндигина кассир аёл ўтирган оддий кассага бориш учун чоғланган эди, ўтиб кетаётган йўловчи:

— Ҳа, йигитча, билет тиқилиб қолдими? Автоматнинг тугмасини босмайсанми,— деди.

Майсажон қутичадаги тугмани аввалроқ кўрмаган экан. Тугма ёнида: «Автомат билет бермай қолгудек бўлса тугмани босинг»,— деб ёзилган эди. У тугмани босиши билан пастга нимадир енгил жаранглаб тушди. Майсажон билетни оламан деб қўлини тиққан эди, қўлига тўртта танга чиқди. Бу ўзи ташлаган тангалар эди.

— Нима учун дарров хаёлимга келмади-я!— деди Майсажон.— Бу автомат ахир пулни ортиқ ташласанг билет бермайдику. Пулингни ўзини қайтариб беради.

Майсажон иккита икки тийинлик, битта бир тийинликни автоматга ташлаган эди, автомат дарров билетни чиқариб берди.

Янги бинолар

Майсажон «Революция майдони»га етиб келди.

Бу ерда у йўловчилар оломони орасида қолиб кетди. У ўзига таниш ҳайкалларни тузукроқ кўришга улгурмаган ҳам эди, оломон билан бирга қаергадир пастга томон тушиб кетди.

Бу оқ мрамрдан ишланган, ёруғ катта зал эди. Залнинг шипларида ўйинчилар ва созандалар тасвирланган бўлиб, бири сурнайча, бири балалайка яна кимдир қандайдир асбоб чалмоқда.. Ҳар бир ҳайкалнинг бўйи катта қўғирчоқдек келарди. Ҳайкалларнинг ҳаммаси оқ чиннидан қилинган бўлиб, тилла ҳал югуртирилган эди.

Поезд келиб тўхтади.

Қандайдир бир ўрта яшар аёл Майсажондан:

— Қаерга борасан, ўғлим?— деб сўради.

— Мен, Янги бинолар томонга боришим керак.

Аёл:

— Ундай бўлса тезроқ чиқ. Йўқса, ҳозир эшиклар беркилиб қолади,— деди-да, Майсажонни қўлидан ушлаб вагонга олиб кирди. Вагондаги пассажирлар Майсажонни қисиб аёлдан ажратиб қўйишди.

Поезд тўхташи билан Майсажон йўловчилар билан бирга беихтиёр станцияда тушиб қолди.

Бу ерда ҳеч қандай ҳайкаллар йўқ эди. Улкан бино олдидаги станциядаги каби устунлар ҳам йўқ эди. Бу ерда кумуш ёйга ўхшаш катта пештоқлар бор бўлиб, пештоқлар оралиғидаги деворлар қизил рангли тошлар билан безалган эди.

Аmmo энг қизиғи шипдаги безаклар эди.

Станциянинг ўртасида юрганлар шипга тикилишар эди.

Майсажон ҳам қарай бошлади. Майсажоннинг тепасида шипда гўё тухумсимон ваза тўнтарилиб қўйилган-у, у ўша ваза тагини кўраётгандай бўлди. Вазанинг тагида у ғаройиб расмни кўрди. Расмлар худди қимматбаҳо тошлардан қилингандай ялтирарди. Расмда Измайлов амакиникига ўхшаш қизил камзулли чанғичи тасвирланган бўлиб, гўё у чанғисида тоғдан сакрамоқчига ўхшарди. Унинг тагидан қараганинг учун, у сенга сакрамоқчи бўлаётгандай туюларди. Унинг устида эса кўм-кўк осмон тасвирланган эди.

«Афсуски, мен уни ўша пайтда чақирмадим-да,— деб ўйлади Майсажон.— Ҳа, майли! Мен уни Москва тоғида шоколад еяётганда кўрганимни ва яна мана бу шипдаги расмда кўрганларимни айтиб бераман».

Майсажон олдинроқ борган эди, кейинги вазада булутни ёриб чиқаётган самолётни кўриб қолди. Яна нарироқ борган эди, ўткир тумшукли ўзи учар планёрни, баланддан сувга сакраётган сузувчини, гуллаб турган олма новдасини ва шу новдадаги йирик қизғиш олмани кўриб қолди.

У олдинга юриб борган сайин янгидан-янги расмларни кўравериш, бўйни оғриб қолди. Бир оз дам олволиб, яна кўришни давом эттирди.

Майсажон баланд деворга гишт тераётган ишчиларни, олтин ранг бугдой ўраётган колхозчиларни, қанотига «СССР» деб ёзилган самолётларни ва ниҳоят шамолда мағрур ҳилпираётган қизил байроқни кўрди.

У яна озгина томоша қилган бўлар эди-ю, лекин уйга кетиш керак эди-да. У бошқа жойга тушиб қолганини аллақачон сезган эди. Энди энг яхшиси, «Революция майдони» станциясига қайтиб бориши керак. У ердан троллейбусга ўтирса — қараб-сизки уйда бўлади.

Поезд «Революция майдони» станцияси томонга ҳозиргина жўнаб кетди. Майсажон навбатдаги поездни «Болалик йўловчилар учун чиқиш жойи» деб ёзиб қўйилган ерда кутишга қарор қилди.

У чап томондаги баланд деворда кўриниб турган соатга қаради. Соатнинг катта мили билан кичик мили «9» рақами олдидан тўқнашиб қолди.

Шу соатнинг ёнида бошқа соатлар ҳам бор эди, аммо бу соатлар мутлақо бошқача эди. Бу соатларнинг мили ҳам, рақами ҳам йўқ эди. Тўғрироғи, рақами бор эди. Лекин қандай рақам денг.



Соатларда ёниб турувчан нуқталардан ҳосил бўлган «1» рақами бор эди. Бу катта рақамнинг атрофида эса бирин-кетин ёниб-ўчадиган кичик; 0, 5, 10, 15, 20, 25, 30, 35 каби рақамлар пайдо бўларди.

«Бу қандай соат бўлди экан?» деб ўйлади Майсажон.

Рақамлар эса ҳамон айлана бўйича бирин-кетин пайдо бўларди: 40, 45, 50, 55... Кейин ҳаммаси ғойиб бўлиб, уларнинг ўрнига нуқталардан иборат «2» рақами пайдо бўлди. Унинг атрофида яна: 5, 10, 15, 20... каби рақамлар пайдо бўла бошлади.

— Ҳой бола, ўзинг ўйнаб юрибсанми ёки бирор жойга кетяпсанми?— деган овозни эшитди Майсажон.

У орқасига қайрилиб қараган эди, аввалги та-



ниш қизга ўхшаш қизил шапкали қизни кўрди. Унинг қўлида сариқ сигнал берувчи лаппак бор эди.

— Ҳа. «Революция майдони»га боришим, у ердан эса троллейбусга ўтириб, Янги бинолар томон боришим керак.

— Ундай бўлса, ҳозир поездга ўтириб бир бекат юрганингдан кейин, поезддан тушгин-да, тепасида «Революция майдони» деган ёзуви бор ўзи юрар зинадан юқорига чиқ. Уқийини биласанми?

— Биладан;— шошилмасдан деди Майсажон.— Анави қандай соат?

— Оддий соат. Поездлар оралиғидаги вақтни кўрсатади. Бир поезд кетгандан кейин иккинчи поезд келгунча неча минут ва неча секунд вақт ўтганини белгилаб туради. Йўл четидан қочинглар!— деди у тўсатдан йўл четидаги йўловчиларга бошлиқларга ўхшаб бақириб.

Шундан кейин йўловчилар белгиланган ердан нарига ўтишмади. Фақат баъзи бир бетоқатлари поезд келмаяптимики, деб қараб қўйгани бир зумга ўтишарди.

Поезд келиши билан соатлар тўрт секундни кўрсатди. Поезд тўхташи билан соатлардаги рақамлар бараварига ўчди.

Майсажон вагонга кираркан, ўйлади: «Албатта шундай соат олиш керак. Лекин мен оладиган соат қўлга тақиладиган даражада кичкина бўлиши керак».

Поезд тўхтади.

Майсажон ҳеч янглишмай, тепасида «Революция майдони» деган ёзуви бор зинадан юқорига кўтарилган эди, худди шундай ёзувли бошқа зинани кўриб қолди. Зинадан пастга тушган эди, ўзининг эски таниш бронза ҳайкалли станциясида пайдо бўлди. Майсажон биринчи учраган одамдан:

— Янги бинолар томон бориш учун троллейбусга қаердан ўтирса бўлади? Айтиб беролмайсизми?— деб сўради.

Кўринишдан хушфезъл кўринган бу одам ҳайрон бўлди-да:

— Троллейбусга чиқиб нима қиласан? Метро қулайроқ эмасми? Юр мен билан. Мен сенга қаерда тушишингни кўрсатаман,— деди.

Майсажон Янги биноларга метрода ҳам бориш мумкинлиги-

ни билар эди. Тўғри, метродан тушганингдан кейин бир оз кўпроқ юриб бориш керак. Аммо Янги бинолар ҳамма ёқдан кўриниб тургани учун адашиб қолиши мумкин эмас.

Поезд учинчи бекатга келиб тўхташи билан Майсажоннинг ҳамроҳи:

— Мана етиб келдинг, туша қол. Троллейбусга чиқаман деб юрибсан. Метро турганда троллейбуснинг нима кераги бор!— деди.

Майсажон вагондан тушиб қолди. Станциянинг ярим доира шиплари электр нурлари билан ёритилган эди.

Чиқаверишдаги мрамр тахтада! «Улуғ Ватан уруши кунларида қурилган» деб ёзиб қўйилганди.

Майсажон станция билан хайрлашиб, уй томон йўл олди.

У зинадан кўтарилиб, кўчага чиққан эди, ҳайрон қолди. Янги бинолар жуда яқинда турарди. Майдонни кесиб ўтсанг васалом — Янги биноларнинг ҳовлисида бўласан. Бу етти қаватли улкан бинолар эди. Биноларнинг деразалари ҳам, ташқари томони ҳам ёритилган эди. Бинолар қоронғида ҳам ҳамма ёқдан кўриниб турарди.

Лекин бу Майсажонлар яшаётган Янги бинолар эмасди...

Майсажоннинг олдига милиционер келди. У қизил кантли, қорамтир-кўк шинелда эди. Елкасида қизил погонлар ярашиб турарди. Бошида юлдузи бор қоракўл телпак. Унг томонида тўппонча, чап томонида эса сумка осиглиқ эди.

Бундайлар энг қўрқинчли тартиббузарлар олдида пайдо бўлса борми, ҳар қандай тартиббузар дарров қўрқиб кетади. Аммо у Майсажон олдида турарди, Майсажон эса ҳеч ҳам қўрқмасди.

Милиционер сўради:

— Бу ерда нима қилипсан? Қаерга кетяпсан?

— Янги бинолар керак. Уйим ўша ерда,— деди Майсажон.

Милиционер:



— Бурнингнинг тўғрисида турибди-ку, кўрмаяпсанми. Майдондан ўтдинг — етдинг.

— Кўряпман... бу бошқа Янги бинолар экан. Менга Петровский боғидаги Янги бинолар керак.

— Петровский боғидаги дегин... Ундай бўлса трамвайга ўтир. Ана трамвай келяпти. Петровский боғигача боради. Пулинг борми?

— Бор.

— Олдинги эшикдан кириб, тўғри болалар учун ажратилган жойга ўтиргин! Биров бирор нарса деса, мени айтди, дегин. Трамвай тўхташ жойига яқинлашиб келарди.

Майсажон «Раҳмат!» деди-ю, трамвайга чиқишга шошилди.

Трамвай паркка боради

Трамвайнинг олди эшигидан жуда кўп одам тушарди. Ҳамма тушиб бўлгунча кутиб туриш хавотирли эди. Чунки охириги одам тушиши билан трамвай юриб кетиши мумкин. Кўпинча шундай бўлади. Юриб кетаётган трамвайга чиқиш мумкин эмас. Майсажон бунга яхши биларди. Шунинг учун орқа эшик томон чопди.

Бу ерда ҳам одам кўп эди, лекин чиқувчилар жуда кам эди. Трамвай кондуктори вагоннинг орқа томонида туриб, баланд овоз билан:

— Трамвай паркка боради! Трамвай паркка боради!— деб эълон қиларди.

«Жудаям яхши!»— деб ўйлади Майсажон ва эшик дастасига ёпишиб, вагон ичига кириб олди.

Бошқа пассажирлар паркка бормаса керак, шунинг учун вагон ичида йўловчилар кам эди. Майсажон билетга пул узатди.

— Трамвай паркка боради,— деб огоҳлантирди кондуктор.

— Мен худди паркка боришим керак,— деди Майсажон.

Бу гапдан унинг борадиган жойини яхши билиши маълум бўлди. Кондуктор унга билет берди.

У олдинга ўтиб, болалар учун ажратилган жойга борди. Бу ерда болалар йўқ эди. Катталардан кимдир унга бурчакдан жой

берди. У ўриндиққа тиззаси билан чиқиб, ойнадан томоша қилиб кета бошлади.

Ойналари шуъла сочиб турган улкан бинолар худди эртаклардаги қасрларга ўшарди. Трамвай юрган сари бинолар узоқлашиб қоронғилик ичида ғойиб бўла бошлади.

Қоронғида трамвайларнинг турли рангдаги чироқчалари (ҳар бир трамвайда ўзининг икки хил рангдаги чироқчаси бор), светофорлар, автобус ва автомобилларнинг чироқлари кўринарди. Буларнинг ҳаммаси ерга тушаётган салют шуълаларига ёки янги йил арчасининг ялт-юлт безаклари ерга сочилиб кетганга ўхшаб кўринар эди.

Майсажон арчанинг қорамтир-кўк тусли хушбўй ҳидини эслаб, нимагадир ғамгин тортди. Ойиси арчани ясатишни жуда яхши кўради. Янги йилдаги арча байрамлари ўтиб кетди. Кейингисига ҳали узоқ.

— Давлат цирки!— деб эълон қилди кондуктор. Шундан сўнг қолган пассажирлар ҳам туша бошладилар.

Майсажон катта, юмалоқ чироқлар билан ёритилган оқ иморатни кўрди. Унинг деворларида ёниб турган ҳалқага сакраётган шерлар ва таранг тортилган тўр устида ўмбалоқ ошаётган акробатлар тасвири солинган расмлар осилган эди.

«Қани энди шу томошани бир кўрсам,— ўйлади Майсажон,— ҳеч бўлмаса телевизорда кўрсам ҳам майли эди. Афсуски, ойимлар кеч ётгани рухсат бермайдилар-да!»

Майсажон телевизордаги Нинахонни, унинг ёқимли жилмайишини ҳамда иккалалари Москва тоғига елкада кетаётган вақтда Офтобой уни масхара қилганини эслаб, кулди.

Майсажоннинг тиззаси оғриб кетди. Ўриндиқ қаттиқ туюлди. У оёғини ўриндиқдан тушириб, яхшилаб ўтириб олди.

«...Ойимлар:

Ухла кўзим, пучуққинам,
Аллаё, алла.

деб қизиқ ашула айтардилар.

...Колянинг укасида эса ўргатилган зағча ҳамда ҳали ҳеч нарсага ўрганмаган оқ оёқ мушукча ва типратикан бор. Типратикан Янги биноларга кўчиб келаётганимизда ҳам ухлаб ётарди. Қизиқ, уйғонганмикан ёки ҳозир ҳам ухлаб ётганмикан?

Ана, барча ўйинчоғинг
Кўзи илинди.
Ухла сен ҳам, овунчоғим,
Ухлагин энди.

Қани энди ҳозир юмшоққина каравот бўлгандами!..»

Трамвайлар тунайдиган жой

Вагон Майсажон турадиган Петровский паркига эмас, трамвайлар паркига кетаётган экан.

Оқшом эндигина тушган бўлса ҳам, бу трамвай бошқалардан олдин ишини тамомлади. Чунки жадвал бўйича шундай белгиланган эди.

Вагон паркка кириши билан кондуктор билет пулларини кассага топширишга шошилди. Трамвай ҳайдовчи, моторни бошқарадиган калитни олиб, тушиб кетди. У ҳатто вагоннинг ичини қарамади ҳам. Иккалалари ҳам тезроқ бўшашга шошилишар эди. Чунки бугун якшанба эди. Трамвай ҳайдовчи театрга билет олиб қўйган эди. Кондуктор эса клубга ошиқарди: бугун спектаклда унинг ўзи ҳам қатнашаётган эди.

Майсажон эса вагон ичида ёнбошлаб олганча қаттиқ ухларди. Ташқаридан қараганда у кўринмасди.

* * *

Кечаси паркка трамвайлар йиғила бошлади.

Тунги навбатдаги ишчилар келишди.

Фаррош Марья Петровна вагон ичини супуриб, ойналарини артаётган эди, ухлаб ётган Майсажонни кўриб қолди.

— Ё товба! Бу қанақаси бўлди? Вагонда бола ухлаб ётибди! Ким қолдириб кетган бўлиши мумкин? Ҳой бола! Тур! Тур!

Майсажон уйқу аралаш ғулдуради:

— Ойижон, энди мен ҳеч қаерга бормайман. Фақат бир оз ухлаб олишга ружхат беринг...

Марья Петровна Майсажоннинг елкасидан ушлаб, қаттиқ силкитди.

Майсажон кўзини очган эди, кул ранг рўмолли нотаниш аёлни кўриб қолди, қўрқанидан:

— Ойи! Ойи!— деб қаттиқ қичқириб юборди.

— Қўрқма! Қўрқма!— деди мулойимлик билан Марья Петровна.— Онанг билан келаётган эдингми? Қандай қилиб у сени унутдйкин?

— Йўқ, мен ёлғиз ўзим келаётган эдим,— деди Майсажон ва пиқирлаб йиғлаб юборди.



Шу пайт хўрлиги келиб кетди. Эрталаб йўқолгани эсига тушиб, энди ҳеч ҳам ойим билан дадамни кўра олмасам керак, деб ўйлади-да:

— Уйга боргим келяпти! Ойимларнинг олдига...— деб хўнграб юборди.

Марья Петровна ярим кечада бу болани қаёққа обораман, деб ташвишга тушиб қолди.

Майсажон борган сари қаттиқроқ йиғларди.

Марья Петровна:

— Бўлди! Қўй энди, йиғлама! Эрталаб ойингни албатта топамиз. Ойингнинг исмларини биласанми?— деди.

— Би-ла-м-а-а-ан...

— Билсанг бўпти. Эрталаб туришинг билан справкалар бюросидан адресингни сўраб олиб, ойингнинг олдига обораман.

— Адресимизни ўзим ҳам биламан!— деди Майсажон алам билан.— Нима мени эсим пастми, ўз адресимни билмайман. Петровский парки, Янги бинолар, корпус...

— Вой сен-эй!— деб Майсажоннинг гапини бўлди Марья Петровна,— энди ҳамма ёқда янги бино. Эскилари ҳам янгиланяпти. Жуда ҳам эскириб қолганларини бузиб, унда яшовчи одамларни янги-янги уйларга кўчиришяпти... Юр, қўзичоғим! Менинг хонамда дам олиб тура тур!..

У шундай деб Майсажонни трамвай парки ичидан етаклаб кета бошлади.

Майсажоннинг жудаям уйқуси келарди. Лекин у вагондан тушиши билан кўз ёшлари тўхтаб, уйқуси қочиб кетди. У қатор турган трамвайларни кўриб ҳайрон қолди. Чунки у шунча вагонларни бирданига кўрмаган эди.

Вагонлар узунасига қатор бўлиб турарди.

Вагонлар турадиган жой баланд ойнали том билан ёпилган эди. Томнинг тепасида осмон қорайиб кўринарди. Аммо паркиннг ичи кундуздагидек ёруғ эди. Чунки шипларда катта-улкан чироқлар осиб қўйилганди. Чироқлар шундай нур сочар эдики, уларга тик қараб бўлмасди.

Ерда, трамвай излари орасида эса, чуқурлар қорайиб кўринарди.

Майсажон шундай чуқурларнинг бирига энгашиб қаради. Чуқур ичида бир ишчи турарди.



Ишчи:

— Олдинга бер!— деб қичқирди.

Вагон юриб, ишчининг тепасига келиб тўхтади. Майсажон нима бўларкин деб энгашиб вагон филдираклари орасидан қаради. Трамвай остида ишчи турарди. Унинг бир қўлида усти тўр сим билан қопланган электр лампа бор эди, иккинчи қўлида узун дастали болға ушлаб турарди. У гўё доктор касални эшитиб кўраётгандай, болғаси билан дукиллашиб уриб кўрмоқда эди.

— У нима қияпти?— деб сўради Майсажон.

— Механизмларни текшириб кўряпти,— деб жавоб берди Марья Петровна.— Ёрилган, ёйилиб кетган жойлари йўқми, да-

волаш, яъни созлаш керак эмасми деб текшириб чиқяпти... Юр, иссиқроқ жойга бора қолайлик, ўғлим, ётиб ухлайсан... Аксинча совқотиб, сени ҳам созлаш керак бўлиб қолади... Кейин ким айбдор — Марья Петровна айбдор бўлиб қолади. Битта болага ҳам қарай олмабсан-да, дейишади.

У Майсажонни қоровулхонага олиб борди. У ер жуда ҳам иссиқ эди. Бурчақда қоровул ўтириб олиб, папирос чекарди.

— Мана, сенга тутинган ўғил олиб келдим,— деди Марья Петровна.— Эрталабгача ётиб турсин.

— Қаердан олдинг? Еки биров трамвайда эсдан чиқариб кетибдими? Милицияга телефон қилиш керак.

— Кечаси болани милицияхоналарга судраб безовта қилишнинг нима кераги бор. Эрталабгача ухлаб турсин-чи, бир маслаҳат қилармиз.

— Нима ҳам дердим,— деб рози бўлди қоровул,— майли ётса-ётақолсин. Бугун ҳаво унчалик совуқ эмас. Шунинг учун кийимим жуда зарур бўлмайди — устимга ҳеч нарса ёпмайман. Мен уни мана бу ерга — печканинг ёнига ётқизиб қўяман.

Қоровул пўстинини печканинг ёнига тўшади.

Марья Петровна Майсажоннинг пима ва камзулини ечди. Майсажон пўстин устига ётиб, бошига камзул ва пиймани ёстиқ қилди. Марья Петровна ўзининг катта иссиқ рўмолини унинг устига ёпиб: «Хўп, ухла!»— деди-да, қоровулхонадан кетди.

Қоровул ҳам яхши экан

Майсажон қоровул амаки билан бир ўзи қолгандан кейин, ўзича гапириб ётди:

— Паровоз пар ёрдамида юради. Электровоз электр тоқлари ёрдамида юради. Трамвайлар эса қандай қилиб юради?

Майсажон кўзини очди. Қоровул унга қараб жилмайди.

— Ҳа, ўғлим, бегона жойда уйқинг келмаяптими? Ётган жойингда ўзингга гапириб ётибсан.

— Трамвайлар қандай қилиб юради, деб ўйлаяпман.

— Трамвайми? Мен сенга айтиб бераман. Қандай қилиб юришини худди қишлоғимдаги кулбам каби яхши биламан де-



сам бўлади. Вагондаги моторидан тортиб тепасидаги ёйигача ҳаммасини текшириб чиққанман. Трамвай электр қуввати билан юради. Электростанциядан симлар орқали қувват келади. Трамвай тепасида дуга яъни камон бор. Қувват ана шу камондан моторга, кейин темир изларга ўтади. Шундан кейин мотор ғилдиракларни айлантиради. Трамвай ҳайдовчи олдинда туради. Унинг олдида кўринишдан кичик шкафчага ўхшаш аппарат ўрнатилган. Бу аппарат «контролёр» деб аталади. Ҳайдовчи дастани бурайди. Дастани қанчалик кўп бураса, трамвай шунчалик тез юради. Дастани тескари бураса, қувват моторга тушмайди, трамвай тепаликка юриб кетади. Бундай пайтда ўша заҳоти тормозни босиш керак. Гоҳи қувват бўлмаса ҳам, трамвай тўхтамай қолиши мумкин. Шунда хаёл сурмай, дарров тўхтатиш зарур.

Майсажон қизиқиб қолди:

— Троллейбуслар-чи, троллейбуслар қандай қилиб юради?— сўради Майсажон.

— Троллейбус ҳам худди трамвайга ўхшайди. Фақат унинг тепасида камон ўрнига иккита темир таёғи бор. Қувват биридан моторга тушади, иккинчисидан эса қайтиб кетади. Унга изларнинг кераги йўқ, эндиликда йўлларимиз текис. Рулни қайси томонга бурасанг, ўша томонга-юраверади. Фақат темир таёқлари симдан чиқиб кетмаса бас.

— Метрода эса поезд қандай қилиб юради? Унинг ёйи ҳам, темири ҳам йўқ-ку, фақат излари бор холос.

Қоровул амаки яхши одам эди. У суҳбатлашишни яхши кўрарди. Шунинг учун Майсажоннинг ҳамма саволларига жондили билан жавоб берарди.

— Фақат излари бор холос деб, тўғри айтдинг. Аммо унда учинчи из ҳам бор. Электр қуввати ана ўша издан худди симдан юргандек юради. У ён томонда жойлашган бўлиб, ёғоч қути билан ёпилган. Учинчи изда жуда катта қувват бор! Қутичанинг устида, масалан, калишсиз туриб бўлмайди. У ерда ишлаган вақтда ҳам резина қўлқоп кийиб ишлаш керак. Камон ўр-

нига у ерда белкуракка ўхшаш панжа бор. Панжа учинчи из бўйлаб сирпаниб юради ва қувват у ердан моторга ўтади.

— Э-э, шунақа денг ҳали?— деди Майсажон.— Мен ҳатто ўйламаган эдим...

— Шунақа,— деб тасдиқлади чол.— Сен менинг қоровуллимга қарама. Мен илгари моторни тузатувчи слесарга ёрдамчи бўлиб ишлаганман. «Шавкатли меҳнати учун» ва «Москва-ни мудофаа қилгани учун» медалларим бор. Чап қўлим билан чап оёғим яхши ишламайди. Сабаби: фашист газандалари шу ерга бэмба ташлашган. Олдин бу жойда дам олиш хоналари ва устахоналар бўлар эди. Энди бўлса, сен кўриб турган шу қоровулхона турибди. Устахоналар эса, ана ёнма-ён. Янги қурилган. Аввалгисидан ҳам яхши. Сен уруш вақтида қаерда эдинг? Эки кичкинамисан, урушни эслай олмайсанми? Ия, ухлаб қолдингми? Ҳой йигитча!

Аммо Майсажон аллақачон ухлаб қолган эди.

Қоровулхонада электр печка турар ва у қизиб кетгандан худди алла айтаётгандек секингина гувилларди. Печкадан чиққан иссиқ ҳаво Майсажоннинг юзларини сийпаларди. Пўстин юмшоқ эди...

Майсажон аллақачон ухлаган, ҳатто хуррак ҳам отарди.

* * *

Эрта тонгда Марья Петровна Майсажонни уйғотди.

Унинг тургиси келмасди. Лекин дадаси билан ойисини эслаб, уйқуси қочди. Улар ҳозир усиз нима қилаётганикин-а? Ойиси жудаям хавотир олаётган бўлса керак.

У Марья Петровнага:

— Холажон, тезроқ ойимнинг олдига борайлик!— деди.

Марья Петровна эса:

— Бир оз сабр қил, ҳозир борамиз. Сен мени Марья Петровна эканлигимни ҳақиқатдан ҳам эсингдан чиқариб қўйганга ўхшайсан. Бўталоғим, справкалар бюросисиз ишимиз тўғри бўлмайдиган кўринади. Бюро эса, ҳали очилгани йўқ. Чой ҳам ичиб олиш керак.


Қоровул амаки плитадан чойнакни олиб, ўртага стакан, қанд ва тешиккулчалар қўйди. Марья Петровна ва Майсажон чой ичиб бўлиб, кейин йўлга тушишди.

Эрталаб

Трамвай парки ташқаридан оддий уч қаватли биноларга ўхшарди. Лекин унинг қаватлари, дераза ва эшиклари йўқ эди. Дераза ўрнида ойнали том ва эшик ўрнида бир нечта дарвозалар бўлиб, паркдан тўхтовсиз трамвайлар чиқиб, ҳар томонга тарқаб кетишарди. Уларни бекатларда одамлар пойлаб турарди, шунинг учун вагонлар тезда тўлиб кетарди. Одамлар ишга шошилишарди.

Марья Петровна ва Майсажон майдонга чиқишди.

Кечаси қор ёққан эди, шунинг учун майдонда бир нечта қор



тозаловчи машиналар ишларди. Биттаси асфальтда музлаб қолган қорни сидирар, иккинчиси бир жойга тўплар, учинчиси эса машинага ортарди.

Тўсатдан Майсажоннинг қулоғи остида гудок товуши эшитилди. Майсажон тезда четга ўтди. Лекин четга ўтишнинг ҳожати йўқ эди. Чунки у йўлкада турарди.

Усти берк юк машинаси йўлка яқинига келиб тўхтади. Кетига кичикроқ иккита юк машинаси уланган эди. Катта юк машинасига «Нон», кичикроқларига эса «Булка маҳсулотлари» ва «Кондитер моллари» деб ёзилган эди.

Катта машинадан бир киши тушди-да, кичик машиналарни ажратди. Кичик машиналарда ойнали деразалар бўлиб, ундан машина ичида ўтирган оқ халатли соғувчилар кўринарди. Бу ғилдиракли дўконлар экан. Уларда мотор бўлмагани учун қаерга қўйилса, шу ерда турарди.

Майсажон чўнтагига қўл солди. Унинг чўнтагида пичоқчаси билан янги бир сўмлик пули бор эди. Бундан ташқари, яна унинг ёнида Вася амакининг берган пулидан анчагина қолган эди.

Майсажон бу ажойиб дўконнинг олдига бориб, ундан қўғирчоққа ўхшаш иккита конфет ва иккита ялпизли пряник харид қилди. Учтадан харид қилса ҳам бўлар эди-ку, ammo Офтобой узоқда эди. Ҳозир ўзи ва Марья Петровна бор эди.

— Марҳамат, олинг, Марья Петровна,— деди Майсажон.

Марья Петровна бошлаб олгиси келмади, кейин Майсажонга меҳр билан қараб, нима учундир бошини чайқади-да, олди. Ammo емасдан рўмолига ўраб қўйди. Балки Марья хола бировни меҳмон қилмоқчи бўлгандир.

Трамвай келиб тўхтади. Марья Петровна олд томонидан Майсажонни вагонга олиб чиқди.

Трамвай ҳайдовчи:

— Ҳой, болалик опа, вагон ичкарасига ўтинг! Бу ерда туриш мумкин эмас,— деди.

Марья Петровна кичкинагина ялтироқ рақамни кўрсатиб.

— Мен ҳам шу соҳаданман. Йигитча мен билан,— деди.

Кейин ортиқ гаплашишмади.

Улар баланд бинолар жойлашган кенг кўчада боришарди.

Йўл-йўлакай пушти ранг, ҳаво ранг, сариқ, кул ранг бинолар кўзга ташланарди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос чиройли эди. Биноларнинг бирида — ҳар хил рангдаги ярқироқ гиштлар, иккинчисида — оқ ҳайкаллар, учинчисида — гиштли ваза, тўртинчисининг деразаси олдида устунли айвончалар бор эди...

Трамвайнинг олд томонида трамвай ҳайдовчиси чап қўли билан бошқариш дастасини гоҳ у томон, гоҳ бу томонга бурарди. Унг қўли билан эса:

КАЗАНЦЕВ ТОРМОЗИ

ёзувли мис дастани бурар эди.

Шунда трамвайнинг «Жилинг-жилинг-жилинг...» деган қаттиқ жарангдор товуши ёки «вш-ш-ш-ш-ш...» деган вишиллаган товуш эшитиларди.

Марья Петровна Майсажонга:

— Юр, биз тушишимиз керак. Хув анави будкачани кўряп-санми, ўша справкалар бюроси яъни маълумотхона, сўраган нарсангни маълум қилади,— деди.

Улар трамвай зинасидан тушишлари билан Майсажон гап бошлади:

— Марья Петровна! Трамвайнинг қўнғироғи қанақа қилиб жиринглайди?

— Билмайман, ўғлим,— деб жавоб берди Марья Петровна.— Мен оддий фаррошман, холос. Сен яхши ўқигин, шунда дунёдаги ҳамма нарсани билиб оласан.

Справка бюросининг сеҳрлари

Улар справка будкаси олдига боришди. Будканинг дарчаси берк эди. Ойнанинг ёригидан будканинг ичида будка мудирининг газета ўқиб ўтиргани кўриниб турарди. Яхшироқ ўқиш учун икки жуфт кўзойнак тақиб олганди.

Марья Петровна ҳам, Майсажон ҳам нима қилиш кераклигини билмасди. Дарчани тақиллатишга уялишди. Улар:

БУ ЕРДА МОСКВА ШАҲРИДА ЯШОВЧИ ИСТА-
ГАН ОДАМИНГИЗНИНГ АДРЕСИНИ БИЛИШ
МУМКИН

деган эълонни ўқишди.

Аммо бунинг учун нима қилиш кераклиги ва нимадан бош-лаш кераклиги ёзилмаган эди.

Бир оз вақт ўтди.

Ниҳоят мудир газетани бир чет-га қўйди-да, кўзойнагининг биттаси-ни пешанасига кўтариб қўйди. У ат-рофга аланглаб, Марья Петровнани кўрди-да, дарчани очди.

— Сизга нима керак, граждан-ка?— деб сўради.

— Сиздан мана шу «Петровский боғи, Янги бинолар, «Б» корпуси» деган адресни тўғри ёки тўғри эмас-



лигини билса бўладими? Чунки ҳозир ҳамма ёқда янги бинолар. Мен тўғрилигига ишонмай турибман,— деди Марья Петровна.

— Ҳозир, гражданка, аниқ жавоб оласиз,— деди мудир ва бурнига иккинчи кўзойнагини ҳам суриб, олдига қалин китобни қўйди.

У китобнинг катта-катта бетларини варақлай бошлади. Китобнинг ҳар бир бетида нималардир босилган, сиёҳ билан ёзилган ва алоҳида варақлар ёпиштирилган эди.

— Отажон, сиз керакли жавобни топгунингизча бола совуқ қотади-ку,— деди Марья Петровна.— Кўрмаяпсизми, бир жойда туролмаяпти. Ота-онасидан адашиб қолибди.

— Боланинг ўзи қани?— Қария иккинчи кўзойнагини пешанасига суриб қўйди-да, ойнанинг нарёғига қараган эди, Майсажонни кўриб қолди.— Қайси бола? Шу болами? Шундай демайсизми, бу бошқа гап! Нега шуни аввалроқ айтмадингиз!

У олдига бир туп газеталарни қўйди-да, орасидан тезда «Москва темирўлчиси» газетасини қидириб топди ва уни газеталарнинг энг устига қўйди.

— Мана!— У бармоғи билан газета бурчагидаги «Бола йўқолди» деган жойини кўрсатди,— қани, йигитча, яқинроқ кел-чи! Майсажон дарчага яқин борди.

— Газетада босилган хабардаги бола сенми ёки бошқами аниқлаш зарур. Биласанми, менда тўғри ва текширилган маълумот бериш одати бор. Исминг нима?

— Майсажон.

— Тўғри. Кейин мана бу ерда телефонларнинг номерлари бор. Бири уйники, иккинчиси эса ишхонанинг телефон номери. Қани уйлариингнинг телефон номерини айтиб боқ-чи? Шундай кап-катта бола уйнинг телефон номерини билмаслиги мумкин эмас.

— Номеримиз: У, уч, ўн етти, юз.

— Нотўғри айтяпсан!— деди мудир.

Майсажон уялиб кетди.

— Озгина янглишган бўлишим мумкин. Чунки уйга ҳали ҳеч телефон қилмагандим. Боғчада фақат бир марта қўнғироқ қилишга рухсат беришганди. Кейин телефон олдига яқинлаштирамай қўйишди. Қолянинг укасиникида эса телефон йўқ. Унда

фақат ўргатилган зағча ва типратикан бор... Яна турли хил гуллар ва ўсимликлар...

Қария уни тўхтатди:

— Буларни менга кейинроқ гапириб берарсан. Ҳозир сен нима учун ғалати — У, уч, ўн етти, юз номерли телефонни эслаб қолдинг?

— Ҳечам ғалати эмас, — деди Майсажон. — «У» — бу уй дегани: уч — бу менинг боғчага борган вақтдаги ёшим, ўн етти — бу мен мактабни тамомлаганимда ёшим нечада бўлиши, юз — бу қариганимдаги ёшим.

— Ундай бўлса ҳаммаси тўғри. Лекин сен бир умрга ўз уйингнинг мана бу Д-4168—68 телефон номерини сақлаб қол, — деди мудир.

— Сиз унинг уй адресини айтинг, — деди Марья Петровна ялингандай бўлиб, — болани қийнамай қўя қолинг.

Қария кўзойнақларининг биттасини пешанасига суриб қўйди-да, бошқа кўзойнагининг тепасидан Марья Петровнага қаради:

— Адреснинг нима кераги бор? Бизнинг ишда тезкорлик керак, синглим, тезкорлик. Ҳозир унинг дадаси ишлаётган жойга телефон қиламиз.

У шундай деб телефон трубкасини кўтарди.

Нахотки Майсажон яна йўқолган бўлса...

Майсажоннинг дадаси ўз кабинетида хафа бўлиб ўтирарди. Улар туни билан бирор хабар келиб қолармикан деб, ухламай чиқишди.

Шундай бўлса ҳам дадаси эрталаб ишга борди. Ойиси эса, уйда касал бўлиб қолди.

Дадаси каттагина заводда инженер-технолог бўлиб ишларди. У дастгоҳларни ва машиналарни қандай ўрнатиш, ишни нимадан бошлаш, буюмларни қачон чархлаш, қанча ва қачон қизитиш, қачон ва қанча вақтгача ўткирлаш каби йўл-йўриқларни берар эди. Ўзи эса иш янада тез ва яхши кетиши учун турли хил мосламаларни ўйлаб топарди. У ишдан ташқари вақтларда ҳам мана шулар ҳақида ўйлагани-ўйлаган эди.

Бугун эса хаёлини ҳеч бир жойга тўплай олмасди. У нимага уринмасин, ўғли ҳақидаги хаёллар ишлашга халақит берарди.

У ўзини тутиб ололмас эди.

Дадасининг ишхонасидагилар Майсажоннинг йўқолиб қолганини аллақачон билишган эди. Ҳамма дадасига ачишиб, ўғли қаерда қолдйкин, деб ўйлашарди. Бирлари, болангиз албатта топилади дейишса, бошқа бирлари индашмас, лекин биргалашиб ташвиш тортишарди.

Тўсатдан телефон жиринглаб қолди.

Дадаси телефонни олиши билан:

— Ўғлингиз топилди. Ҳозироқ Пушкин майдонига етиб келинг. Бу ерга трамвай, троллейбуслар, автобус ва метро орқали келиш мумкин. «Овчилар қатори» бекатидан Горький кўчаси бўйлаб юқорига кўтариласиз; «Маяковский майдони» бекатидан Горький кўчаси бўйлаб пастга тушасиз, тушунарлими?— деган гапни эшитди.

— Тушунарли...— деб ғулдуради дадаси.— Аммо шундай бўлса ҳам айтинг-чи, ўзи қаерда?

— У справка бюроси олдида, кул ранг рўмолли гражданка билан бирга турибди.

— Илтимос, қўйиб юборманг!— ҳаяжонланиб деди дадаси.— Агар малоллик келмаса, ундан бир зум ҳам кўзингизни узманг!

Хизматчилар дадаси ўтирган кабинет томон ўгирилиб, диққат билан қулоқ солишарди. Дадаси телефон трубкасини қўйиши билан ҳамма ўрнидан сакраб туриб, уни ўраб олди:

— Нима бўлибди?

— Наҳотки топилган бўлса?

— Мен айтган эдим-ку!

Дадаси ўрнидан туриб:

— Ўз кўзим билан кўрмагунимча ҳеч нима деёлмайман,— деди.

У тезда пальто ва шляпасини олиб, зинадан пастга югурди. Справка бюросининг мудири айтган йўлларнинг ҳеч бири дадасига тўғри келмас эди. Чунки дадаси ишлаётган ишхона Москвадан ташқарида, шаҳардан узоқда жойлашган эди. Лекин за-



воддан Пушкин майдонигача заводнинг автобуслари қатнарни. Улар йўлда тўхтамади.

Дадаси автобусга чопиб чиқди. У пальтосининг бир енгини кийишга улгурмаган, шошганидан калиш кийишни унутган ва бировнинг шляпасини кийиб олган эди. Автобусга чиққандан кейингина нафасини ростлаб олди. Аммо унинг юраги ҳамон дукуллаб урарди. Уғлини тезроқ кўргиси келарди. Автобус ша-

ҳар кўчаларидан кетиб борарди.

Автобус Пушкин майдонига эмас, балки бошқа томонга кетаётганини дадаси бирдан сезиб қолиб, кондукторга отилди:

— Айтинг-чи, кондуктор, қаёққа кетяпмиз?

— Бензин олгани кетяпмиз.

— Нима учун бензинга? Қанақа бензинга? Нима учун Пушкин майдонигача билет бериб, бензинга борасизлар?

— Аввал ҳайдовчи ойнасидаги эълонни ўқисангиз бўларди,— деди кондуктор.— Автобусга чопиб чиққанингиз учун ўша томонга борар экансиз, деб ўйлаб индамай қўя қолган эдим. У томонга машиналар кам юради. Жарима олишим керак эди, аядим. Лекин сиз хавотир олманг, гражданин! Автобус сиз билет олган жойгача боради.

Майсажоннинг дадаси:

— Хавотир олаётганим йўқ,— деб эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, лекин ёлғон гапираётганини сезиб ўша замон индамай қолди.

— Бензинсиз барибир ҳеч қаёққа боролмайсиз,— деди гапида давом этиб кондуктор.— Бензин мамлакатимизга жуда кўп керак бўлади, шунинг учун бензинни тежаймиз. Биз эрталабдан бери кечаги тежаб қолган бензинимизни ишлатяпмиз. Бизнинг бригадамиз бензинни тежашда биринчиликини олди. Буни тушуниш керак! Сиз бўлсангиз «Нима учун бензинга борасиз?» «Қанақа бензинга?» деб хавотир оляпсиз.

Шу вақт автобус кичкина майдончада тўхтади.

Бу ерда тўрт томони ойнавонлик уйча турарди. Уйчанинг

олдида эса тепасида юмалоқ шар ўрнатилган устун бўлиб, «Бензин» деб ёзиб қўйилган эди.

Уйчанинг олдида «Москвич», «Победа» ва бошқа турли машиналар навбат кутиб турарди. Ҳатто битта сув сепадиган машина ҳам турарди.

Аммо автобус бензин оладиган жойга навбатсиз келди. Шофёр тушиб, автобус орқасидаги темир бак олдида борди. У бакнинг мис қопқоғини бураб очди-да, бензин колонка хизматчисидан шлангни олиб, бакка тўғрилади. Хизматчи дагани бураши билан устундаги шарда бензин қайнаб, автобус бакига қуйила бошлади. Шардаги рақам 40 бўлиши билан шофёр, «бўлди!»— деб қичқирди.

Кейин у моторни гоҳ юргизиб, гоҳ тўхтатиб текшира бошлади. Майсажоннинг дадаси буни кўриб тоқатсизлана бошлади. У шофёр олдида келиб, тезроқ ҳайдашни илтимос қилди.

— Ҳечқиси йўқ, улгурасиз,— деб жавоб берди шофёр.— Биз жадвал бўйича ишлаймиз. Бу ерда йўқотган вақтимизни, йўлда тез юриб чиқариб оламиз.

Ниҳоят шофёр ўз жойига ўтириб, сигнал берди.

Пассажирлар жойларига ўтириб олиши билан автобус ўрнидан қўзғалди.

* * *

Справка бюроси узоқдан кўринарди. Справка бюроси олдида одамлар гавжум эди. Дадаси чопиб келди-да, одамларни туртиб, Майсажонни излай бошлади.

Майсажон ҳам, кул ранг рўмолли хотин ҳам йўқ эди.

Дадаси одамлардан кечирим сўраб, баланд овоз билан:

— Гражданлар, кул ранг рўмолли хотин билан болани ҳеч ким кўрмадимиз?— деб сўради.— Ўзи кичкина, исми Майсажон!

Навбатда турган қандайдир бир одам ҳамманинг номидан:

— Йўқ, кўрмадик,— деди.

Дадасининг юраги орқасига тортиб кетди.

Ҳали олдинда жуда кўп саргузаштлар бор

— Тўхтанг, тўхтанг-чи...— деди мўйнали чопон кийган, қўлида портфель ушлаб турган одам.— Менимча улар телефон

автомат будкасида бўлса керак. Мен ҳозир уларга Д 4—18—68 номерни териб бердим.

Телефон-автомат справка бюросининг шундоққина ёнгинасида эди.

Дадаси телефон-автомат будкаси олдига бориши билан ўғли Майсажонни кўриб қолди, Майсажон телефонда гаплашарди.

У дадасини кўриши билан телефон трубкасини Марья Петровнага бериб, будкадан чопиб чиқди.

Дадаси Майсажонни кўтариб олди, Майсажон эса дадасининг бўйнидан қучоқлаб олди.

Улар аввалига бир оз жим қолдилар.

Марья Петровна уларнинг ёнида турар ва дастрўмоли билан ҳадеб кўз ёшларини артарди.

Ниҳоят Майсажон:

— Дадажон, шунча узоқ вақт қаерларда қолиб кетдингиз? Мен сизни кутавердим, кутавердим. Сиз бўлсангиз... ҳадеганда келавермадингиз. Мен совуқ қотиб кетдим. Сиз бевақт адашиб қолдингиз. Шундай қизиқ воқеалар бўлдики, мен ҳозир ойим билан гаплашдим. Ойимлар соғ-саломат эканлар, фақат менсиз анча зерикиб қолибдилар. Мен уларга қайин новдасидан олиб келдим,— деди.

Дадаси Марья Петровна билан хайрлашар экан, унга миннатдорчилик билдириб, кўпдан-кўп раҳматлар айтди. Майсажон ҳам хайрлашди. Кейин улар троллейбусга ўтириб, уйга — Петровский боғи томон йўл олишди.

Йўлда ота-бола ўз бошидан кечирганларини бир-бирларига гапириб беришди.

Майсажон:

— Биз Офтобойни меҳмонга чақирамизми? Мен унга ваъда берган эдим,— деб сўрарди.

— Албатта чақирамиз,— дерди дадаси.

— Капитанни-чи?

— Бўлмасам-чи! Уни биринчи навбатда.

— Николай Ивановични-чи?

— Николай Ивановични ҳам чақирамиз.

— Дада, мен троллейбуснинг нима билан юришини билмаман.

— Жудаям яхши-да.

— Дада, мен трамвайлар тунайдиган жойни биламан.

— Қойил.

— Дада, троллейбус сим тортилмаган жойда юра олмай-
дими?

— Албатта юролмайди.

— Автобус-чи?

— Автобус юра олади.

— Дада, мен ҳар бир электр лампочкасида қуёшнинг бир томчиси бор деб биламан. Бунинг учун жуда кўп одамлар меҳнат қилишган, ҳозир ҳам кўп одамлар меҳнат қилишяпти. Буни менга капитан Калашников айтиб бердилар. У киши электростанциянинг директорлари.

— Оббо ўғлим-эй!— ҳайрон қолиб деди дадаси ва унга кўз ойнак орасидан тикилиб қараб турарди.— Қараб турсам жуда ақлли бўлиб қолибсан! Шошмай тур... Мен сенга шундай бир топишмоқ айтаманки! Сен уни ҳеч ҳам тополмайсан! Мана кўрасан!

— Аммо, дадажон, кейинроқ ўзингиз қизиқроқ қилиб ечиб беринг-да.

* * *

Улар уйга етиб келганларида ойиси Майсажон билан шундай қучоқлашиб кўришдики, Майсажоннинг қовурғалари қирсиллаб кетаёзди. Ойисининг кўз ёшлари унинг йўл-йўл тўр қўйлагини ҳўл қилиб юборди. Дадаси ҳам нима учундир тез-тез кўзойнагини дастрўмоли билан арта бошлади.

— Нима учун йиғлаяпсизлар? Қизиқ экансизлар-ку!— деди Майсажон.

— Биз, энди сени мутлақо йўқолиб қолдинг деб ўйлаган эдик.

— Бе, мен қандай қилиб йўқолиб қолишим мумкин,— деди Майсажон.— Ахир мен кичкина эмасман-ку. Кичкина бўлганимда ҳам бари бир мени кўтариб олиб келган бўлишарди. Менинг танишларим жуда кўп...

Дадаси билан ойиси қулишди.



Майсажон уларга қараб, нима учундир бирдан йиғлаб юборди ва тезда тўхтади.

Кейин уларнинг учовлари ҳам кулишди.

Қисса тугади

Мана, Майсажон сал бўлмаса бутунлай йўқолиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги қисса мана шундан иборат.

Майсажон ҳозир ҳам дадаси ва ойиси билан Петровский боғида яшайпти.

Бу қиссадаги гапларнинг ҳаммаси рост.

Қудратли Офтоб нур сочяпти. Кремль юлдузлари порляпти.

Биз эса, ҳамма одамлар яхши яшасин деб, табиатни ўзимизга хизмат қилдириш учун ўқияпмиз, катта-катта бинолар қуряпмиз, меҳнат қиляпмиз.

Вақти келади — биз ҳам дам оламиз.

Ерда паровозлар, электропоездларнинг юриши, электростанцияларнинг ишлаётганлиги, электр қувватларининг-сим бўйлаб бораётганлиги, қувурлардан газлар оқаётганлиги ҳам рост.

Кўчаларда троллейбуслар ва автомобиллар, автобуслар ва трамвайлар елдек учиб бормоқда. Ер остида метро поездлари ғириллаб ўтиб борапти. Осмонда эса самолётлар учмоқда. Радио тўлқинлари ҳамма ёққа музика ва одамлар овозини тарқатмоқда. Радио тўлқинлари ёрдамида фақат эшитиш эмас, балки узоқ-узоқларда нималар бўлаётганини кўриш мумкин.

Кечалари газеталар босилмоқда. Уларда ер юзида бўлаётган воқеалар ҳақида ҳамма нарсалар ёзилган.

Кеча-кундуз иш тўхтамайди.

Оқшом тушиши билан бутун Москва электр нурларидан ёришиб кетиши, Кремль юлдузларининг янада равшанроқ порлаши ҳам рост.

Қаердадир унча узоқ бўлмаган жойда кичкинагина қизча Офтобойнинг яшаши ҳам рост. Мен мана шу қизчани севаман, ана шунинг учун шу қиссани унга бағишладим.

МУНДАРИЖА

Майсажон тўғрисида	3
Эски боғларда юз берган воқеа ҳақида	4
Майсажоннинг истаги қандай қилиб рўёбга чиққанлиги ҳақида	5
Янги уй қаватлари бўйлаб саёҳат	7
Ойиси айтган топишмоқлар	8
Светофорлар остидаги троллейбусда	11
Майсажон ер остига тушди	15
Ер остидаги мўъжизалар	16
Оддий ҳаво нималарга қодир	17
Майсажон ҳеч ҳам кўрқмади	20
Ер ости бўйлаб саёҳат	21
Улкан бино	22
Янги улкан бинолар	24
Вокзалда	26
Майсажон йўқолиб қолди	28
Майсажонга нима бўлди	32
Изига тушдилар	36
Майсажон дадасининг кетидан қувиб етмоқчи бўлди	37
Майсажоннинг дадаси тез ва қатъий ҳаракат қилади	40
Ойисига нима бўлди	44
Майсажон топилганга ўхшайди	47
Учинчи синф ўқувчиси	50
Паровозда	52
Бўри	54
Офтобой	57
Янги танишлар	59
Москва тоғига юриш	61
Қуёш чиққан кун	63
Капитан Калашниковнинг фармойишлари	66
Москва — улўғ шаҳар	68
Қалин ўрмонда	71
Майсажоннинг «дадаси» кўлга тушди	74
Тўртинчи взвод командири	78
Измайловлар топилди! Измайловлар кўлга олинди	84
Майсажоннинг дадаси ва ойиси	87
Майсажон капитанникида меҳмон бўлди	91
Майсажон Москвага жўнади	93
Ҳар нарсанинг иложи бор	95
Майсажоннинг ойиси ёлғиз қолди	96
Майсажон дадаси билан циркда	97
Агар Майсажон циркка борган бўлса, тезда келиб қолади	98
Редакцияда	100
Соат тунги ўн икки эди	102
Газета босилляпти	105
Майсажон эса аллақачон Москвага келган эди	108
Янги бинолар	111
Трамвай паррка боради	116
Трамвайлар тунайдиган жой	118
Қоровул ҳам яхши экан	121
Эрталаб	124
Справка бюросининг сеҳргари	126

Наҳотки Майсажон яна йўқолган бўлса	128
Ҳали олдинда жуда кўп саргузаштлар бор	131
Қисса тугади.	134

P 2
P 68

Розанов С.
МАЙСАЖОННИНГ САРГУЗАШТЛАРИ. Повесть. Русчадан Ҳ. Пирмухамедов тарж. Т., «Ёш гвардия», 1974. 136 б.

Розанов С. ПРИКЛЮЧЕНИЯ ТРАВКИ.

P 2

На узбекском языке

СЕРГЕЙ РОЗАНОВ

ПРИКЛЮЧЕНИЯ ТРАВКИ

Издательство «Ёш гвардия»—Ташкент—1974

Редактор Э. Сиддиқов
Рассом В. Чеченин
Расмлар редактори Л. Мироедова
Техн. редактор Л. Жихарская
Корректор М. Юнусова

Босмахонага берилди 27/VI-1974 й. Восишга ружсат этилди 4/X-1974 й. Формати 60×84^{1/16}. Восма листи 8,5. Шартли босма листи 7,91. Нашр. листи 6,84. Тиражи 30.000. Қоғоз № 3. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 44—72. Баҳоси 32 т. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмахонаси, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 1093.

P $\frac{07-6-3-226}{M 356 (06)-74}$ —130—74